ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

## Замонавий педагогикани ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари

### МОДУЛИ БЎЙИЧА

# ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА






ТОШКЕНТ-2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** **Ш.Авазов** – ТДПУ "Экология" касфедраси профессори, п.ф.н..

**М.П.Имомов** – ТДПУ ҳузуридаги ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази п.ф.ф.док. (PhD)

**Тақризчилар:** **Ф.Р.Юзликаев**– Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти, п.ф.д., профессор

**Хорижий эксперт:** п.ф.д., профессор Н.Л.Шеховская - Белгород давлат университети, "Педагогика ва психология" кафедраси мудири.

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

**МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР ........................................................................................ 4

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ........................................................................... 12

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР ........................................................ 31

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ........................................ 176

V. ГЛОССАРИЙ......................................................................................... 217

VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .................................... 237

# I. ИШЧИ ДАСТУР
# КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августда “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли ҳамда 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшим чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган қатъий ислоҳотлар мазмунини очиб беришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни шахс камолотининг маърифий асослари, педагогика фани ва унинг тараққиёт тенденциялари, педагогика фани ва педагогик амалиётнинг долзарб масалалари: педагог кадрлар тайёрлаш модели; педагогик фаолият муаммолари; педагогик тизимларни лойиҳалаштириш; талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш асосида ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими, толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантиришга компетентли ёндашув, шунингдек, маърифий (педагогик) инноватика, инновацион

маърифий муассасалар ва кластерлар бўйича янги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни назарда тутади.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Замонавий педагогикани ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари” модулининг **мақсади** тингловчи профессор-ўқитувчиларнинг педагогик билим, кўникма ва малакаларини Давлат талаблари асосида чуқурлаштириш ва янгилашга, ўқув-тарбия жараёнида юқори илмий-методик даражада инновацион технологиялардан фойдаланишга имкон берадиган педагогик касбий компетенциялар шаклланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

шахс камолотининг маърифий асослари, педагогика фани ва унинг тараққиёт тенденцияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

педагог кадрлар тайёрлаш модели, педагогик фаолият муаммолари ва педагогик тизимларни лойиҳалаштириш масалаларини ўрганиш ва муҳокама қилиш;

талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш асосида ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими, толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантиришга компетентли ёндашувнинг моҳиятини ўрганиш ва муҳокама қилиш;

маърифий (педагогик) инноватика ва инновацион маърифий муассасалар ва кластерларни янги педагогик ҳодиса сифатида ўрганиш ва тадқиқ этиш.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Замонавий педагогикани ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида**:**

**Тингловчи:**

– шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи омиллар: ирсият, муҳит ва маърифатнинг мазмун-моҳиятини;

– замонавий педагогик қарашлар, етакчи концепциялар ва олий педагогик таълим тизимининг тараққиёт тенденцияларини;

– педагог кадрлар тайёрлаш модели, педагогик фаолият муаммолари, педагогик тизимларни лойиҳалаштириш, ҳамкорлик педагогикаси ва талабалар педагогик амалиётини тизимли ташкил этишни;

– талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш асосида ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими, толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантиришга компетентли ёндашувни;

– маърифий (педагогик) инноватика ҳамда инновацион маърифий муассасалар ва кластерлар моҳиятини ***билиши*** керак.

– педагогик таълим, тарбия ва маданиятни шакллантириш жараёнида ирсият, муҳит ва маърифат каби омиллар имкониятларини рўёбга чиқариш;

– замонавий педагогик қарашлар, етакчи концепциялар ва олий педагогик таълим тизимининг тараққиёт тенденцияларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш;

– талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш, ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими ҳамда толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантириш;

– инновацион-педагогик фаолият методларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш;

– талабаларнинг мустақил ва ижодий изланишларини, педагогик амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш;

– хорижий ва миллий илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўз педагогик фаолиятини такомиллаштириш бўйича ***кўникма ва малакаларига эга бўлиши лозим***.

– педагогик таълим, тарбия ва маданиятни шакллантириш жараёнида ирсият, муҳит ва маърифат каби омилларнинг имкониятларини тушуниш, идрок этиш;

– замонавий педагогик қарашлар, етакчи концепциялар ва олий педагогик таълим тизимининг тараққиёт тенденцияларини анализ ва синтез қилиш;

– талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш, ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими ҳамда толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантириш имкониятларини баҳолаш ва улардан хулосалар чиқариш;

– назарий ва амалий машғулотларда, талабалар педагогик амалиётида инновацион-педагогик фаолият методлари ва технологияларини қўллай олиш ***компетенцияларига эга бўлиши лозим.***

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Педагогиканинг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Олий таълим дидактикаси”, “Педагогик фанларни ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш”, “Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

## Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа

соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгти ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогиканинг тараққиёт тенденциялари ва инновацияларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти**

| № | Модул мавзулари | Жами аудитория соати | Жумладан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | назарий | амалий |
| 1. | Шахс камолоти - педагогик янгиланишлар билан шартланган умумилмий педагогик категория сифатида | 2 | 2 | |
| 2. | Маърифат – маърифий ёндашув билан шартланган педагогик категория сифатида | 2 | 2 | |
| 3. | Замонавий педагогиканинг инновациялар билан шартланган умумий асослари | 2 | 2 | |
| 4. | Педагогика фанини ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари | 2 | 2 | |
| 5. | Шахс камолоти – педагогик муаммо ва умумилмий категория сифатида | 2 | | 2 |
| 6. | Маърифат –педагогик категория сифатида | 2 | | 2 |
| 7. | Педагогика методологияси ва илмий-тадқиқот методлари | 2 | | 2 |
| 8. | Таълим жараёни қонуниятлари, мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари | 2 | | 2 |
| 9. | Педагогик концепциялар, парадигмалар ва педагогика фанининг ривожланиш тенденциялари | 2 | | 2 |
| 10. | Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади) технологиялар ҳамда инновацион жараёнларни бошқариш | 2 | | 2 |
| **Жами** | | **20** | **8** | **12** |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-Мавзу: Шахс камолоти - педагогик янгиланишлар билан шартланган умумилмий педагогик категория сифатида

“Одам онтогенези” тушунчасининг педагогик талқини. Шахс камолоти ва уни ҳаракатга келтирувчи омиллар: ирсият, муҳит, маърифат. Шахс камолоти қонуниятлари. Шахс камолоти ва уни бошқариш - педагогик муаммо ва умумилмий педагогик категория сифатида. Шахс камолотини бошқаришда педагогик инноватиканинг тутган ўрни ва аҳамияти.

### 2-мавзу. Маърифат – маърифий ёндашув билан шартланган педагогик категория сифатида

Педагогик ҳодиса ва жараёнларга маърифий ёндашув. Маърифат - педагогик жараённинг мақсади ва мазмуни сифатида. Таълим ва тарбия – маърифатнинг ўзаги сифатида. “Маърифат” – педагогиканинг бош категорияси сифатида.

### 3-мавзу. Замонавий педагогиканинг инновациялар билан шартланган умумий асослари

Инсон ҳақидаги фанлар тизимида педагогиканинг фан ва ўқув фани сифатидаги аҳамияти. Педагогик антропология. Педагогиканинг объекти, предмети ва вазифалари. Педагогика фанлари тизими, унинг бошқа фанлар билан интеграцияси. Педагогика методологияси ва асосий методологик ёндашувлар. Педагогик илмий-тадқиқот методлари.

### 4-маъруза: Педагогика фанини ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари

Педагогик (дидактик) концепциялар, парадигмалар ва таълим модел-лари. Педагогика фанини ривожлантириш омиллари ва тенденциялари. Педагогика фани ва амалиёти интегацияси: педагогик фаолият, талабалар педагогик амалиёти, инновацион маърифий муассасалар ва маъри-фий кластерлар муаммолари ва ечимлари. Педагогика фанини ривожлантиришнинг махсус стратегиялари: инте-риоризация, экстериоризация, проблематизация ва рефлексия.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

### 1-амалий машғулот.

**Мавзу: Шахс камолоти – педагогик муаммо ва умумилмий категория сифатида**

Шахс камолоти. Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи куч. Шахс камолотидаги ички ва ташқи зиддиятлар. Шахс камолотинининг омиллари. Шахс камолотининг ҳар бир омили. Тарбия орқали одамни бутунлай

ўзгартириш. Шахс камолотини ташхислаш. Шахс камолотининг ташхислашнинг босқичлари.

**2-амалий машғулот. Маърифат –педагогик категория сифатида**

Маърифат. Маърифатга берилган таърифлар Маърифатнинг мақсади. Маърифатнинг мазмуни акс этадиган ўзига хос жиҳатлар. Педагогик жараён қандай таркибий қисмлари. Маърифий жараёнда таълим тизимининг тутган ўрни. Маърифат педагогик категория сифатида. Маърифат – ижтимоий ҳодиса ва жараён. Маърифат – муайян шахс ва жамият ривожланишининг умумий шакли.

**3-амалий машғулот. Педагогика методологияси ва илмий-тадқиқот методлари**

Инсон ҳақидаги фанлар тизимининг вазифаси. Инсон ҳақидаги фанлар тизимида педагогиканинг ўрни. Педагогик антропологиянинг аҳамияти. Педагогиканинг объекти, предмети ва вазифалари. Педагогика фанлари тизими. Педагогика методологияси. Методологик ёндашув. Педагогиканинг замонавий илмий йўналишлари (тармоқлари). Илмий педагогик тадқиқотларнинг турлари. Инновацион тадқиқот.

**4-амалий машғулот. Таълим жараёни қонуниятлари, мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари.**

Таълим жараённинг қонуниятлари. Таълим мазмуни ўз ичига оладиган жиҳатлари. Дидактик тамойиллар. Таълим мазмуни назариялари. Дидиктик концепциялар. Компетентлик, компетентликнинг турлари. Замонавий дарсга қандай талаблар. Замонавий дарс тузилмаси.

**5-амалий машғулот. Педагогик концепциялар, парадигмалар ва педагогика фанининг ривожланиш тенденциялари.**

Педагогик концепция. Педагогик концепцияларнинг турлари. Педагогик парадигма. Педагогик парадгмаларнинг турлари. Педагогика фанини ривожланиш омиллари (манбалари). Педагогика фанининг ривожланиш тенденциялари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти. Таълим муассасанинг инновацион фаолияти. Замонавий ўқитувчига хос фазилатлар.

**6-амалий машғулот. Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади) технологиялар ҳамда инновацион жараёнларни бошқариш.**

Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади) технологиялар ва инновацион жараёнларни бошқаришга оид маълумотларни тизимлаштириш. Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади) технологиялар ва инновацион жараёнларни бошқаришнинг мазмуни ва моҳиятини таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантириш.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Бугунги кунда ўқитишнинг замонавий методлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методлар интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аталади. **Интерфаол методлар** деганда таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.



### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

**“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ** - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.




**“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

**«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:**

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

**«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ** – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган.

**Давра столи тузилмаси**

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

**“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.

4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.




Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши

мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, рухсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.




**Методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



# "ФСМУ" методи

**“ФСМУ”**–(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзуни чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундайди.

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

| | |
|---|---|
| **Ф** | • фикрингизни баён этинг |
| **С** | • фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг |
| **М** | • кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг |
| **У** | • фикрингизни умумлаштиринг |

**ФСМУ** таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Тасвирий санъат фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

**1-Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

**2-Топшириқ:** Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги давлат бошқарувининг асосий фарқлари?



## "ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

**Методни амалга ошириш тартиби:**



Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, хар бир гурухга умумий муаммони тахлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Хар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича тахлил қилиб, ўз мулохазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



Нвбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан тахлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

**Намуна:**

| **Тасвирий санъат фанидан Давлат таълим стандарти** | | | |
|---|---|---|---|
| **Собиқ стандарт** | | **Янги стандарт** | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | |
| **Хулоса:** | | | |



## “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

| | |
|---|---|
| **S – (strength)** | • кучли томонлари |
| **W – (weakness)** | • заиф, кучсиз томонлари |
| **O – (opportunity)** | • имкониятлари |
| **T – (threat)** | • тўсиқлар |

**Намуна:** Тасвирий санъат фанларини ўқитишда “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|---|---|---|
| **S** | Тасвирий санъат фанларини ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучли томонлари | |
| **W** | Тасвирий санъат фанларини ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари | |
| **O** | Тасвирий санъат фанларини ўқитишда “Хулосалаш” методдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички) | |
| **T** | Тўсиқлар (ташқи) | |

**Намуна:** Анъанавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

| | | |
|---|---|---|
| **S** | Оддий дарсда ўқитувчи, тингловчиларга кўп маълумот бера олмайди | Замонавий дарсда камроқ маълумот берилади, бироқ улар тингловчилар онгига сингдириб берилади |
| **W** | Ўқитувчи асосан аълочи, қизиқувчи тингловчилар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли тингловчилар қамраб олинади | Замонавий таълимда дарсда кўп сонли тингловчилар қамраб олинади |
| **O** | Оддий дарсда фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади | Замонавий дарсда муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туғилиши мумкин |
| **T** | Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, тингловчи учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти | Кенг муҳокама учун вақтнинг чегаралангаглиги, тингловчиларни мавзудан четга буришга интилишлари |



## "Инсерт" методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

➢ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида

тайёрлайди;

➢ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➢ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| **Белгилар** | **1-матн** | **2-матн** | **3-матн** |
|---|---|---|---|
| “V” – таниш маълумот. | | | |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. | | | |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик. | | | |
| “–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман? | | | |

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



## “Пинборд” методи

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (махсус доска ва махсус қоғоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптимал ечимлар бўйича аниқланади.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;

2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;

3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;

4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва варақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;

5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

**Маданият**

| моддий маданият | маънавий маданият |
|---|---|
| | |
| | |



## “Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод тингловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда тингловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда кечади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

Тингловчилар мавзу ва методдан фойдаланиш қоидаси билан таништирилади

Тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади

Гуруҳлар ўзларига берилган топшириқни бажаради

Гуруҳлар ечимни гуруҳ жамоаси ҳукмига ҳавола этади

Гуруҳларнинг ечимлари гуруҳ жамоасида муҳокама қилинади

| **Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар** | **Муҳим белгилар, тавсифлар** | | |
|---|---|---|---|
| | **1-белги (тавсиф)** | **2-белги (тавсиф)** | **3-белги (тавсиф)** |
| 1-жиҳат | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-жиҳат | | | |
| ... | | | |

**Намуна:**

| **Тасвирий санъат дарсларида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг жиҳатлари** | **Муҳим белгилар, тавсифлар** | | |
|---|---|---|---|
| | **1-белги (тавсиф)** | **2-белги (тавсиф)** | **3-белги (тавсиф)** |
| “Ассесмент” | | | |
| “Инсерт” | | | |
| “Тушунчалар” | | | |
| “Брифинг” | | | |
| “Баҳс-мунозара” | | | |
| “Муаммоли вазият” | | | |
| | | | |



## "Тушунчалар" методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”.

| **Тушунчалар** | **Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?** | **Қўшимча маълумот** |
|---|---|---|
| Перспектива | | |
| Конструкция | | |

| | | |
|---|---|---|
| Ҳажмлар | | |
| Композиция | | |
| Шакл ҳажмдорлиги | | |
| Ранг гаммаси | | |
| Психологик портрет | | |
| Ранг колорити | | |

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**“Муаммоли вазият” методи**

**“Муаммоли вазият” методи** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.




**“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.



## "Т-жадвал" технология

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

**Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини қўядилар.**

**Изоҳ: Ўқитувчи:** Янги мавзуни баён қилади ва тингловчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни якка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

- вақт тугагач тингловчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;

- барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

**Тингловчи:** - мавзуни диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;

- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;
- якуний хулосаси билан ўтирганларни таништиради;
- регламентга риоя қилади.

**Кутиладиган натижа:** Тингловчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

**“Т-жадвал” технологияси**

| **Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)** | |
|---|---|
| **+ (ҳа, ижобий)** афзаллиги (ютуғи) | **- (йўқ, салбий)** камчилиги |
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| ... | ... |

**“Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”**

| **Афзалликлари** | **Камчиликлари** |
|---|---|
| “Қайтар алоқа”нинг таъминланиши | кўп вақт талаб этилиши |
| мотивациянинг юқори даражада бўлиши | тингловчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги |
| ўтилган материалнинг яхши эсда сақл қолиниши | объектив баҳолашнинг қийинлиги |
| мулоқатга киришиш кўникмасини такомиллашиши | ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши |
| ўз-ўзини ва бошқаларни баҳола кўникмасининг шаклланиши | ижодий шовқин бўлиши |
| мустақил фикрла | қайтар алоқанинг таъминланмаслиги |
| **ХУЛОСА** | |



## “Блиц-ўйин технологияси”

**Сана ва воқеаларни тўғри хронологик кетма-кетликда жойлаштиринг.**

**Саналар –** ..........................................................асрлар.

Тасвирлашга нисбатан бўлган қизиқиш инсонларни қадимдан ўзига жалб этиб келган. Чунки у ибтидоий давр одамларига ўзаро мулоқот қилиш, сўзлашиш учун зарур бўлган. Тарихдан маълумки, тасвирларнинг аксарияти овчилик билан шуғулланиб келган қадимги одамларнинг ҳайвонларни қандай ов қилганликларига асосланган. Улар ҳайвонларнинг юрган йўлларини кузатиб, қоя ва ғорларда турли тасвир ва белгилар қолдирганлар. Вақт ўтиши билан уларнинг тасвирлаш қобилиятлари ривожланиши натижасида

кейинчалик ҳар хил ов манзаралари ўзига ҳос дастлабки композиция ечимига эга тарзда акс эта бошлаган.

| Йил, сана | Содир бўлган воқелик |
|---|---|
| | |

**“Венн диаграммаси” стратегияси**

Стратегия тингловчи (тингловчи)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Стратегия тингловчи (тингловчи)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



## “Ҳамкорликда ўқитиш” методи

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишдир!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бир-бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоки, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чуқур мазмунга эгалиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари бетакрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гуруҳ бажарган топшириқни эртага ҳар тингловчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, тингловчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаоллиги ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган тингловчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиладилар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;
- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;
- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга ҳаракат қиладилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушини қўшишга олиб келади;
- тингловчилар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;
- тингловчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига кўмаклашади. Ўқишда ўртоқларига ёрдам бераётган тингловчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;
- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари ўртоқларига таъсир этишнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиқлар;
- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;
- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- гуруҳга битта топшириқ;
- битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;
- ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари,

қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

| **Гуруҳда ишлаш қоидалари:** |
|---|
| Ҳар ким ўз ҳамкасблари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур; |
| Ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур; |
| Ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур; |
| Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур; |
| Ҳар ким гуруҳ ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур. |
| Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз! |
| Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз! |

| **Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:** |
|---|
| 1. Гуруҳ лидерини сайланг. |
| 2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг. |
| 3. Топшириқни бажаринг. |
| 4. Тақдимотга тайёрланинг. |
| 5. Тақдимот ўтказинг. |
| 6. Гуруҳ ишини баҳоланг. |

1-босқич

Гуруҳ иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

**1.** Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

**2.** Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қилади, таълим олувчилар билан биргаликда уни ечиш йўли ва тартибини муҳокама қилади, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

**3.** Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

**4.** Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қилади;ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.

**5.** Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қилади; Гуруҳ ишини назорат қилади. Гуруҳ ишини режалаштириш, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш,вазифани бажариш бўйича якка тартибда ишлаш, якка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш, гуруҳ учун умумий ечимни ифодалаш, гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбеҳ қилади.

**6.** Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

3-Назорат –якуний босқичи

Якун ясаш – натижалар текширувини ўтказади: гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ бажарилишининг якунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

**Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги**

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

# III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## 1-маъруза: Шахс камолоти - педагогик янгиланишлар билан шартланган умумилмий педагогик категория сифатида

**Режа:**

1. “Одам онтогенези” тушунчасининг педагогик талқини.
2. Шахс камолоти ва уни ҳаракатга келтирувчи омиллар: ирсият, муҳит, маърифат. Шахс камолоти қонуниятлари.
3. Шахс камолоти ва уни бошқариш - педагогик муаммо ва умумилмий педагогик категория сифатида.
4. Шахс камолотини бошқаришда педагогик инноватиканинг тутган ўрни ва аҳамияти.

**Таянч иборалар:** одам; индивид; шахс; одам онтогенези; шахс камолоти; ирсият; муҳит; маърифат; фаолият; мулоқот; ривожланиш; шаклланиш; педагогик инноватика.

### 1. “Одам онтогенези” тушунчасининг педагогик талқини

Педагогиканинг объекти одам индивидининг камол топишини белгилайдиган воқелик ҳодисалари бўлганлиги учун “одам онтогенези” тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Зеро, ақл-заковатли одам ўзида биологик, ижтимоий ва маданий жиҳатларни намоён этадиган тирик организмдир. Ер сайёрасида бундай хусусиятларга эга бўлган бошқа жон эгаси мавжуд эмас.

Қуйи сут эмизувчиларнинг одам мансуб бўлган *гоминид оиласи* Ернинг экватор қисмида, *одам зоти* эса Африканинг шарқий қисми ва Жанубий Осиё-да пайдо бўлган. Гоминид оиласи *австралопитеклар* ва *“оддий одамлар”* деб аталувчи икки кенжа оилани ўз ичига олган. Оддий одамлар кенжа оиласидан фақат битта тур, яъни *Homo sapiens* - ақлли одам сақланиб қолган. Кўпчилик олимлар Homo sapiens тури *неандерталь одам* ва *ҳозирги одам* деб аталувчи иккита кенжа турга бўлинади, деб ҳисоблайдилар. 4 млрд йиллик тирик табиат тараққиёти тарихида бундан 5-3,5 млн йил олдин одамнинг, Homo sapiensнинг пайдо бўлиши тарихан узоқ давр эмас. Одам Ердаги исталган биологик тур каби ўткинчи бўлиб, тирик табиат эволюциясининг мутлақо “чўққиси” ҳисоб-ланмайди.

Homo sapiensнинг генетик дастури одамни ***биологик тур*** сифатида аниқлаб беради. Генетик дастур ДНК молекуласига ёзилган бўлиб, у авлоддан авлодга ўтишида турли хил генетик жараёнларга (ген мутацияси, генлар кўчиши ва ҳ.к.) жалб этилади. Одам ўзи яшаётган табиий-ижтимоий муҳитнинг кескин ўзгариши ёки ифлосланишига тез мослаша олмайди ва бундай

номуво-фиқлик турли касаллик ёки генетик бузилишларга олиб келиши мумкин. Де-мак, одам ирсияти – генофонди энг ноёб табиий ресурс бўлиб, уни муҳофаза этиш талаб этилади.

Дастлабки одамлар табиий муҳит (ландшафт) қуршовида яшаган, ўзини табиат билан бирга ҳис қилган, тирикчилик йўлида овчилик ва ўсимлик мева-ларини йиғиш билан шуғулланган, вақтинчалик кичик манзилгоҳлар қуриб, озиқ моддаларга бой ҳудудларга доимо кўчиб юришган. Одамда меҳнат қи-лиш, иш қуролларини яратиш ва тафаккур қобилиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши унинг турмуш тарзини ўзгартира бошлаган. *Ақл (онг)* – одамлар-га озиқ-овқат ресурслари етишмовчилигини бартараф қилиш имконини бер-ган: қишлоқ хўжалиги (бундан 10 минг йил олдин) вужудга келган, саноат ин-қилоби бошланган (бундан 200 йил олдин). Одам буюк яратувчи сифатида ўзи учун қулай яшаш муҳити - маданий ландшафтлар, қишлоқ ва шаҳар (урба-низация) тизимларини вужудга келтирган. Шу тариқа инсон бутун борлиқнинг кўркига, энг етук ва онгли вужудга, беқиёс ижтимоий-маданий ҳодиса – воқе-ликка айланган.

Демак, одамнинг ҳаёт фаолияти табиий-биологик ва ижтимоий-маданий омиллардан иборт яхлит шарт-шароитлар мажмуида кечади. У бу шароитларга нафақат биологик, балки ижтимоий-маданий мослашиши ҳам зарур. Одам-нинг биологик мослашиши ҳайвонлардан кескин фарқ қилади ва у ижтимоий-маданий омиллар, ижтимоийлашиш жараёни билан шартланган бўлади. Шу сабабли одам ҳайвонот салтанатида мураккаб ижтимоий-маданий тузилмага ва меҳнат фаолиятига эга бўлган *бетакрор тур* саналади.

Одам ***индивид*** (инсоний қиёфаси ва шахси эътиборга олинмаган алоҳида одам зоти) сифатида ижтимоий-маданий муносабатлар тизимига киргач, унда жамиятга ва ўзига хос ижтимоий-маданий хусусиятлар вужудга кела бошлай-ди. Инсон ***шахси*** ўзининг генетик дастури, табиий муҳит омиллари ва ўзи яша-ётган жамиятга хос қадриятлар, меъёрлар, йўл-йўриқлар ва хулқ-атвор наму-наларини ўзлаштириши ҳамда ўз шахсий тажрибаси асосида яхлит ***ижти-моий-маданий мавжудот*** сифатида шаклланади (1.1-расм).
Одам табиий-генетик, ижтимоий-тарихий ва маърифий-маданий жараён-лар ва ҳодисалар субъекти ва объекти бўлиб, улар табиат ва жамият томонидан яратилган ва одамни шахс сифатида шакллантирадиган ҳаётий муҳит ҳисобла-нади. Одамнинг ижтимоийлашуви, ўзига хос турмуш тарзи ва авлодларнинг узлуксиз янгиланиши мазкур муҳитда рўй беради. Бу муҳит моддий ва маъна-вий қадриятлар истеъмолчиси, ташувчиси, ижодкори ва яратувчилик фаоли-ятига тайёр бўлган *баркамол (комил) инсон* шахсини вужудга келтиради. Ҳар қандай одам бошқа инсонларсиз, ижтимоий гуруҳлар ва ижтимоий-маданий муҳит таъсирисиз “тирик мурда” - индивид

ҳолатида қолади, ўзлигини англа-майди. Демак, ***шахс*** **тушунчаси инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жиҳат-дан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқа-лардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жа-мият аъзосини ифодалашга хизмат қилади. Ҳар қандай етук шахсга қуйидаги** ***хусусиятлар (тавсиф)*** **хос бўлади: ақл-фаросат; масъулият-жавобгарлик; эрк-эркинлик; қадр-қиммат; индивидуаллик-ўзига хослик.**

Барча одамлар ***инсоният*** (жамият, социум) деб аталувчи популяция тизи-мини ҳосил қилади. Одам бу тизимда ўзига хос маънавий-ахлоқий, ижтимоий-маданий хислатларга эга бўлишига қарамасдан, биосфера қонуниятлари дои-расидан ташқарига чиқа олмайди. Одамнинг жисмоний танаси, анатомик-фи-зиологик тузилиши ва хусусиятлари унинг *биологик жиҳатини;* ўрганиш ва билишга қобиллиги, ўзгалар билан ўзаро мулоқотга киришиши ва муносабат-лар ўрнатиши, руҳий-маънавий баркамолликка эришиш истаги эса *ижтиоий- маданий жиҳатини* англатади. Одамда бу жиҳатларнинг ўзаро мутаносиб ри-вожланиши яхлит инсон шахси шаклланишини таъминлайди. Зеро, инсон – ўз ақли ва руҳи соҳиби; ўз шахси, маданият ва тараққиёт бунёдкори. Инсон – энг олий қадрият, унинг бахт-саодати эса энг олий мақсад ҳисобланади.

***Одам онтогенези*** – одам организмининг ҳомиладан бошлаб ўлимигача бўлган ҳаётий даврида кечадиган индивидуал ривожланиш жараёни. “Онтоге-нез” термини 1866 йилда Э.Геккель томонидан фанга киритилган. Онтогенез жараёнида одам организмнинг ўсиши, аъзоларининг табақаланиши, фарқлани-ши ва ўзаро боғланган ҳолда мукаммал ривожланиши рўй беради. ***Онтогенез*** - шахс камолотини таъминловчи ирсий дастурнинг изчил амалга ошишидир.

Одам онтогенезининг қуйидаги асосий *даврлари* ажратиб кўрсатилади:

1. ***Ҳомила - туғруқдан олдинги давр***. Ҳомиладор бўлиш – ота-она ҳаёти-даги буюк ажиблик ва энг масъулиятли давр бўлиб, унга олдиндан астойдил, пухта ўйлаб тайёргарлик кўрилиши лозим: ўзини қаттиқ ҳаяжонланишдан ас-раш; сифатли ва витаминларга бой озиқ-овқатларни истеъмол қилиш; зарарли одатлардан воз кечиш; боланинг тахминан қачон туғилишини муҳокама қи-лиш ва ҳ.к. Хусусан, она организмини тозалаш, асаб тизимини тайёрлаш ва ота манийсини соғломлаштириш каби чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим. Ҳомиладорлик даврида она ва бола яхлит, бир бутун организм ҳисобланади. Ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойида ҳомила зарарли таъсирларга ўта сезгир бўлади.




1.1-расм. **Одам - биологик тур ва ижтимоий-маданий мавжудот сифатида**

Агар юқорида келтирилган ва шифокорнинг бошқа тавсияларига амал қилинса, ҳомила она организмида ўзини жуда яхши ҳис қилади.

2. ***Туғриқ атрофидаги давр*** - ҳомиладорлик якунланадиган мураккаб фи-зиологик жараён бўлиб, туғишгача, туғиш ва туғишдан кейинги даврларга бў-линади, яъни ҳомиладорликнинг 28 ҳафтасидан туғишдан кейинги 1 ҳафтани ўз ичига олади. Ҳомиланинг туғруқ йўли бўйлаб келиши, бачадондан сиқиб чиқарилиши ва ноқулай вазиятларда акушерлик аралашувини карахт бўлиб ухлаб ётган чақалоқни қийнаш ёки унга шавқатсизлик қилиш билан қиёслаш мумкин. Шу сабабли ҳомила бачадондан авайлаб чиқарилади. Туғиш пайтида-ги шикастланиш, ирсий касалликлар ва ҳомиладорлик асоратлари – гўдак та-насидаги камчилик ва нуқсонларнинг кўп учрайдиган сабаблари ҳисобланади.

3. ***Чақалоқлик*** - янги туғилган чақалоқнинг ташқи яшаш муҳитига даст-лабки руҳий-физиологик, жадал мослашиш даври ҳисобланади. Чақалоқ она организмидан табиий ажралиб чиққач, уни парваришлаш учун доимий ва қа-лин алоқалар ўрнатилади. Олдинига янги туғилган чақалоқнинг ички муҳити, ҳис-туйғулари билан боғлиқ таъсирланишлар пайдо бўлади, улар ташқи муҳит қўзғовчилари билан суст боғланади. Чақалоқ меъёрида ривожланса, бир ой ўт-гач жонланиш пайдо бўлади. Боланинг ҳиссий ва ҳаракат соҳасида кескин ўз-гаришлар бошланиб, улар мувофиқлаша бошлайди. Кейинчалик онасини кўр-са куладиган, овоз чиқарадиган, у томонга қўлларини чўзадиган бўлади.

4. ***Гўдаклик ( 1 ёшгача)*** - гўдак фаолиятида (қўлида нарсалар билан му-раккаб ва нозик ҳаракатлар қилиш) ёки унинг атрофдаги одамлар билан муло-қоти ва хулқ-атворида етакчи руҳий фаоллик босқичларининг алмашинуви ку-затилади. Гўдаклик – бола билан она ўртасида ҳиссий мулоқот қарор топиши-нинг нозик табиатли, ўта таъсирчан даври. Бу даврда болада айрим руҳий си-фатлар ва фаолият турларини ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган бўлади. Гўдакликнинг 4 ойгача бўлган даврида руҳий кечинмалар-нинг сезиш, ҳис қилиш соҳаси ҳаракатланиш тизимининг ривожига нисбатан жадал ривожланади. Гўдакнинг қўл кафти очилиши билан (бунгача бармоқла-ри муштига сиқилган бўлади) ўйинчоқлар ўйнаш имконияти пайдо бўлади, тақлидий товушлар чиқаради. Гўдак 9 ойлигида ўрнидан туради, юра бошлай-ди, биринчи сўзни тўғри талаффуз қилади.

5. ***Илк болалик*** **(1-3 ёш)** – боланинг турли нарсалар билан шуғулланиши етакчи фаолиятга айланади. Бола ҳамма нарсани ўзгалар ёрдамисиз ўзи қи-лишга уринади. Бола кийиниш, овқатланиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари-ни ўйин фаолиятига кўчиради, ўзида ҳаракатланиш кўникмалари ва яққол-ҳа-

ракатли тафаккурни ривожлантиради. Шу билан бирга унинг мулоқотида янги сифат – жумлали, иборали нутқ вужудга келади. Болада терслик ва ўжарлик каби салбийликлар пайдо бўлади. Агар бола ота-онасининг хохиш-истаклари-ни олдин бажариб келган бўлса, энди у ўзининг хохиш-истагига ғов бўлган нарсани қилишни истамайди. Бу унинг табиатида ирода сифатлари шаклла-наётганлигидан дарак беради. Болани қулоқсизлиги учун жазолаш салбий пе-дагогик натижа бериши мумкин (бундай пайтда боланинг диққатини у қизиқа-ётган нарсага жалб этишнинг ўзи этарли ҳисобланади). Боланинг ёлғон ёрда-мида жазодан қочишга интилиши - жазолашнинг бошқа оқибати бўлиши мум-кин.

6. ***Мактабгача ёш*** **(4-6 ёш).** Мулоқот яна етакчи руҳий фаолликка айланади. Бола ўзига яқин, таниш одамлар атрофида гирдикапалак бўлади. Бу боланинг "нима"чи даври бўлиб, у тўхтовсиз саволлар беради. Болада билишга оид эҳтиёжлар уйғонади. Боланинг саволларига жавоб бермаслик уларда атрофдаги олам сирларини билишга қизиқиш йўқолишига олиб келиши мумкин.

Бола тенгдошлари билан ўйин фаолиятига қўшилади, унинг тартиб-қоидаларини тушуниб етади ва унда тақлид қилиш жадал ривожланади. Расм солишда, пластик материаллардан нарсалар ясашда, нарсалар тузилмаси билан ишлашда яққол-ҳаракатли тафаккурдан яққол-образли тафаккурга ўтиш жараёни кечади. Бу даврда боланинг ижодий имкониятлари ҳақида башорат қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, яхши расмлар билан безатилган меҳрибонлик, қаҳрамонликка интилиш ҳақидаги эртакларнинг тутган ўрнини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Болада ҳисоблаш, ўқиш, ёзиш, спорт билан шуғул-ланиш, ҳунармандлик кўникмалари ривожлана бошлайди.

7. ***Кичик мактаб ёши*** **(7-10 ёш; 1-4 синф).** Ўқув фаолияти - етакчи руҳий фаоллик ҳисобланади. Бола ўз соддадиллигини йўқотади – унда ўз руҳий ҳола-ти ҳақида ўйлаш, фикр юритишнинг киши билмас ички дунёси вужудга кела бошлайди. Хулқ-атворида ўзининг улғайишини ҳис этиш ифодаси сифатида сулукатлар (қилиқлар) пайдо бўлади. Боланинг ижтимоий мавқеи ўзгаради – у энди мактаб ўқувчиси ҳисобланади. Унинг ҳаётида ота-онаси каби аҳамиятга эга бўлган яқин киши – *ўқитувчи* пайдо бўлади. Ўқувчининг ўз-ўзини баҳола-ши аксарият ҳолларда ўқитувчи баҳосига боғлиқ бўлади, иккинчи томондан, у янги мактаб жамоасида ўз мавқеини белгилаб олиши керак бўлади.

Таълим жараёнида ўқувчининг билиш мотивлари, диққати (булар педагогнинг асосий вазифаси) ва хотираси (мазкур ёш даврининг энг катта имкони-яти) ривожланади, яққол-образли тафаккури аста-секин оғзаки-мантиқий, мав-ҳум тафаккурга айлана боўлайди. Спорт ўйинлари, ақлий ва

дидактик ўйин-лар натижа, яъни ғалабага йўналтирилган бўлиб, мусобақа – беллашиш хусу-сиятига эга бўлади. Болада ихтиёрий эркинлик, иш-ҳаракатларнинг ички режа-си, ўз-ўзини назорат этиш каби сифатлар ривожлана бошлайди.

8. ***Ўсмирлик* (11-15 ёш).** Мулоқотга киришиш - етакчи руҳий фаоллик ҳисобланади. Бу ёшда бола организмида жинсий гармонлар жадал ишлаб чиқилиши, жинсий майлнинг пайдо бўлиши ёки кучайиши, ўғил ёки қиз болаларда иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда “жинсий балоғатга етиш”нинг дастлабки даври вужудга келади. Бу давр ўсмир ирсияти ва у яшаётган иқлим минтақасига боғлиқ ҳолда 10-16 ёш чегараларига яқинлашиши мумкин. Қиз болалар ўғил болаларга нисбатан бир-икки йил ол-дин улғаядилар.

Ўсмирлик ёши боланинг биологик мавқеи билан ижтимоий мавқеи ўртасида ички ихтилофни юзага келтиради ва унда дўқ-пўписа оҳангидаги ҳулқ-атвор шакллари ҳамда катталар одати ва турмуш тарзига тақлид қилишга интилиш вужудга келади. Ўсмирда ўз мавқеини белгилаб олиш истаги, ўзига диққат-эътибор қаратиш ва ўзига хослигини кўрсатиш эҳтиёжи кескинлашади. Ўсмир омадсизлик, янглишиш, фикрлари тўзғиб кетиши, умидсизлик, ўз-ўзи-дан қониқмаслик каби вазиятларга тез-тез тушиб туради. Бу даврдаги асосий педагогик вазифа - ўсмир қизиқишларини ижтимоий ўзанга йўналтиришдан иборат.

9. ***Ўспиринлик* (16-19 ёш)**. Дунёқараши шаклланиб, касбга қизиқишлари ва унинг асосларини эгаллаш орқали ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни бош-ланади ва амалга ошади. Хусусан, ҳаётда ўз ўрнини излаб топиши фаолияти-нинг етакчи турига айланади. Мактабни битиради, касб танлайди, касбий таъ-лим олади ва меҳнат фаолиятини бошлайди. Ўзини англайди, ҳаётий режалар тузади, ўзини-ўзи баҳолайди, ахлоқий мўлжаллар (яхшилик ва ёмонлик, адо-лат ва қонунсизлик, номуслилик ва номуссизлик) асосида барқарор ахлоқ ву-жудга келади, дунёқарашнинг шаклланиши давом этиб, яхлит билимлар, қа-рашлар ва эътиқодлар тизими пайдо бўлади. Мустақилликка эришади, ўзига ижтимоий мажбуриятлар олади, ўз нуқтаи назари шаклланади, якка тартибда шахслараро муносабатлар ўрнатади, биринчи муҳаббатни бошдан кечиради.

10. ***Ёшлик* (20-29 ёш)**. Оила қуриб, фарзанд кўриладиган ва танланган касбни эгаллаш, касбий қобилиятларни ривожлантириш орқали катта ёшлилар ҳаёт тарзи юзага келадиган ижтимоий-биологик ёш. Умр йўлдошини танлаш ва оила қуриш – ёшлик даврига хос хусусият. Етакчи фаолият тури - кас-бий таълим ва касбий фаолият бўлиб, касбий компетентликка эга бўлиш ҳисси вужудга келади, ўз фикрини (ғояси, дунёқарашини) ифодалашга

интилади, ақ-лий имкониятлари кенгаяди, ўзига хос турмуш тарзи ва қадриятлар тизими шаклланади, дўстона муносабатлар ўрнатади, ҳаётнинг маъносини тушунади.

11. ***Балоғат ёши* (30-59 ёш).** Ишда муваффақиятга эришиладиган, баъзан муваффақиятсизликлар содир бўладиган ва бекаму кўст оила қуриладиган иж-тимоий-биологик ёш. Инсон ҳаётининг энг узоқ даврларидан бири сифатида шаклланиши аллақачон тугаган психологик, ўзига хос, шахсий ва касбий фази-латларнинг жадал юксалиш даври. Иш, мартаба, оила – бу даврнинг асосий ма-салалари бўлиб, ҳар бир киши масъулият ҳисси ва умумий қобилиятлар орти-ши эвазига ҳаётда ва касбий фаолиятда ўз имкониятларини тўлиқ намоён қи-лишга ҳаракат қилади.

12. ***Кексалик* (60-74 ёш)**. Организм аъзолари ва тизимларида ўзига хос ўз-гаришлар рўй бериб, ҳаётга мослашиш имкониятларининг сусайиши билан ке-чадиган ёшга боғлиқ давр. Хусусан, турли касалликлар пайдо бўлиши, жисмо-ний қобилиятлар ёмонлашуви, ўзини жамият ва яқинларига кераксиз деб ҳи-соблаш, ўлим қўрқуви ва ҳаёт тугаши билан боғлиқ қайғу ва тушкунликнинг пайдо бўлиши ва ш.к. Шунингдек, бўш вақтнинг пайдо бўлиши, неваралар би-лан мулоқот, ўз фаолиятининг моддий ва маънавий самарасидан роҳатланиш, ўзини-ўзи камол топтириш ва ўз тажрибасини бошқаларга етказиш даври. Бу давр одатда пенсияга чиқиш билан белгиланиб, турмуш тарзида жиддий ўзга-ришлар рўй беради. Одамнинг ижтимоий вазифаси, шахсияти ўзгаради ва янги имкониятлар туфайли ўзини бошқача тутишни бошлайди.

13. ***Қарилик* (75-90 ёш)**. Агар инсон саломат бўлса - донишмандлик, дар-дманд бўлса - ҳаётдан хулоса чиқариш ва ўлимга тайёргарлик даври.

14. ***Узоқ умр кўришлик*** (90 ёшдан кейинги давр).

Демак, ***одам онтогенези*** - одамнинг ирсий дастур асосида жисмоний-биологик ривожланиш йўли, ***шахс онтогенези*** - шахснинг ижтимоий дастур-лар асосида руҳий, маънавий-маданий шаклланиш йўли бўлиб, улар ўзаро шартланган, уйғунлашган ва узвий яхлит жараён – шахс камолотининг икки жиҳати сифатида баркамол инсон шахсининг вужудга келишини таъминлайди ва ўзига хос тушунчалар орқали тавсифланади (1.2-расм).

Ҳар қандай одам зотида (индивидда) туғилганидан бошлаб, ўзаро боғлиқ иккита чизиқ – *биологик* ва *ижтимоий* ривожланиш кузатилади. Бола *биоло-гик мавжудот* сифатида туғилади, аммо *шахс* туғилди деб айтилмайди. Одам-да скелет, мускуллар, шунингдек ички аъзолар ва тизимлар ривожланади. Одамнинг биологик ривожланиш жараёни уни ижтимоий мавжудот сифатида тавсифловчи *ижтимоий хусусусиятлар ва сифатлар* эгалланиши билан узвий боғлиқдир. Масалан, бола бир ярим

ойлигидан бошлаб яқинларини кўрганда кула бошлайди, кейин нутқи чиқади, тик юриш қобилиятига эга бўлади, нар-салар билан мулоқот қилиш одатлари ва кўникмаларини ўрганади, шунингдек оилада ва кўчада ўзини тута олади, муайян вазифаларни бажаришга киришади ва ш.к.

Бола кейинги ривожланиш даврларида билимларини бойитади, аҳлоқий меъёр ва қоидаларни ўзлаштиради, кийинишни ўрганади, у ёки бу ишни муваффақиятли бажариш қобилиятларига эга бўлади ва ш.к.

Шундай қилиб, биологик мавжудот бўлган одам ўз ҳаёти жараёнида кўп-лаб ижтимоий хусусиятлар ва фазилатларни ўзида шакллантиради ва ривожлантиради. Шунинг учун одам фанда *биоижтимоий мавжудот* сифатида қараб чиқилади. Бинобарин, одам тушунчаси ўзида биологик ва ижтимоий хусусият ҳамда фазилатларни ўзида уйғунлаштиради (бирлаштиради).

Шахс тушунчаси одамнинг нутқ, онг, турли одатлар каби ижтимоий хусу-сиятлари ва фазилатларини ўз ичига олади ва булар уни ижтимоий мавжудотга айлантиради. Одамнинг биологик хусусиятлари (тавсифи) шахс тушунчаси мазмунига киритилмайди. Шунинг учун шахс моҳиятини унинг соч-соқоли, қони, мавҳум жисмоний табиати эмас, балки ижтимоий сифати белгилайди. Шахс бўлиш хусусияти одамнинг жисмоний ҳаёти билан эмас, балки ижти-моий хусусиятлари билан боғлиқ. Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқади: ***шахс тушунчаси одамнинг ижтимоий моҳиятини тавсифлайди ва унинг ҳаёти давомида ўзида шакллантирадиган ижтимоий хусусиятлари ва фа-зилатлари мажмуини англатади***.

Шахсий сифатлар одамнинг ҳаёти давомида шаклланганлиги сабабли ай-рим одамларда *аниқроқ*, баъзиларда *заифроқ* намоён бўлиши мумкин. Савол туғилади: одамнинг шахсий ривожланиш (камол топиш) даражасини қайси ме-зонлар бўйича аниқлаш мумкин?

Машҳур психолог олим С.Л. Рубинштейн шахс ўз ҳатти-ҳаракати ва фао-лиятини онгли равишда бошқаришга имкон берувчи *психик ривожланиш даражаси* билан ажралиб туради, деб таъкидлаган. Шу сабабли ўз ҳатти-ҳара-катлари ҳақида ўйлаш ва улар учун жавобгар бўлиш қобилияти шахснинг аж-ралмас белгисидир.

Машҳур файласуф В.П. Тугаринов эса шахсга хос энг муҳим хусусиятларга қуйидагиларни киритган:

1) оқиллик;
2) масъуллик;
3) эркинлик;
4) шахсий қадр-қиммат;
5) индивидуаллик (шахсият).




1.2-расм. **Шахс камолотининг асосий жиҳатлари ва комиллик (баркамоллик)**

Аксарият психологлар шахс тушунчасини одамнинг *ёши* ва *психик (руҳий) етуклиги* билан ҳам боғлайдилар. Шу нуқтаи назардан маълум бир психик ривожланиш даражасига этмаган *гўдак*, шунингдек ҳатти-ҳаракатларида онглиликни намоён қила олмайдиган *руҳий хаста киши* шахс бўла олмайди.

Шахс қанчалик *кучли* бўлса, унда ижтимоий хусусиятлар ва фазилатлар ёрқинроқ ва аниқроқ намоён бўлади, унинг фаолияти қай бир даражада *ижодий* бўлади. Шу маънода одам ва шахс тушунчаларининг тавсифи *индивидуал-лик (шахсият)* тушунчаси билан тўлдирилади.

Индивидуаллик (шахсият) бир киши ёки шахснинг ўзгаларга ўхшамасли-ги ва улардан ажралиб туриши билан тавсифланади. Индивидуаллик (шах-сият) одам ёки шахс табиати ва мижозининг ўзига хослиги (масалан, иродаси мувозанатлашган ва собитқадам киши), ижодий фаолият ва қобилиятларнинг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадики.

Шундай қилиб, *ривожланиш (камол топиш)* деганда одамнинг анатомик-физиологик етилишида, асаб тизими ва руҳиятининг такомиллашувида, шу-нингдек унинг билиш ва ижодий фаолиятида, дунёқараши, ахлоқи, ижтимоий-сиёсий қарашлари ва эътиқодлари бойишида юз берадиган ўзаро боғлиқ миқ-дор ва сифат ўзгаришлари жараёни тушунилиши керак. Бу жараён туфайли ҳаётий муваффақиятларга эришиш имкониятлари даражасининг ошиши таъ-минланади. Ривожланиш, яъни камол топишнинг интеграл натижаси ва кўр-саткичи – шахслар, гуруҳлар ёки жамоаларнинг *камол топганлик (баркамол-лик)* даражаси ҳисобланади.

*Камол топганлик (баркамоллик)* – одамнинг ақлий, ижодий, жисмоний ва касбий аҳамиятга эга бўлган (масалан, педагогик, техник, ҳуқуқий, мусиқий ва ш.к.) бардошли фазилатлари, хусусиятлари, умумий ва алоҳида қобилиятлари-нинг мукаммаллик ва самарадорлик даражаси. Камол топганлик (баркамол-лик) *тарбияланганлик* кўрсаткичларидан одамнинг шахс каби ижтимоий йўна-лганлиги билан эмас, балки унинг ҳаётда, ишда аҳамиятга эга бўлган, шунинг-дек унинг ўқимишлилиги, таълим олганлиги ва тарбияланганлигида гапири-ладиган функционал хусусиятларига боғлиқлиги билан фарқланади.

*Шаклланиш* шахс ривожланиши (камол топиши) натижаси сифатида намоён бўлади ва унинг қарор топишини, барқарор хусусият ва фазилатлар маж-муини эгаллаб олишини англатади. Бошқача айтганда, *шаклланиш* – экологик, ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, психологик ва педагогик омиллар таъси-рида одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида қарор топиш жараёнидир.

Демак, ***шахс камолоти*** деганда одамнинг анатомик-физиологик балоғат-га етишида, унинг асаб тизими ва психикаси, шунингдек билиш ва ижодий фаолияти мукаммаллашувида, дунёқараши, ахлоқи, ижтимоий-сиёсий қараш-лари ва эътиқодлари кенгайишида содир бўладиган миқдор ва сифат ўзгариш-ларининг ўзаро боғлиқ жараёни тушунилади. Бу жараён шахс ва инсоният жа-миятининг ҳаётий муваффақиятларга эришиш имконияти даражаларини оши-ришга олиб келади. Шу нуқтаи назардан, ***шахснинг шаклланиши*** шахс камо-лотининг натижаси сифатида намоён бўлади ва унинг барқарор хусусият ва фазилатлар мажмуига эга бўлишини ифодалайди.

Шахс камолотида *ёшга боғлиқ* ва *ўзига хос тафовутлар* мавжуд. Булар таълим ва тарбия ишларини ташкил этишда ўта муҳим аҳамият касб этади.

***Ёшга боғлиқ ўзига хос хусусиятлар*** – бир хил ёшдаги кўпчилик киши-ларга хос бўлган жисмоний, ақлий (билиш), мавзуий ва ҳиссий хусусиятлар мажмуи. Шахс камолотида умумий ва ўзига хос хусусиятлар намоён бўлади. ***Умумий хусусиятлар*** - муайян ёшдаги кишиларга хос бўлган, ***ўзига хос хусу-сиятлар*** - муайян одамни бошқалардан айириб турадиган ақлий, иродавий, маънавий ва бошқа шахсий хислатлар мажмуи.

Таълим-тарбия ишларида болаларнинг ***ёш хусусиятлари*** қатъий ҳисобга олиниши лозим. Шахс камолотининг ҳар бир босқичида фаолиятнинг муайян тури *етакчи* ўрин тутади. Ёшнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш – асосий педагогик тамойиллардан бири бўлиб, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг энг мақбул шакллари ва технологияларини (методларини) тўғри танлашга им-кон беради.

***Э. Эриксоннинг эпигенетик модели*** шахс (инсон) камолоти босқичла-рини акс эттиради. Бу модель инсон ҳаётий даврлари: болалик, етуклик ва кек-саликни батафсил тавсифловчи биринчи психологик назариядир.

Э.Эриксон фикрича, шахснинг психологик қарор топиши эмбирион ри-вожланишига ўхшайди. *Эпигенез* тушунчаси ҳар бир элемент бошқа қисмлар-га нисбатан ривожланиб боришини англатади. “Эпи” - устидан, “генезис” – ке-либ чиқиш маъносини англатади. Эриксон модели ўз тузилмасига кўра эмби-рионнинг ривожланишини эслатади: ҳар бир кейинги босқичнинг вужудга ке-лиши олдинги босқич ривожланиши билан белгиланади (1.3-расм).

Тирик мавжудотнинг барча органлари ва тизимлари маълум вақт орали-ғида, маълум бир кетма-кетликда ривожланади. Эриксон *эпигенетик принцип-ни* қуйидагича изоҳлайди: ҳар бир ўсадиган нарсанинг асоси бор: унинг алоҳи-да қисмлари шу асосдан кўтарилади ва ҳар бирининг ўсиш даври бор – барча қисмлар кўтарилмагунча, яхлит бир бутунлик ҳосил бўлмайди.

Шахс камолотининг ҳар бир босқичи ўзига хос *ривожланиш вазифаси* ёки *инқироз* билан тавсифланади; одам кейинги босқичга ўтиши учун бу инқи-роз (зиддият) ҳал қилиниши керак. Муваффақиятли ҳал қилиниш жараёнида ривожланадиган *кучлар ва қобилиятлар* шахсга яхлит таъсир кўрсатади. Инқи-роздан олдинги ёки кейинги воқеалар ҳам уларга таъсир қилиши мумкин. Ам-мо, қоидага кўра, мазкур психологик қобилиятлар кўпинча пайдо бўлиш бос-қичида иштирок этади. Ҳар бир босқич тизимли равишда қолган босқичлар би-лан ўзаро узвий боғланади ва барча босқичлар маълум бир кетма-кетликда рўёбга чиқиши (ўталиши) керак бўлади.

Қуйидаги жадвал Э.Эриксоннинг “Болалик ва жамият” китобидан олин-ган (1.3-расм). Жадвалда вақт давомида босқичларнинг ўтиш кетма-кетлиги келтирилган. Ҳар қандай хосса (хусусият) унинг критик (муҳим) босқичидан олдин ва кейин турли шаклларда мавжуд бўлади. Масалан, *эътиқод* ёшлик даврида бир шаклда, қариликда бошқа шаклда бўлади, бироқ иккаласи ҳам бо-лаликда ривожланган *ишонч* туйғусига асосланади. даврида бир шаклда, қариликда бошқа шаклда бўлади, бироқ иккаласи ҳам болаликда ривожланган *ишонч* туйғусига асосланади.

| Шахс камолотининг саккиз босқичи ва улар билан боғлиқ кучлар (сифатлар): | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **VIII босқич.** ***Кексалик*** | | | | | | | | Тушкунлик / бутунлик. ***Донолик*** |
| **VII босқич.** ***Етуклик*** | | | | | | | Турғунлик / жинсийлик. ***Ғамхўрлик*** | |
| **VI босқич.** ***Ёшлик*** | | | | | | Яккалик / дилкашлик. ***Муҳаббат*** | | |
| **V босқич.** ***Ўсмирлик*** | | | | | Мужмаллик / айнанлик. ***Садоқат*** | | | |
| **IV босқич.** ***Мактаб ёши*** | | | | Қолоқлик / меҳнатсеварлик. ***Компетентлик*** | | | | |
| **III босқич.** ***Мактабгача ёш*** | | | Айбдорлик / серғайратлик. ***Мақсад*** | | | | | |
| **II босқич.** ***Илк болалик*** | | Уят, шубҳа / дадиллик. ***Ирода*** | | | | | | |
| **1 босқич.** ***Гўдаклик*** | Ишончсизлик / ишонч. ***Умид*** | | | | | | | |
| **Босқичлар / кучлар** | **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** |

1.3-расм. **Э. Эриксоннинг шахс камолоти эпигенетик модели**

Шахс камолотининг мазкур босқичларига мувофиқ ***ёш бўйича педагогик даврлаштириш*** амалга оширилган (Д.Б. Эльконин бўйича):

1) ***чақалоқлик - гўдаклик*** (1 *ёшгача*) – бевосита мулоқотга эҳтиёжлар ва ҳиссий муносабатлар пайдо бўлади;

2) ***илк болалик*** (*1 ёшдан 3 ёшгача*) – предметли фаолият, нутқ ва яққол-ҳаракатли тафаккур юзага келади;

3) ***мактабгача ёш*** (*3 ёшдан 7 ёшгача*) – ролли ўйинлар, ижтимоий аҳамиятли ва қадрятли фаолиятга эҳтиёжлар пайдо бўлади;

4) ***кичик мактаб ёши*** (*7 ёшдан 11 ёшгача*) – таълим олишга эҳтиёж, ихтиёрий эркинлик, иш-ҳаракатларнинг ички режаси, ўз-ўзини назорат этиш ва ўз руҳий ҳолати ҳақида фикр юритиш, уни таҳлил этишга мойиллик юзага ке-лади;

5) ***ўсмирлик*** (*11 ёшдан 15 ёшгача*) – тенгдошлари билан шахсий мулоқот ва “балоғатга етиш”га интилиш пайдо бўлади;

6) ***ўспиринлик*** (*15 ёшдан 19 ёшгача*) – ўқув-касбий фаолият, дунёқараш шаклланади, касбга қизиқиш ва унинг асосларини эгаллаш амалга ошади;

7) ***ёшлик*** – (19 ёшдан 28 ёшгача) – оила қуриши ва танланган касбини эгаллаши орқали катта ёшлилар ҳаёт тарзи юзага келади.

## 2. Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи омиллар: ирсият, муҳит ва маърифат. Шахс камолоти қонуниятлари

**Одамнинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун соғлом ирсият, яшаш муҳити ва маърифий шарт-шароитлар керак бўлади. Ма-на шу омиллар таъсирида одам зоти (индивид) шахсга айланади.**

Демак, шахс камолоти жараёни ва натижаси *ирсият, муҳит* ва *маърифат* каби омилларнинг ўзаро узвий бирлигида вужудга келади ва аниқланади. Қу-йида шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи ***асосий омиллар*** ҳақида фикр юритилади:

1. ***Ирсият*** – ота-онадан болага муайян сифатлар ва хусусиятларнинг ўти-шини ифодалайди. Улар сирасига қуйидагилар мансубдир:

1) биологик тур сифатида одам белгиларини акс эттирувчи *анатомик-фи-зиологик тузилмалар* (нутқ, тўғри юриш, тафаккур ва меҳнат фаолиятига оид истеъдод нишоналари);

2) *табиий ўзига хос хусусиятлар* (ташқи ирқий белгилар, тери ва сочнинг ранги, кўзнинг ранги ва қорачиқда нурнинг синиши, юз тузилиши, қадди-қомат, инсон табиатини юзага келтирувчи асаб тизимининг тузилиши);

3) *физиологик ўзига хос хусусиятлар* (қон гуруҳи, резус-фактор, моддалар алмашинуви шакли);

4) организм ривожланишидаги *меъёрдан четга чиқишлар*;

5) айрим *ирсий касалликларга мойилликлар*.

Шахснинг ўзига хос психологик хусусияти, яъни *истеъдод нишоналари* - қобилиятларни ривожлантирувчи ички имкониятлар наслдан-наслга ўтади. *Талант* – қайсидир соҳадаги истеъдоднинг энг юқори даражаси, яъни мисли йўқ қобилият ҳисобланади. Шунингдек, фаолиятнинг муайян турлари бўйича *махсус қобилиятлар* ҳам (мусиқий, бадиий, математик, педагогик қобилият ва ҳ.к.) фарқланади.

Қуйида истеъдод нишоналари ва қобилиятларнинг босқичма-босқич бир-бирига бўйсуниши келтирилган:

1) генетик тузилмадаги *истеъдод нишоналари* – наслдан наслга ўтади;

2) шу асосда *умумий қобилиятлар* – одамнинг умумий ақлий камолоти даражаси (ўқимишлилиги, диққати, хотираси, нутқи, иш қобилияти ва ҳ.к.) шаклланади;

3) умумий қобилиятлар асосида *махсус қобилиятлар* (мусиқий, бадиий, математик, педагогик қобилият ва ҳ.к.) вужудга келади;

4) истеъдод нишоналари, умумий ва махсус қобилиятлар негизида *гуруҳланган қобилиятлар* пайдо бўлади;

5) гуруҳланган қобилиятлар *касбий қобилиятлар* шаклланишига олиб келади.

Инсон камолоти қонуниятларини ўрганишнинг педагогик жиҳати учта асосий муаммо – *ақлий, махсус* ва *ахлоқий* сифатлар ирсийланишини (наслдан-наслга ўтишини) ўрганишни тақозо қилади. Жумладан, ақлий сифатлар ирсий-ланишида болалар ота-онасидан нимани, яъни ақлий фаолиятнинг қандайдир маълум турига тайёр қобилиятларними ёки фақат истеъдод нишоналарини ме-рос қилиб олиши масаласини ўрганиш муҳимдир.

Одамнинг ўз қобилиятларини ривожлантириши муҳит ва турмуш шарт-шароитларига, жамият эҳтиёжлари, шунингдек инсоннинг у ёки бу фаолият маҳсулига бўлган талаб-эҳтиёжларга боғлиқдир.

Замонавий педагогика ҳар бир инсонда мавжуд бўлган истеъдод нишона-ларини ривожлантириш учун бир хил шарт-шароитлар яратилишига урғу бе-ради. Бироқ, маънавий (ахлоқий) сифатларнинг ирсийланиши ҳақидаги масала ҳамон очиқлигича қолмоқда.

Одам *ижтимоийлашув* (бошқа одамлар билан ўзаро мулоқот, муносабат-га киришиши) жараёнида шахсга айланади. Жамиятдан ташқарида

шахснинг маънавий, ижтимоий ва руҳий камолоти содир бўлмайди (“маугли” болалар бунга мисол бўлиши мумкин).

***Бихевиоризм* намояндалари онг ва ақлий қобилият наслдан-наслга ўтади, улар инсонга табиатан берилган, деб ҳисоблайди. Мазкур таълимот вакили америкалик олим Э.Торндайк ҳисобланади. Прагматизм оқими вакиллари (Д.Дюи, А.Комбе) ҳам шахс камолотини ирсият нуқтаи назардан асослайдилар.**

2. ***Муҳит* –** шахс камолоти кечадиган ва унга таъсир кўрсатувчи реал во-қелик шарт-шароитлари (объектлар, жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ва ҳ.к.) маж-муи**. Муҳит деганда одам яшайдиган жойдаги барча ташқи таъсирлар мажмуи тушунилади. Шу нуқтаи назардан *муҳит* болани ўзи яшайдиган жойдаги табиий ва ижтимоий шарт-шароитларга мослаштиради, деган хулоса келиб чиқади.**

Одамнинг атрофдаги муҳит билан ўзаро боғлиқлик жадаллигига кўра: *яқин* (уй, маҳалла, маҳаллий экологик шароит) ва *узоқ муҳит* (ижтимоий ту-зум, ҳаётнинг моддий шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий жара-ёнлар оқимининг табиати ва ҳ.к.) фарқланади.

Инсон камолотида, айниқса болаликда уй ва маҳалла муҳитининг таъси-ри катта бўлади. Бола ўзи ўсаётган ва камол топаётган оила муҳитини ўзида етарлича аниқ акс эттиради. Зеро, қадим-қадимдан “бола - оила (маҳалла) кўз-гуси” ҳисобланган. Боланинг қизиқишлари, қарашлари, қадриятли мўлжал-лари кўпинча оилада шаклланади. Оила болага моддий ва табиий иқтидорини ривожлантириш шарт-шароитларини тақдим этади. Шахснинг ахлоқий ва иж-тимоий сифатларига ҳам оилада асос солинади. Фарзандлар оилани мустаҳ-камловчи риштага айланади.

Инсоннинг камол топишига нима кўпроқ таъсир кўрсатади: ирсиятми ёки муҳит? Бу мураккаб масала бўлиб, мутахассислар фикрига кўра, ҳар бир инсон камолотида бу омилларнинг тутган ўрни ва салмоғи турличадир. Ҳар бир одам ўзича камол топади, унга ирсият ва муҳитнинг таъсир кўрсатиш “ҳиссаси” тур-лича бўлади. Бу кўплаб тасодифий омилларга ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг таъ-сирини аниқ ҳисобга олиш ёки аниқ ўлчаш мумкин эмас.

3. ***Маърифат (таълим ва тарбия воситасида маданиятли, баркамол шахсни шакллантириш)*** - ирсият ва муҳитнинг шахс камолотига кўрсатади-ган таъсири *маърифат* воситасида тартибга солинади ва у жамиятга етук шахсларни етказиб беришга қодир бўлган асосий куч ҳисобланади. Маърифий ишлар самарадорлиги унинг тўғри ташкил этилиши ва бошқарилишига боғлиқ бўлади. Шахс камолотида маърифатнинг тутган ўрни турлича баҳоланади: маърифат ноқулай (бузилган) *ирсият* ва ёмон (салбий)

*муҳит* таъсири олдида ўз ожизлигини намоён қилса, бошқа ҳолларда, инсон табиатини ўзгартирувчи *ягона восита* сифатида эътироф этилади. “Тарбия - ҳамма нарсага қодир” шиори ўзини тўла оқламади. Маърифат орқали жуда кўп ижобий натижаларга эришиш мумкин, бироқ у инсонни тўлиқ, ҳар жиҳатдан қайта ўзгартиришга қодир эмас (1.4-расм).

**Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи омиллар:**

**Ирсият –**
**ота-онадан болага муайян сифатлар, табиий ва физиологик хусусиятлар,организм ривожланишидаги меъёрдан четга чиқишлар ва айрим**

**Шахсда турли қобилиятлар ривожланишининг ички имконияти – *истеъдод* нишонаси наслдан-наслга ўтади.**
**Талант – қайсидир соҳадаги**

**Ирсий қонуниятларнинг педагогик жиҳати – ақлий, аҳлоқий ва алоҳида фазилатларнинг наслдан-наслга ўтишини**

**Маърифат -**
**(*таълим* + *тарбия* = *маданият*) ирсият ва муҳитнинг шахсга кўрсатадиган таъсирини тартибга солади, шахс камолотини ўзига бўйсундиради.**

**Маърифат - инсон табиатини ўзгартиришга қодир ягона восита,**

**Маърифат –**
**шахснинг ирсий ва ижтимоий ривожланиш дастурларидаги “бўш**

**Шахс – маърифатга, яъни таълим-тарбияга турлича берилади.**
**Таълим-тарбия самарадорлиги - ўқувчининг педагогик**

**Муҳит –**
**шахс камолоти кечадиган ва унга таъсир этувчи ташқи шарт-шароитлар мажмуи.**
**Табиий (табиат), ижтимоий (жамият), яқин (уй, маҳалла) ва узоқ (ижтимоий**

**Одам ижтимоийлашиш (бошқа одамлар билан ўзаро мулоқоти, муносабатга киришиши) жараёнида шахсга айланади.**

**Жамиятдан ташқарида маънавий, ижтимоий ва руҳий камолот бўлмайди.**
**Шахс камолотида оила ва маҳалла биқёс ўрин тутади.**

1.4-расм. **Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи омиллар**

***Маърифат муайян мақсад йўлида инсон камолотини ўзига бўйсундира олади.*** Маърифат – инсон камолоти ирсий дастуридаги “бўш жойлар”ни тўл-дириш деганидир. Тўғри ташкил этилган маърифатнинг муҳим вазифаларидан бири одамнинг қизиқишлари ва истеъдодини аниқлаш, унинг ўзига хос хусу-сиятлари, қобилияти ва ички имкониятларига мувофиқ баркамол шахснинг камол топишини таъминлашдан иборатдир.

Маърифат самарадорлиги одамнинг ирсият ва муҳит билан шартланган маърифий (педагогик) таъсирларни ўзлаштириб олишга тайёргарлик даражаси билан аниқланади. Одамлар маърифатга турлича берилади, кишиларнинг ўзаро муносабати ва ижтимоий ҳаётдаги аниқ ҳолатлар (вазиятлар) маърифий жараёнда ҳал қилувчи ўрин тутади. Маърифатнинг таъсир кучи муайян шарт-шароитлар ва ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Шахс камолотида шартли равишда жисмоний ва маънавий камолот қону-ниятларини ажратиб кўрсатиш мумкин (1.5-расм):




1.5-расм. **Шахснинг жисмоний ва маънавий камолоти қонуниятлари**

***1. Шахснинг жисмоний камолоти қонуниятлари:***

1) одамнинг жисмоний камолоти ёшлик даврида тез ва жадал кечади, ёши ўтган сайин камолот суръати секинлашади;

2) бола жисмоний жиҳатдан нотекис, яъни айрим даврларда тез, айрим даврларда секин ривожланади.

***2. Шахснинг маънавий камолоти қонуниятлари:***

1) одамнинг ёши билан маънавий камолот суръати ўртасида тескари му-таносиб боғланиш мавжуд бўлади: ёш қанча кичик бўлса, маънавий камолот суръати шунча юқори бўлади;

2) одамнинг ёши ўтиши билан маънавий камолот суръати секинлашади;

3) одамнинг маънавий камолоти нотекис кечади: руҳий фаолиятнинг ай-рим турлари юзага келиши ва ривожланиши учун қулай даврлар (муддатлар) мавжуд бўлиб, маънавий фазилатларнинг вужудга келиши, юксалиши улар би-лан шартланган ҳолда содир бўлади;

4) одамнинг руҳияти ва маънавий фазилатлари ривожланган сари барқа-рорлик касб этади.

Демак, шахснинг жисмоний камолоти - одам организмидаги анатомик-физиологик ўзгаришларни англатса, унинг ижтимоий-маънавий камолоти – руҳий, маънавий ва ақлий ўзгаришларни ўз ичига олади.

## 3. Шахс камолоти ва уни бошқариш - педагогик муаммо ва умумилмий педагогик категория сифатида

Маърифат, яъни таълим-тарбия шахс камолотига таъсир кўрсатар экан, айни пайтда маърифатнинг ўзи ҳам шахс камолотига боғлиқ бўлади, яъни у ҳамиша шахс камолотида эришилган даражага таяниб иш кўради.

***Шахс камолоти - яхлит педагогик (маърифий) жараённинг ички мазмунидир***. Педагогика - шахс камолотини бошқариш ҳақидаги назарияни яратади. Шу сабабли бола шахсининг ривожланиши педагогик (маърифий) жараённинг мазмунини ташкил этади. Зеро, инсонни шакллантириш унинг ички имкониятлари, табиий истеъдоди ҳамда иқтидорига мувофиқ амалга оширилиши зарур. Аммо табиий истеъдод, иқтидор бўлса-да, шахс тегишли фаолият турларига жалб этилмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Шахс камолоти жисмоний, ақлий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, экологик ва эстетик жиҳатга эгалиги билан тавсифланади. Камолотнинг бу жиҳатлари но-текис, яъни ҳар хил суръатда кечади. Масалан, одамнинг жисмоний камолоти 50 минг йил олдин қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам деярли шундай кечмоқда. Бироқ одамнинг ақлий камолотида тафаккурнинг ривожланиши

ҳисобига жу-да катта ижобий (олдинга) силжишлар кузатилган. Педагогика шахс камолоти-ни барча таркибий қисмлари билан биргаликда ўрганади.

Шахс камолоти ва унинг бошқарилишини англаш учун қуйидаги асосий масалаларга диққат-эътибор қаратилиши керак:

1. ***Шахс камолотининг ўзига хос хусусиятлари***: а) қайтарилмаслиги; б) ривожланиш ва инқирозларнинг узвий боғлиқлиги; в) бир маромда кечмаслиги; г) эгри-бугрилиги; д) босқичли даражалардан ўтиши; е) барқарорликка ин-тилиши (мойиллиги).

2. ***Шахс камолоти концепциялари***: а) биологиялашган йўналиш; б) ижтимоийлашган йўналиш; в) биоижтимоий йўналиш; г) замонавий педагогика ва психологиянинг концептуал қоидалари.

3. ***Фаолият ва мулоқот – шахс камолоти омиллари***: а) фаолият ва мулоқот, уларнинг етакчи турлари; б) фаолият ва мулоқотга қўйиладиган талаблар; в) шахс камолотининг ёш хусусиятлари.

4. ***Маърифат ва шахс камолотнинг ўзаро боғлиқлиги***: шахсга йўналти-рилган турли хил таълим-тарбия технологиялари мажмуи.

Ҳар бир шахс ва шахслар гуруҳини ўз ичига олган жамоалар (жамият) муайян макон ва замонда шаклланади, фаолият кўрсатади ва охир-оқибат, ўз ўрнини ёш авлодларга бўшатиб беради. Демак, ***авлодлар янгиланиши*** (алмашинуви), яъни *авлодларнинг ижтимоий такрор барпо этилиши, ворислиги* уз-луксиз давом этадиган доимий жараёндир.

Алоҳида ташкил этилган шароитларда, яъни ***таълим-тарбия муассасаларида*** инсон шахсини камол топтириш *педагогика назарияси ва амалиётининг* энг мураккаб ва ҳал қилувчи муаммоларидан биридир. Бу муаммо турли жиҳатларга эга бўлиб, бир қатор табиий ва ижтимоий фанлар томонидан ўрга-нилади.

Шахснинг шаклланиши ва камол топиши шахс камолоти даражасининг юксалишига олиб келувчи миқдор ва сифат ўзгаришлари, изчил қайта ўзгаришлар жараёни билан тавсифланади.

Шахс камолоти ҳақида бир қанча ***назариялар*** вужудга келган:

1) ***преформистик назария*** – жинсий (тухум, уруғ) ҳужайраларда эмбрион ривожланиши ва ундан пайдо бўладиган организмнинг хусусиятларини ол-диндан белгилаб берувчи моддий тузилмалар мавжуд бўлиши ҳақидаги таъли-мот; одам шахси олдиндан берилган ёки белгилаб қўйилган "дастур" асосида шаклланиши ва одамнинг фазилатлари, хусусиятлари ўз-ўзидан ривожлани-ши, тарбия ва ижтимоий шароитлар фақат бунга ёрдам бериши ҳақидаги наза-рия (Антони Левенгук, Марчелло Мальпиги ва бошқ).

2) ***теологик назария*** – шахс камолотининг ички дастури одамнинг илоҳий вазифаси, бурчи билан боғлиқлиги, яъни шахс камолотини Оллоҳ

белгила-ши. Одам - икки ибтидо, яъни жисмоний ва маънавий манбалар (омиллар) уй-ғунлигидир. Маънавий ибтидо – “ўлмас жон” одамни табиатдан устун қўяди, Худо билан мулоқот қилишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Инсон ҳаёти-нинг маъноси имон-эътиқод орқали ошкор бўладиган “ўта ҳиссий олам”ни чу-қур тушунишдан иборат (Ф. Аквинский, Ж. Маритен, Д. Трейси ва бошқ.);

3) ***экзистенциалистик*** (***ўта шахсиятпарастлик) назария*** – жамият шахсга салбий таъсир қилади ва одам фақат ундан ажралган ҳолда комилликка эришади, яъни унинг ўзи ва табиат шахс камолотини олдиндан белгилайди. Бошқача айтганда, одамнинг камол топиши учун ҳеч нарса ва ҳеч кимнинг ке-раги йўқ (С. Кьеркегор, К. Ясперс, М. Хайдеггер ва бошқ.);

4) ***биологик назария*** - индивиднинг ҳомиладан бошлаб ривожланиши одамнинг тур сифатида тараққий этиши жараёнида ўталган бошқа барча бос-қичларини такрорлайди, яъни одам ўзида мавжуд бўлган туғма ҳис-туйғулар, майллар ва эҳтиёжлар билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар (хулқ-атвор) асосида ирсий (табиат) қонунларга мувофиқ шахс сифатида камол топади (Ч. Дарвин, И. Мюллер, Г. Холл ва бошқ.);

5) ***ўз-ўзидан камол топиш назарияси*** – одам фақат ирсий омилларга (кўз ранги, қон гуруҳи, резус-фактор, шизофрения ва ҳ.к.) таянган ҳолда, уларнинг таъсирида ривожланади, камол топади;

6) ***психоаналитик*** (***руҳий таҳлил) назария*** – руҳий қувват таъсиридаги жинсий майл (истак, интилиш) даражаси қанчалик юқори бўлса, одам шунча-лик тез ривожланади, камол топади (З. Фрейд ва бошқ.) ва шу кабилар.

Бу назарияларни келтиришдан мақсад шахс камолоти муаммоларини ўрганишда педагогика фани таянадиган тегишли назарияларни аниқлашдан иборатдир. Шу сабабли шахс муаммосига оид педагогик ва психологик илмий тадқиқотларда шахс камолотининг *биологиялашган, ижтимоийлашган* ва *био-ижтимоий* йўналишлари фарқланади:

1.***Биологиялашган йўналиш*** вакиллари шахсни алоҳида *табиий мавжу-дот* деб ҳисоблашади, одамнинг хулқ-атворини унга *туғма* берилган табиий эҳтиёжлар, майллар ва ҳис-туйғулар билан изоҳлашади (З. Фрейд ва бошқ.). Бу йўналиш вакилларининг фикрича, одам жамият талабларига бўйсунишга мажбур, бироқ бунда шахснинг табиий эҳтиёжлари жамият томонидан қандай-дир даражада сунъий тарзда бостириб турилади. Яъни, табиий эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги қандайдир фаолият турлари бўйича машғулотлар билан ал-маштирилади ва одамнинг ўз-ўзи билан доимий ички кураши қай бир даража-да ниқобланиб, ёпиб турилади.

2.***Ижтимоийлашган йўналиш*** вакиллари одам биологик мавжудот си-фатида дунёга келса ҳам, ўз ҳаёти жараёнида ўзи мулоқотда бўлган

ижтимоий гуруҳлар таъсирида аста-секинлик билан *ижтимоийлашиб* боради, деб ҳисоб-лайдилар. Шахснинг камолот даражаси қанчалик паст бўлса, унда биологик хусусиятлар, энг аввало, эгалик қилиш, вайрон қилиш, жинсий майл каби *туғ-ма ҳис-туйғулар* (беихтиёр ҳаракатлар) шунчалик ёрқин, кучли намоён бўла-ди. Бу йўналиш вакилларининг фикрича, бола – “тоза қоғоз” каби; унинг камо-лоти атроф-муҳитдаги шароитлар ва маърифатга тўлиқ боғлиқ бўлади.

3.***Биоижтимоий йўналиш*** вакиллари одамда кечадиган психик жараён-лар (сезги, идрок, тафаккур ва ҳ.к.) *биологик* табиатга эга, бироқ шахснинг ин-тилиши, қизиқиши, қобилияти *ижтимоий* ҳодиса сифатида шаклланади, деб ҳисоблайдилар.

***Замонавий психология ва педагогика*** шахсни *биологик ва ижтимоий жиҳатлари чамбарчас (узвий) боғланган бир бутун (яхлит) мавжудот* сифа-тида қараб чиқади. Шахс *биологиясидаги* ўзгаришлар нафақат фаолият хусу-сиятларига, балки ҳаёт (турмуш) тарзига ҳам таъсир кўрсатади. Шахс камоло-тида муайян *мотивлар, қизиқишлар, мақсадлар*, яъни ижтимоий ҳаёт натижа-лари ҳал қилувчи роль ўйнайдики, улар шахснинг бутун қиёфасини белгилаб, ўз-ўзини ривожлантириш учун куч бағишлайди. Яъни, ўзидаги жисмоний кам-чиликлар ва феъл-атвор хусусиятларини (тез аччиқланиш, сержаҳиллик, дам-дузлик (одамови) ва ш.к.) имкон қадар бартараф қила олади.

Шахс *психология фанида* асосий руҳий тавсифлар (яъни, психик жараён-лар, ҳолатлар ва хусусиятлар) нуқтаи назаридан қараб чиқилса, *педагогика фанида* биологик ва ижтимоий жиҳатлари узвий боғланган яхлит биоижти-моий мажму сифатида қараб чиқилади. Шахс камолотида биологик (ирсий) ва ижтимоий жиҳатлар чатишиб кетади ва уларнинг бирлигида ижтимоий омил-ларнинг аҳамияти яққол кўриниб туради.

***Шахснинг асосий вазифаси*** – жамиятда шаклланган ижтимоий тажриба-ни ижодий ўзлаштириш ва ўзини ижтимоий муносабатлар тизимига киритиш-дан иборат. Шахснинг барча жиҳатлари (томонлари) фақат *фаолият* ва *муло-қот*да намоён бўлади.

***Фаолият*** ва ***мулоқот*** ижтимоий ҳаётнинг икки хусусиятини, яъни инсон ҳаётининг икки тарзини ташкил қилади (1.6- ва 1.7-расмлар).

Фаолият – инсоннинг ҳаёт кечириш усули ва мавжудлик шакли бўлиб, атрофдаги оламни мақсадга мувофиқ қайта ўзгартиришга қаратилган фаол-лигидир. Фаолиятнинг асосий турлари – ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолияти.

Фаолият турларининг ҳар хил таснифлари мавжуд: *социологияда* – меҳ-нат, ижтимоий-сиёсий, бадиий-ижодий, илмий-тадқиқий фаолият; *педагогика-да* – меҳнат, ўқиш ва ўйин фаолияти; *психологияда* – руҳий

жараёнлар (сезиш, хотирада сақлаш ва эсга тушириш, тафаккур ва ҳ.к.) билан боғлиқ фаолият турлари фарқланади

Фаолият одамнинг мавжудлик усули ва яшаш (турмуш кечириш, тирикчилик) шакли сифатида:

1) инсон ҳаёти моддий шарт-шароитларининг яратилишини, инсоннинг табиий эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди;

2) инсоннинг маънавий дунёсини ривожлантириш омилига, унинг маданий эҳтиёжларини қондириш шакли ва шартига айланади;

3) одамнинг ўз шахсий имкониятлари, ҳаётий мақсадлари ва муваффақиятларини рўёбга чиқариш соҳаси ҳисобланади;

4) одамнинг ижтимоий муносабатлар тизимида ўзлигини намоён қилиши ва ижтимоий интилишларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратади;

5) илмий билиш, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини камол топтириш манбаи ва мезони ҳисобланади;

6) атрофдаги оламни билиш ва қайта ўзгартиришни таъминлайди.

Фаолият *фаол* ва *суст* бўлиши мумкин. Фаоллик, масалан, таълим жараёнида ўқувчига ижтимоий тажрибани тез ва муваффақиятли ўзлаштиришга имкон беради, ўзаро фикр алмашинув билан боғлиқ бўлган қобилиятларини ривожлантиради, атрофдаги борлиққа муносабатини шакллантиради. Билиш фаоллиги боланинг ақлий камолотини таъминлайди. Меҳнат фаоллиги шахс маънавий ва ахлоқий дунёсининг тез ва муваффақиятли шаклланишини рағ-батлантиради, меҳнатга муваффақиятли тайёргарликни белгилайди. Фаоллик-нинг барча кўринишлари фақат эҳтиёжларга асосланади. Инсон эҳтиёжлари-нинг турли-туманлиги фаолиятнинг хилма-хил турларини вужудга келтиради.




1.6-расм. **Шахс камолотида фаолият ва мулоқотнинг тутган ўрни**




1.7-расм. **Мулоқотнинг турлари ва тузилмаси**

Ўқувчилар фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш учун бўлғуси ***педа-гог*** қуйидагиларни билиши лозим:

1) ўқувчи фаолиятининг психик (руҳий) тузилмаси, унинг ривожланиш қонуниятлари;

2) ўқувчи шахсининг эҳтиёжлари ва фаолият мотивлари хусусиятлари;

3) шахс камолотининг турли (ёш) даврларида етакчилик қиладиган фао-лият турлари.

Шунингдек, бўлғуси ***педагог*** қуйидагиларни эплай олиши лозим:

1) ўқувчилар фаолиятини режалаштира олиш: уларнинг ёши, ўзига хос хусусиятлари, қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фаолият объектлари ва предметини аниқлаш;

2) ўқувчиларда фаолият мотивларини шакллантириш ва рағбатлантириш;

3) фаолиятнинг таркибий қисмлари (мақсади, уни режалаштириш, муай-ян ҳатти-ҳаракатлар ва амалларни бажариш, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳо-лаш) болалар томонидан ўзлаштирилишини таъминланиш.

***Мулоқот*** – шахслар ўртасида биргаликдаги ўзаро фаолиятга бўлган эҳти-ёжлар асосида ўзаро алоқалар (муносабатлар) ўрнатилиши жараёни. Демак, *мулоқот* – фаолиятнинг бир тури, кўринишидир. Шахс камолотида мулоқот-нинг тутган ўрни беқиёс бўлиб, унинг бир неча тури фарқланади (1.7-расм):

а) ***иштирокчилар таркибига кўра***:

1) *шахслараро мулоқот* – “одам-одам” тизимидаги шахсий ва ишга таал-луқли мулоқот бўлиб, ўзаро муносабатлар табиатига кўра: а) иш бўйича муло-қот; б) иш бўйича дўстона мулоқот; в) самимий мулоқот (дўстлик);

2) *шахс-гуруҳли мулоқот* - “одам-гуруҳ” тизимидаги ишга алоқадор муло-қот бўлиб, ўзаро муносабатлар табиатига кўра: а) иш бўйича мулоқот; б) иш бўйича дўстона мулоқот; в) раҳбарнинг жамоа (гуруҳ) билан мулоқоти;

3) *гуруҳлараро мулоқот* – “гуруҳ-гуруҳ” тизимидаги ишга алоқадор муло-қот бўлиб, икки ёки ундан ортиқ жамоанинг ўзаро алоқаси (муносабати);

б) ***зуҳурлик даражасига кўра***:

1*) бевосита мулоқот* – юзма-юз, тўғридан-тўғри мулоқот;

2) билвосита мулоқот – учинчи киши иштирокида ёки техник воситалар, почта алоқаси ёрдамида амалга ошириладиган мулоқот;

в) ***давом этиш муддатига кўра***:

1) *қисқа муддатли мулоқот*;

2) *узоқ муддатли мулоқот*;

г) ***ниҳоясига кўра***:

1) *тугалланган мулоқот*;

2) *тугалланмаган (узилган) мулоқот*.

***Мулоқот*** тузилмаси *коммуникатив* (ўзаро ахборот алмашиниш), *интер-фаол* (қайтар алоқали, диалогли, ҳатти-ҳаракатли ўзаро ахборот алмашиниш) ва ***парцевтив*** (ҳамкорларнинг бир-бирини тушуниши, баҳолаши орқали ўзаро ахборот алмашиниш) жиҳатларга эга.

Шундай қилиб, шахснинг ижтимоий қиёфаси унинг атрофдаги одамлар ҳаёти билан ўзаро муносабатида намоён бўлади. Шахс камолотига бундай ён-дашиш *яхлит биоижтимоий жараённи* акс эттиради. Бу жараёнда нафақат миқдор, балки сифат ўзгаришлари ҳам рўй беради ва қуйидаги бир қатор *зид-диятлар* ҳал этилади:

1) фаолият турлари келтириб чиқарадиган янги эҳтиёжлар билан уларни қониқтириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар;

2) боланинг ўсиб борувчи жисмоний ва маънавий имкониятлари билан эски, олдиндан шаклланган ўзаро муносабат шакллари ва фаолият турлари ўртасидаги зиддиятлар;

3) ёшларга жамият (катталар) томонидан қўйиладиган ошиб борувчи та-лаблар билан шахс камолотининг амалдаги даражаси ўртасидаги зиддиятлар.

Бу зиддиятлар барча ёшдаги одамларга тегишли бўлиб, муайян ёшга боғ-лиқ ҳолда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Зиддиятларнинг бартараф этилиши фаолиятнинг бирмунча юқори даражаларини шакллантириш ва йўлга қўйиш орқали юз беради. Натижада бола ўз камолотининг хийла юқори даражасига кўчиб ўтади: эҳтиёж қондирилади, зиддият бартараф этилади. Бироқ қондири-лган эҳтиёж юқори тартибли янги эҳтиёжни вужудга келтиради. Битта зиддият иккинчиси билан алмашади ва шу тариқа шахснинг узлуксиз камол топиши давом этади. Бу жараёнда ***маърифат*** шахс ривожланиши ва камолотини таъ-минловчи энг муҳим *учинчи омил* сифатида намоён бўлади.

Демак, ***шахс камолоти*** – шахснинг жисмоний, руҳий ва маънавий хусу-сиятларида миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига диалектик ўтиш би-лан тавсифланадиган мураккаб, узоқ давом этадиган зиддиятли жараён. Шахс камолоти психология ва педагогика фанларининг ***умумилмий категорияси*** бўлиб, психология - шахс руҳий камолотининг қонунларини изоҳлаб берса, ***педагогика*** - комил инсон ва баркамол авлодни шакллантириш мақсадларини кўзлаб шахс камолотини бошқариш ҳақидаги назарияни яратади.

## 4. Шахс камолотини бошқаришда педагогик инноватиканинг тутган ўрни ва аҳамияти

“Шахс камолоти” педагогиканинг умумилмий категорияси сифатида пе-дагогик инновациялар туфайли шаклланган. Зеро, педагогика фанидаги инно-вациялар таълим-тарбия жараёнининг яхлит тизимини (мақсади, вазифалари, мазмуни, методлари ва технологиялари, воситалари, ташкилий шакллари) тартибга солишга, уни тўғри ўзанда йўналиштиришга имкон беради. Бунинг сабаб шундаки, аксарият ўқитувчилар ўз фанидаги номаълум далиллар ва янгича қарашлардан кўпинча эсанкираб, довдираб қолади, бундай ўзгариш-ларга кўпинча салбий муносабатда бўлади. Фан ўқитувчиларининг онгида оммавий шаклланган, уларнинг одатдаги педагогик фаолиятига таъсир кўрса-тиб турадиган *бир қолипдалик* (бир хиллик) кўпинча оғриқли ҳолатга олиб келади ва таълим-тарбиянинг мавжуд барча шакллари бўйича машғулотлар мазмунининг янгиланишига харақит беради. Ўқитувчиларнинг замонавий инновацияларни қабул қилишни истамаслигининг сабаби қулайлик, хавфсиз-лик ва ўзлигини намоён қилиш учун ҳаётий эҳтиёжларнинг тўсиб қўйилиши билан боғлиқ.

Ўқитувчиининг инновацион хулқ-атвори (ҳатти-ҳаракати) мослашишни англатмайди, балки унинг ўзига хос тарзда касбий шаклланишини, ўз-ўзини касбий камол топтиришини англатади. Ўқитувчи инновацияларни маданиятли (компетентли) ўқувчи/талаба шахсини шакллантириш усули сифатида тушуниши керак. Ўқитувчига “тайёр дидактик (методик) қолиплар” тавсия этилиши керак эмас; унга ўзининг илмий-методик интеллектуал савиясини доимий ошириб бориши ўта муҳимдир. Психологик тўсиқлардан, қандайдир “боғлиқлик”лардан халос бўлган ўқитувчигина шахс камолоти мақсад қилиб олинган инновацион ўзгаришларнинг тўлақонли иштирокчисига айланиши мумкин.

Замонавий педагогиканинг вазифаларидан бири педагогик жараёндаги барча иштирокчиларнинг ички имкониятларини очиш, уларга ўз ижодий қоби-лиятларини тўлиқ намоён қилиш имкониятини тақдим этишдан иборат. Бу вазифани маърифий (таълим-тарбивий) жараёнлар *вариативлигини*, яъни ўзга-рувчанлигини таъминламасдан ҳал этиш мумкин эмас. Вариативлик туфайли таълим муассасалари ва педагогик фаолиятнинг ҳар хил инновацион типлари ёки турлари пайдо бўладики, уларни чуқур илмий ва амалий тушуниш талаб этилади.

***Инноватика*** - янгиликлар шаклланиши, уларнинг тарқалиши ва янги ечимларни ишлаб чиқиш усулларини ўрганадиган ёки инновацион фаолият методологиясини, унинг ташкил этилишини ўз ичига олган билим соҳаси

бўлиб, нафақат иқтисодиёт тармоқлари, балки маърифий, яъни таълим-тарбия соҳасининг ҳам энг долзарб йўналишига айланган.

***Педагогик инноватика*** – таълим-тарбия субъектларига нисбатан маърифий инновацияларнинг табиати, вужудга келиши ва ривожланишини ўрганадиган педагогик билим ёки фан соҳаси бўлиб, ўрганиш ***предмети*** - новация ва инновация, педагогик инновацион жараён ва фаолият ҳисобланади. Шу сабабли педагогик инноватика асосан қуйидаги тушунчалар билан иш кўради:

***новация*** (лотинча *novatio* - янгилаш, ўзгартириш) – янги ғоя ёки янги илмий кашфиёт асосида амалга оширилган янгилик (янги тартиб-қоида, усул, расм-русум, одат ва ш.к.);

***инновация*** (инглизча innovation – янгилаш, янгиланиш) – жараёнлар самарадорлигини ошириш ёки маҳсулот (хизмат) сифатининг яхшиланишини таъминлаш мақсадида амалиётга жорий этилган новация ёки новацияни амалий ўзлаштириш натижаси;

***инновацион жараён*** – инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш босқичларининг кетма-кетлиги;

***инновацион фаолият*** – инновацион ғояларни излаш, танлаш ва улар асосида янгиликлар ишлаб чиқиш, инновацияларни жорий этиш ва уларни тарқатишни (кўпайтиришни) ўз ичига олган ишлар мажмуи.

Мазкур тушунчаларнинг педагогика назарияси ва амалиётига татбиқи қуйидаги хусусий педагогик тушунчалар шаклланишига олиб келган:

***педагогик новация*** - анъанавий (тадрижий) тартибда ривожланаётган педагогик тажрибани такомиллаштириш;

***педагогик инновация*** – педагогик янгилик, яъни маърифий муҳитга таълим-тарбия тизими ёки уларнинг айрим таркибий қисмлари тавсифини яхшилайдиган барқарор элементларни (янгиликларни) киритувчи илғор мақсадли ўзгаришларнинг, оддий қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёнига амалдаги ўқитиш-тарбиялаш методикаси ва технологияларининг ўзгаришини (алмашинувини) таъминлайдиган воситаларнинг жорий этилиши.

***педагогик инновацион жараён*** - педагогик инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш босқичларининг кетма-кетлиги, бошқача айтганда, таълим-тарбияни педагогик инновацияларни *яратиш, ўзлаштириш* ва *қўллаш* орқали узлуксиз ривожлантириш жараёни;

***педагогик инновацион фаолият*** – таълим-тарбиянинг маълум бир даражасида одатдаги педагогик жараённинг ўзини ва педагогик инновацион жараённи таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи.

Айтиш мумкинки, ***педагогик новация*** – ички, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган ўзгариш, ***педагогик инновация*** – амалга ош(ирил)ган ўзгариш.

“Педагогик инновация” ҳамда “маърифий инновация” терминлари синоним бўлиб, педагогиканинг тушунча-терминлар тизимига киритилган.

**Педагогик инновация** – педагогик фаолиятдаги янгиланишлар бўлиб, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг мақсади, маз-муни ва технологияларидаги ўзгаришлардир.

Педагогик инновацияларнинг ўзига хос белгиларига кўра ҳар хил ***тур-лари*** фарқланади:

1) ***фаолият турлари бўйича:***

- педагогик инновация;
- бошқарув соҳасидаги инновация.

2) ***киритилган ўзгаришлар хусусиятига кўра:***

- туб (кескин) инновация;
- лўттибозликка асосланган инновация;
- шаклни ўзгартирувчи инновация.

3) ***киритилган ўзгаришлар кўламига кўра:***

- маҳаллий инновация;
- модулли инновация;
- тизимли инновация.

4) ***муаммолар мажмуи бўйича:***

- таълим муассасасини бутунлай ўзгартиришга, унда шахс камолотига оид янги ғояларга асосланган таълим-тарбия тизими ёки бошқа тизим ҳосил қилувчи фаолиятни яратишга қаратилган инновациялар;
- ўқув-тарбия жараёнининг янги шакллари, технологиялари ҳамда методларини ишлаб чиқишга қаратилган инновациялар;
- таълимнинг янги мазмунини ҳамда уни тизимлаштиришнинг янги усулларини ўрганишга қаратилган инновациялар;
- педагогик бошқаришнинг янги шакллари ва тизимини ишлаб чиқишга қаратилган инновациялар.

5) ***амалга ошириш ёки жорий этиш соҳасига кўра:***

- таълим-тарбия мақсадлари ва мазмунидаги инновациялар;
- таълим ва тарбия технологияларидаги инновациялар;
- таълим ва тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабати тузилмасидаги, педагогик воситалар тизимидаги инновациялар;

6) ***вужудга келиш манбаига кўра:***

- ташқи инновация (таълим тизимидан ташқарида ишлаб чиқилган);

- ички инновация (таълим тизими ичида ишлаб чиқилган).

7) ***фойдаланиш кўламига кўра***:

- ягона инновация;
- аралаш (қоришган) инновация ва ҳакозо.

Педагогик инновациялар ***долзарблигини*** қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1) таълим-тарбияни инсонпарварлаштириш концепциясига мувофиқлиги;
2) таълим-тарбия тизимидаги расмиятчилик ва авторитар услубнинг бартараф этилиши;
3) шахсга йўналтирилган таълим-тарбиядан фойдаланиш;
4) ўқувчи-талабанинг ижодий салоҳиятини очиш учун шарт-шароитлар яратилиши;
5) мустақил ижодий фаолиятнинг замонавий жамиятдаги ижтимоий-маданий эҳтиёжларга мувофиқлиги.

Педагогик инновацияларнинг асосий ***мақсадлари*** қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) ўқувчи-талабаларнинг интеллектуал, коммуникатив, лингвистик ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш;
2) ўқувчи-талабаларда шахсий фазилатларни шакллантириш;
3) ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятига таъсир кўрсатувчи кўникмаларни ҳосил қилиш ва сермаҳсул ижод даражасига ўтиш;
4) ўқувчи-талабаларда тафаккур типларини ривожлантириш;
5) сифатли билим, кўникма ва малакалар ҳамда компетенцияларни шакллантириш.

Ушбу мақсадлар педагогик инновацияларнинг қуйидаги ***вазифаларини*** белгилаб беради:

1) ўқув-тарбия жараёни учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш;
2) ўқувчи-талаба ва ўқитувчиси ўртасида ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратиш;
3) ўқувчи-талабаларда таълимга нисбатан ижобий мотивацияларни ривожлантириш;
4) ўқувчи-талабаларни ижодий фаолиятга жалб этиш;
5) ўқув материаллари ва уларни ўқувчи-талабага етказиш усулларини пухта (синчиклаб) танлаш.

Педагогик инновацияларнинг асосий ***принциплари***:

1) ижодкорлик (ижодкорликка мўлжал олиш);
2) билимларни тизимли ўзлаштириш (билимларни маълум бир тизим доирасида эгаллаш);

3) ноанъанавий дарс (машғулот) шакллари;

4) кўрсатмалилик.

Педагогик инновациялар асосида қуйидаги ***технологиялар*** ётади:

1) рив
ожлантирувчи таълим технологияси;

2) муаммоли таълим технологияси;

3) таҳлилий-танқидий фикрлаш ёки тафаккурни ривожлантириш технологияси;

4) табақалаштирилган таълим технологияси;

5) ўй
ин технологияси;

6) лойиҳалаш технологияси;

7) ўқув-тадқиқий фаолият технологияси.

Педагогик инновацион технологияларда қуйидаги ***методик усулларни*** самарали қўллаш мумкин:

1) таянч матн усули;
2) ақлий ҳужум усули;
3) гуруҳли мунозара усули;
4) эссе (иншо) усули;
4) таянч терминлар усули;
5) видеофильм усули;
6) харитани ўқиш усули;
7) дидактик ўйин усули;
8) матн билан ишлаш усули;
9) тарқатма материал усули;
10) электрон доска усули;
11) электрон китоб усули;
12) мустақил иш усули;
13) кўрсатмали варақа усули;
14) ижодий топшириқ усули;
15) қайта такрорлаш усули;
16) ноанъанавий уйга вазифа усули;
17) ўз-ўзини баҳолаш усули ва ҳ.к.

Педагогик инновациялар нафақат таълим-тарбия методлари, воситалари ва ташкилий шаклларига оид инновацияларни, балки, энг аввало, ***таълим-тарбия мақсадлари ва мазмунига*** оид инновацияларни ўз ичига қамраб олиши керак. Таълим-тарбия мақсадлари ва мазмунида инновациялар бўлмас экан, таълим-тарбия методлари, воситалари, ташкилий шакллари ёки технологияларидаги инновациялар билан кутилган натижаси, яъни билимли,

амалий кўникма, малака ва компетенцияларга эга бўлган шахсни, қолаверса, уларнинг замонавий таълим-тарбия олишга бўлган ҳақиқий эҳтиёжларни қондириб бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, барча педагогик инновациялар у ёки бу даражада шахс камолотини бошқариш ва таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ва олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбия мазмунини ривожланган хорижий мамлакатлар амалиёти билан қиёсий таққослаш ва таҳлил қилиш шуни кўрсат-дики, амалдаги миллий таълим-тарбия дастурлари замонавий талаблардан паст савияда тузилган. Хусусан, айрим ўқув фанлари, шу жумладан, педаго-гика бўйича ўқув дастурларида ҳам бир неча ўн йиллардан бери педагогик билимлар тизими, бу билимларни амалда қўллаш кўникма ва малакалари, ўрганиш методлари етарлича янгиланмаган, ўқувчи-талабаларда ақлий ва ижодий қобилиятларни, ҳиссий-қадриятли муносабатлар тажрибаси ҳамда педагогик компетенцияларини тўлиқ шакллантириш имкониятлари таъмин-ланмаган. Зеро, педагогик ўқув дастурлари – педагогик илмий билим соҳаси-нинг нусхаси бўлиб, имкон қадар бу фаннинг барча бўлимларини ўз ичига қамраб олиши, ўқувчи ёки талабаларни асосий педагогик назариялар, қонун-лар, тушунчалар ва фактлар билан таништириши керакки, улар шу орқали педагогика фани - шахс камолотини бошқариш ҳақидаги назарияни ишлаб чиқишини чуқур англаб олишлари лозим.

**Назорат саволлари**

1. “Одам онтогенези” тушунчасининг педагогик талқини ҳақида маълумот беринг.

2. Шахс камолоти ва уни ҳаракатга келтирувчи омиллар: ирсият, муҳит, маърифат тушунчаларини изоҳланг.

4. Шахс камолотини бошқаришда педагогик инноватиканинг тутган ўрни ва аҳамиятини айтиб беринг.

5. Шахс камолоти қонуниятларини санаб беринг.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Жуманова Ф., Авазова С. ва бошқалар Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: “Ишончли ҳамкор”, 2020 й. -582 б.

2. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.

3. Ишмуҳамедов Р, Мирсолиева М, Акрамов А. Раҳбарнинг инновацион фаолияти. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2019, 68 бет.

4. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 60 б.

5. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методисталар, ўқитувчилар. тарбиячи ва мураббийлар учу ўқув қўлланма)-Т.:2013.-279 б

6. Муслимов Н.А., М.Ж.Муталипова, Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Низомий номидаги ТДПУ Ризографи, Тошкент 2014 йил.

7. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

8. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

9. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.–115

10. Коджаспирова, Г.М. Педагогика в схемах и таблицах: Учебное пособие. - М.: Проспект, 2016.

11. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

12. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

13. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Т: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

## 2-маъруза: Маърифат – маърифий ёндашув билан шартланган педагогик категория сифатида

**Режа:**

1. Педагогик ҳодиса ва жараёнларга маърифий ёндашув.
2. Маърифат - педагогик жараённинг мақсади ва мазмуни сифатида
3. Таълим ва тарбия – маърифатнинг ўзаги сифатида
4. “Маърифат” – педагогиканинг бош категорияси сифатида.

**Таянч иборалар:** маърифат; маърифий ёндашув; маърифатнинг мақсади ва вазифалари; педагогик жараён; қонуният; таълим, тарбия.

### 1. Педагогик ҳодиса ва жараёнларга маърифий ёндашув

Ҳар бир одам ва ҳар қандай жамиятнинг маънавий-маданий ҳаётида ***маъ-рифий қадриятлар*** биринчи даражали ўрин тутади. ***Билим*** ва

***инсонийлик*** азалдан энг муҳим маърифий қадриятлар ҳисобланиб, *дунёқараш ва билимлар тизими* таълим ва тарбия дастурларининг негизини ташкил қилган: улар одам-да *инсонийлик фазилатини* шакллантиришга хизмат қилган. Ўзбек халқ педа-гогикаси айнан миллий маърифий қадриятлар негизида шаклланган.

Хўш, маърифат нима? ***Маърифат*** – муайян шахс ва жамият ривожлани-шининг умумий шакли. Ҳар қандай шахс ёки жамиятнинг маънавияти, мафку-раси ва маданияти - маърифатдан бошланади. Зеро, "маърифат – кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия"дир (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 60000 сўз ва бирикмаси // З.М.Маъруфов таҳрири остида. I том. А-Р.-Москва, "Рус тили" нашриёти, 1981.- 455-бет.)

"***Маърифат*** (арабча "арафа" –"билмоқ" сўзидан) - таълим-тарбия, иқти-содий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-би-лимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият" (Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абду-раззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. - Т.: "Шарқ", 1998. - 116-бет). Келтирилган таърифлардан аёнки, маърифатнинг асосини ***таълим*** ва ***тарбия*** ташкил қилади.

Ота-боболаримиз қадимдан *таълим* ва *тарбия* ишини ўзаро уйғун олиб боришган; таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратишмаган. Бебаҳо бойлик бўлмиш ***илму маърифат*** инсон камолоти ва миллат равнақининг асо-сий шарти ва гарови ҳисобланган. Жаҳолатга қарши фақат маърифат билан ку-рашилган. Бугунги кунда чинакамига *маърифатли одам* инсон қадри, миллий қадриятлар, ўзликни англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, жаҳон ҳамжамия-тида мустақил давлатимизнинг муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик би-лан курашиши мумкин.

***Маърифат*** - таълим, тарбия ва инсон камолоти жараёнларининг узвий бирлиги ва ўзаро боғлиқлигидир. ***Маърифат*** – одам ирсияти ва одам атрофи-даги табиий-ижтимоий муҳитнинг шахс камолотига таъсирини тартибга солиб турувчи омил. ***Маърифат*** - инсон табиатини ўзгартиришга қодир бўлган яго-на восита, бироқ у одамнинг ноқулай ирсияти (масалан, генетик касалликлар) ёки одамга атрофдаги муҳит кўрсатадиган ўта салбий таъсирлар олдида нисба-тан ожизлиги билан тавсифланади. ***Маърифат*** - шахс камолотини ўзига бўй-сундириб, унинг истеъдоди, мойиллиги асосида ўзига хос тарзда камол топи-шини таъминлайди, аммо одамлар маърифатга, яъни таълим ва тарбияга тур-лича берилади: кимдир - етарли даражада таълим олиб, тарбияланади, кимдир – аксинча. Оқибатда жамиятда турли даражаларда тарбияланган, яъни мадани-ятли ёки маданиятсиз, ота-онасига

раҳмат ёки лаънат олиб келадиган одамлар фарқланади.

***Маърифат – ижтимоий ҳодиса ва жараён***. Маърифат – жамиятдаги *қадрият, ижтимоий онг* ва *шахс* тузилмаларини ўз ичига қамраб олган алоҳи-да тизим; ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси. ***Маърифат*** - одамзодни дунёвий қадриятлар, фан-техника ютуқлари билан таништиради ва одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқот муҳити ҳисобланади. Ҳар қандай жамиятнинг ақлий-маънавий ва маданий-ахлоқий салоҳияти бевосита маърифатга боғлиқдир.

Демак**, маърифат** – ***таълим ва тарбиянинг узвий (ажралмас) яхлит тизими, шунингдек шахс томонидан эгалланадиган билимлар, кўникма-лар, малакалар, қадриятли мўлжаллар (йўл-йўриқлар), иш-вазифалар, фао-лият тажрибаси ва компетенциялар мажмуи***. Шу нуқтаи назардан, “маъ-рифат” тушунчаси аҳамиятига кўра турлича талқин этилиши мумкин: 1) *маъ-рифат* - моддий ва маънавий маданиятда тўпланган билимларни индивидга (шахсга) етказиш (ўтказиш) жараёни; 2) *маърифат* - таълим жараёнида, нати-жасида олинган билимлар мажмуи; 3*) маърифат* – шахснинг билиш даражаси (савияси) ёки ўқимишлилик – маълумотлилик: бошланғич маълумот, ўрта маъ-лумот, олий маълумот; 4) *маърифат* - инсон (шахс) камолоти ёки шаклланиши (пайдо бўлиши, вужудга келиши, яралиши) каби сўзларнинг маънодоши. Де-мак, педагогик ҳодиса ва жараёнларга ***маърифий ёндашув*** – янгиланаётган миллий педагогиканинг энг асосий тамойилларидан биридир (2.1-расм).

***Маърифатнинг мақсади*** – шахсни ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятга жалб этиш учун унинг ўзига ва жамиятга зарур бўлган фазилатларни шакллан-тириш ва ривожлантиришдан, бошқача айтганда, одамни жамиятдаги устувор




2.1-расм **Педагогик ҳодиса ва жараёнларга маърифий ёндашув**

олий мақсадлар, қадриятлар ва эътиқодлар мажмуи билан таништириш орқали инсон камолотини бошқаришдан иборатдир. Маърифий тизим қуйидагиларни таъминлашга сафарбар қилинган:

1) авлодларнинг тарихий давомийлигини таъминлаш, миллий маданият-ни сақлаш, ёйиш ва ривожлантириш;

2) Ўзбекистон ватанпарварларини, юксак ахлоққа эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қиладиган ҳуқуқий, демократик ижтимоий давлат фуқароларини тарбиялаш;

3) болалар ва ёшларни ўз вақтида ҳар томонлама камол топтириш, шахс-да мустақил ўқиш ва ўз-ўзини рўёбга чиқариш кўникмаларини шакллантириш;

4) болалар ва ёшларда ҳаётни яхлит тушуниш ва замонавий илмий дунё-қарашни шакллантириш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлан-тириш;

5) маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технология соҳасидаги ўзгаришларни акс эттирувчи таълимнинг барча жиҳатларини мунтазам равишда янгилаб бориш;

6) инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олишининг узлуксизлигини таъминлаш;

7) маърифий муассасалар турларининг хилма-хиллигини ва таълимни индивидуаллаштиришга имкон берувчи маърифий дастурларнинг ўзгарувчан-лигини таъминлаш;

8) таълим босқичлари ва даражаларининг изчиллигини таъминлаш;

9) масофавий таълимни ривожлантириш, таълимда ахборот-коммуника-ция технологияларини жорий этадиган дастурларни яратиш;

10) таълим олувчиларнинг академик ҳаракатчанлигини таъминлаш;

11) иқтидорли болалар ва ёшлар билан ишлашда миллий анъаналарни қайта тиклаш, педагог ходимларнинг илмий фаолиятда иштирок этишини таъ-минлаш;

12) жамиятни ахборотлаштириш ва янги илмий сиғимли технологиялар-ни риожлантириш шароитида касбий ўсиш ва касбий ҳаракатчанликка лаёқат-ли олий маълумотли кишилар ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш;

13) шахс ва жамиятнинг табиатга, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик ва масъ-уллик муносабатини шакллантирувчи экологик маърифатни вужудга келти-риш.

Демак, ***маърифатнинг вазифалари*** инсон ва жамият ҳаёти учун мустақил аҳамиятга эга бўлган маърифатнинг алоҳида олинган натижаларини ифодалайди. Бу вазифаларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) *жамият тараққиёти манфаатларидан келиб чиқадиган вазифалар* – малакали ходимларни тайёрлаш, жамият қадриятларига шерик бўлган онгли ва фаол фуқароларни шакллантириш;

2) *инсон камолоти манфаатларидан келиб чиқадиган вазифалар* – инсоннинг ижодий салоҳияти ва маънавий дунёсини шакллантириш ва бойитиш;

3) *шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштириш заруриятидан келиб чиқадиган вазифалар* – ҳар хил маърифий хизматларга бўлган эҳтиёжларни бир вақтнинг ўзида қондириш.

Маърифатнинг мақсади ва вазифаларига унинг икки "қаноти": ***таълим*** ва ***тарбия*, *уларнинг узвий бирлиги – педагогиканинг "олтин қоидаси"*** орқа-ли эришилади. Шу сабабли маърифат, яъни таълим-тарбия Ўзбекистон Рес-публикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида устувор соҳа, деб эълон қилинган.

***Маърифатнинг асосий вазифалари***:

1) ***таълим –*** жамиятда тарихан шаклланган ижтимоий тажрибанинг авлоддан-авлодга ўтказилиши ва унинг ёш авлод томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди;

2) ***тарбия*** – одамга маданиятни ўзлаштириш шароитларини яратади ва узлуксиз тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали ижтимоий-маданий тажрибалар, ахлоқий қадриятлар ва меъёрлар, умуман, умуминсоний ва миллий маданиятни ҳар бир кишининг шахсий тажрибасига айлантиради, бу жараёнда ўзига хос ижтимоий маданий хулқ-атвор фазилатларини шакллантиради;

3) ***ижтимоийлаштириш*** – индивиднинг ўзга кишилар билан ўзаро му-носабатга киришиши, жамиятдаги қадриятлар, меъёр ва хулқ-атворлар маж-муини ўзлаштириши, шунингдек турли ижтимоий-маданий шарт-шароитлар таъсирида атрофдаги оламни, табиий ва ижтимоий муҳитни англаши ҳамда шахс сифатида шаклланиши тезлашуви оқибатида инсонийлик фазилатларини эгаллаши, бошқача айтганда, маданийлашиши таъминланади;

4) ***малакали мутахассислар тайёрлаш*** – бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал ҳамда олий таълим муассасаларида малакали мутахассис кадрлар тайёрланади.

***Маърифатнинг мазмуни*** таълим-тарбия дастурларидаги билим, кўник-ма, малака ва компетенциялар ҳажми ҳамда шахснинг билиш савияси билан аниқланади. Маърифатнинг мазмуни таълим, тарбия ва мустақил ўқиш жара-ёнида, яъни шахснинг ақлий-ахлоқий фаолиятида рўёбга чиқади ва инсон ка-молотини, унинг миллий ва умумжаҳон маданиятига

интеграциясини ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлайди.

***Маърифатлилик (ўқимишлилик) мезонлари*** турлича бўлиб, шахснинг бошланғич, умумий ўрта ва профессионал (бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал ва олий профессионал) маълумотга эгалиги, унинг билим ва кўникмалар, тафаккур ва фаолият усулларини, бир сўз билан айтганда, компетенцияларни ўзлаштиришда эришган даражаси билан белгиланади. Маърифатли (ўқимишли) одам - тегишли *маълумот* даражасига эга бўлган инсондир.

***Мустақил ўқиш*** ва ***ўз-ўзини тарбиялаш*** - узлуксиз маърифий жараённинг асосий шартларидан биридир. Маърифат барча даврларда *тарихий,* яъни таълим-тарбия ишларининг мазмуни маълум бир макон ва замонда ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш шароитлари, илмий билимлар юксалиши ва бошқа ижти-моий омиллар таъсирида доимо ўзгариб туради.

## 2. Маърифат - педагогик жараённинг мақсади ва мазмуни сифатида

Педагог бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, уларни маъ-рифат зиёсидан баҳраманд қилиш керак. Миллатимиз фарзандларини муста-қил фикрлашга ўргатиш, уларнинг ўзига ишончини орттириш каби ишларнинг марказига *маърифат* каби ўлмас қадрият қўйилиши лозим. Зеро, ***маърифат - таълим ва тарбиянинг ўзаро бирлигида кечадиган, шахс камолотини тар-тибга солиб, уни маданийликка, комилликка элтадиган педагогик жараён-дир***. Шундай экан, *шахс камолоти* ва *маърифат* - педагогик жараённинг мақ-сади ва мазмуни сифатида намоён бўладики, бу педагогика фани ва амалиёти-да ўз аксини топади.

***Педагогик жараён*** деганда кўпинча *ўқув-тарбия* ёки *таълим-тарбия жараёни* тушунилади. **Немис педагоги А. Дистервег таълим ва тарбияни ўза-ро узвий боғлиқ яхлит жараён сифатида тушунган: “таълим тамойиллари мав-жуд экан, тарбия тамойиллари ҳам ҳамиша мавжуд бўлади ёки аксинча”. Пе-дагогик жараённинг яхлитлик ғояси К.Д. Ушинский, П.Ф. Лесгафт, Н.Ф. Бу-наков ва бошқаларнинг маърифий ғояларида чуқур ўз аксини топган.**

**Педагогик жараён муаммоси билан П.Ф. Каптерев алоҳида шуғулланиб, қуйидаги хулосаларга келган: “таълим, ўқитиш, ўқиш, тарбия, панд-насиҳат, ўгит ва бошқа бир қатор сўзлар турли хусусиятлар, жиҳатлар, воситалар ва ва-зиятларни ифодалайди, лекин улар биргаликда яхлит педагогик жараёндир”. Демак, *педагогик жараён***

**- педагогик фанининг энг муҳим, асосий тушунча-ларидан бири бўлиб, унга *яхлитлик*, яъни таълим, тарбия ва шахс камолоти жараёнларининг ўзаро бирлиги ва шартланганлиги хосдир.**

***Педагогик жараён*** – ижтимоий тажрибани ўтказиш ва ўзлаштириш мақ-садида катта (ўқитувчи) ва ёш (ўқувчи) авлод ўртасида махсус ташкил этил-ган, ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари ва сифатларини қайта ўзгартиришга йўналтирилган ўзаро таъсир ёки ҳамкорлик. Педагогик жараён муайян таъ-лим-тарбия тизимлари доирасида маълум бир вақтда махсус ташкил этилади.

Педагогик жараён мустақил ўқиш (таълим олиш) билан узвий боғланган бўлиб, одамнинг ривожланиши ва шахснинг шаклланиши, яъни камол топи-шини таъминлайди:

- ***мустақил ўқиш*** – инсоннинг ўз қизиқишлари доирасидаги билимлар-ни излаши ва уларни ўзлаштириши билан боғлиқ фаол билиш фаолияти;
- ***одамнинг ривожланиши*** - одамнинг анатомик-физиологик тузилма-сида, асаб тизими ва руҳиятида, билиш ва ижодий фаолиятида, шунингдек ду-нёқараши, ахлоқи  ва эътиқоди бойишида рўй берадиган ўзаро боғлиқ миқдор ва сифат ўзгаришлари жараёни;
- ***шахснинг шаклланиши*** - ирсият, муҳит ва маърифатнинг объектив таъсирида одамнинг ривожланиши ва фаоллиги натижасида шахсий ва ижти-моий фазилатларга эга бўлиш жараёни.

Педагогик жараён инсон камолотининг энг муҳим омили сифатида бар-камол, етук шахснинг шаклланишини таъминлайди.

***Педагогика – маърифат (таълим, тарбия) ва инсон камолоти ҳақи-даги фан*** сифатида ўсиб келаётган ёш авлод ва катта ёшли одамларга шахсий ва касбий камолотининг барча даврларида яхлит педагогик жараёнда таълим ва тарбия бериш, уларни илм-маърифатли ва маданиятли қилиш, камолга етка-зиш масалаларини ўрганади. Инсоннинг камол топиши педагогик, яъни ўқув-тарбия жараёнининг уйғун бирлигида кечади ва таъминланади. Шу боис, юқо-рида таъкидланганидек, *маърифат (таълим, тарбия) ва шахс камолоти* – пе-дагогик жараённинг мақсади ва мазмуни сифатида намоён бўлади.

***Педагогик жараён*** (***ўқув-тарбия жараёни***) – маърифат ва шахс камоло-ти жараёнлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бирлигидан иборат қуйидаги бешта таркибий қисмни ўз ичига қамраб олган яхлит маърифий тизим (2.2-расм):

1) таълим ва тарбиянинг мақсади ва вазифалари;
2) таълим ва тарбия мазмуни;
3) таълим ва тарбия методлари, шакллари ва воситалари;

4) ўқитувчи-тарбиячилар;

5) ўқувчилар (таълим олувчилар, тарбияланувчилар).

Педагогик жараённинг асосий хусусияти унинг ***бир бутунлиги*** ҳисобланади. Ҳар томонлама ривожланган баркамол шахс фақат яхлит педагогик жараёнда шаклланиши мумкин. ***Яхлитлик*** деганда таълим ва тарбияда пайдо бўладиган ва кечадиган барча жараёнлар ва ҳодисалар, педагогик жараён субъ-ектлари ва уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлари бир-бирига боғ-лиқлиги, бир-бирини тақозо қилиши тушунилади. Яхлит педагогик жараёнда ҳатти-ҳаракатлар ва зиддиятлар ечимлари, ўзаро таъсирлашувчи кучларнинг.
қайта гуруҳланиши, янги хусусиятлар ва сифатларнинг пайдо бўлиши кабилар узлуксиз рўй беради.

Шунингдек, педагогик жараённинг ўзига хос хусусияти ва кечиш шартларидан бири *педагогик ўзаро ҳамкорлик* ҳисобланади. ***Педагогик ўзаро ҳамкорлик*** – педагог ва тарбияланувчиларнинг олдиндан режалаштирилган, мўлжалланган ўзаро муносабатлари. Бу муносабатлар натижасида уларнинг хулқ-атвори ва фаолиятида икки тарафлама ўзгаришлар пайдо бўлади. “Ўқитувчи – ўқувчи”, “ўқитувчи – гуруҳ – ўқувчи”, “ўқитувчи – жамоа – ўқувчи” муноса-батлари педагогик ўзаро муносабатнинг бирмунча кенг тарқалган вариантлари ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам, педагогик жараённинг якуний натижаси “ўқувчи (тарбияланувчи) – ўзлаштириш объекти” муносабати бўлиб, у педа-гогик жараённинг субъекти, яъни ўқувчини ўзгартиришга, унинг муайян би-лимлар, фаолият тажрибаси ва муносабатларни ўзлаштиришига йўналтирил-ган бўлади.

Педагогик жараёндаги ***зиддиятлар*** уни ҳаракатга келтирувчи кучлардир. Ўқувчининг ички имкониятлари билан педагоглар (ота-оналар) томонидан унга қўйилган талаблар ўртасидаги номувофиқлар *умумий зиддиятлар* си-расига киради.

Яхлит педагогик жараён тузилмаси *мақсад, мазмун, ўқитувчи* ва *ўқувчи фаолияти,* шунингдек уларнинг биргаликдаги фаолияти *натижасини* ўз ичига олади. Педагог (ўқитувчи) ва тарбияланувчи (ўқувчи) педагогик жараённинг субъектлари ва объектлари бўлиб, бу жараённинг сифати ва самарадорлиги ай-нан уларнинг фаол фаолиятига боғлиқдир.




2.2-расм. **Педагогик жараённинг тузилмаси**

***Педагогик фаолият*** – бу жамият ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси-дан келиб чиққан ҳолда замонавий таълим ва тарбиянинг мақсади ва вазифала-рига мувофиқ махсус ташкил этиладиган фаолият. Педагогнинг таълим олув-чилар ёки тарбияланувчилар билан ўзаро муносабати уларнинг ўзига хос хусу-сиятлари, имкониятлари ва аниқ шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда педа-гогик жараённинг мақсадга мувофиқ методлари, шакллари ва воситалари тизи-ми орқали ташкил этилади.

***Таълим олувчилар (тарбияланувчилар)*** ёки ***болалар жамоаси фаолия-ти*** жамоанинг, шунингдек ўқитувчининг (таълим бериш, тарбиялаш) мақсад-ларига ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайдиган онгли, онгсиз мотивлар ва мақ-садлар билан ҳам тавсифланади. Таълим олувчилар (тарбияланувчилар) фао-лияти уларни таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ камол топишига, уларда билим ва кўникмалар, фаолият тажрибаси, ўзи ва атрофдаги оламга муноса-батлар тизими шаклланишига олиб келиши лозим. Бироқ ўқувчилар амалда фақат ўз билими ва тажрибасига мос келувчи метод ва воситалардан фойдала-надилар. Таълим олувчиларда бундай билим ва тажриба қанчалик кам бўлса, улар ҳатти-ҳаракатининг мақсадга мувофиқлиги ва ранг-баранглиги шунчалик кам бўлади. Шу сабабли асосий масъулият катталарда – шаклланаётган шахс-нинг таълими ва тарбиясини ташкил этувчи *педагогда* бўлади. Бола эса фақат ўз ҳатти-ҳаракатларига жавоб беради.

***Педагогик жараённинг мазмуни*** ўзаро узвий боғланган "*таълим маз-муни*" ва "*тарбия мазмуни*"ни ўз ичига олади. *Таълим мазмуни* - таълим олув-чи "нимани ўрганиши лозим", *тарбия мазмуни* – тарбияланувчи "шахсда қан-дай фазилатлар шаклланиши лозим" деган саволга жавоб беради. Педагогик жараённинг мазмуни жамият ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси, таълим ва тарбиянинг мақсадлари ва вазифалари акс этган ўқув-тарбия дастурларига, педагоглар (ўқитувчилар, тарбиячилар) ва тарбияланувчиларнинг (ўқувчилар-нинг) биргаликдаги ўзаро фаолиятига, шунингдек таълим ва тарбия воситала-рига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда педагогик жараённинг мазмун-моҳиятини очиб беради-ган, қандайдир назарий постулатларда ифодаланган таълим-тарбия жараёнла-рини билиш натижалари, яъни қуйидаги ***педагогик қонунлар*** эътироф этилган:

1. ***Педагогик жараённинг яхлитлиги ва бирлиги қонуни*** (педагогик жа-раённинг яхлитлиги ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик-ни, хусусан, ақлий, ҳиссий, ахборий, қидирув, мазмуний, жараёнли ва мотива-цияли таркибий қисмлари уйғун бирлигининг заруриятини очиб беради).

2. ***Таълим назарияси ва амалиётининг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги қонуни*** (таълимда назарий ва амалий тамойиллар ўртасидаги нисбатни, шунингдек ўқитувчининг амалий фаолияти, унинг мақбуллигини очиб беради).

3. ***Тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим қонуни*** (шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, камол топтириш билан билимлар ва фаолият усулларини эгаллаш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб беради);

4. ***Таълим мақсадлари, мазмуни ва методларининг ижтимоий шарт-ланганлик қонуни*** (таълим ва тарбиянинг барча таркибий қисмлари шаклланишига ижтимоий муносабатлар ва тузум (ижтимоий буюртма) ҳал қилувчи таъ-сир кўрсатишининг объектив жараёнини очиб беради).

5. ***Ўқувчилар таълими, тарбияси ва фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги қонуни*** (педагогик раҳбарлик ва ўқувчилар шахсий фаоллигининг ривожлани-ши ўртасидаги, шунингдек таълимни ташкил этиш усуллари билан унинг на-тижалари ўртасидаги нисбатни (боғлиқликни) очиб беради).

6. ***Ўқувчилар ўқув фаолиятини индивидуал (якка) ва гуруҳли ташкил этишнинг бирлиги ва ўзаро шартланганлиги қонуни*** (синф/гуруҳ билан таъ-лимнинг индивидуал шакли ўртасидаги нисбат (боғлиқлик) қараб чиқилади, ўқитувчининг жамоа ва айрим ўқувчилар билан ишлаш тамойиллари ва қоида-лари ўрнатилади) (2.3-расм).

**Педагогик жараённинг қонуниятлари**:

1 2 3 4 5 6

***Педагогик жараённинг ўзгарувчанлик қонунияти*** –
педагог ва ўқувчилар ўртасидаги ўқув-тарбия жараёни тадрижий, босқичли, поғонали хусусиятга эгалиги: оралиқ ютуқлар қанча катта (юқори) бўлса, якуний натижа шунча салмоқли бўлиши ёки кейинги барча ўзгаришлар кўлами олдинги ўзгаришларга боғли

***Рағбатлантириш қонунияти*** –
педагогик жараённинг самарадорлиги ўқув-тарбиявий фаолиятнинг ички мотивлари, ташқи омиллар табиати ва уларнинг қанчалик яхши ишлаши (таъсир кўрсатиши) ҳамда ўз вақтида бўлишига боғлиқлиги

***Педагогик жараёнда ҳиссий, мантиқий ва амалий жиҳатлар ёки ташқи (педагогик) ва ички (билиш) фаолият бирлиги қонунияти*** –
педагогик жараённинг самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг шахсий фаолияти сифатига, яъни ҳис (идрок) қилиш тезлиги ва хусусиятларига, идрок қилинган нарсаларни мантиқий тушунишига, тушунилган нарсалардан амалда фойдаланишига боғликлиги.

***Шахснинг педагогик жараёнда камол топиш (ривожланиш) қонунияти*** –
шахснинг ривожланиш, камол топиш тезлиги ва эришадиган даражаси ирсият, ўқув-тарбия муҳити ва унинг ўқув-тарбиявий фаолиятга жалб этилишига, шунингдек қўлланиладиган педагогик таъсир воситалари ва усулларига

***Педагогик таъсирни ўқув-тарбия жараёни орқали бошқариш қонунияти*** –
педагогик таъсирлар самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги қайтар алоқалар жадаллигига, ўқувчига кўрсатиладиган тузатувчи таъсирлар кўлами, уларнинг табиати ва

***Педагогик жараённинг шартланганлик қонунияти*** –
ўқув-тарбия жараёнининг бориши ва натижалари шахс ва жамият эҳтиёжларига, моддий-техник ва иқтисодий имкониятларга, маънавий-руҳий, санитария-гигиеник ва эстетик шароитларга боғлиқлиги

2.3-расм**. Педагогик жараённинг қонуниятлари**

Шунингдек, россиялик таниқли педагог А.В. *Хуторский томонидан* маъ-рифий ва педагогик жараёнларга хос бўлган, асосида ташхисланувчи ва тас-диқланувчи далиллар ётган қуйидаги ***педагогик қонунлар*** *шакллантирилган:*

***1. Педагогиканинг биринчи қонуни:*** **одамнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқа-риш қонуни:** ўқувчининг маърифий жараёндаги миссиясини (бурчи, вазифа-сини) намоён қилишга йўналтирилган педагогик мўлжал асосида иш юритиш одамнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқаришини (англашини) таъминлайди.

***2. Педагогиканинг иккинчи қонуни:*** **одамзоднинг ворислик қонуни:** ҳар бир ўқувчининг маърифатли (ўқимишли, маълумотли, тарбияли, маданиятли) бўлиши унинг ўз оиласи (авлодлари) маърифатига, унинг мерос қилиб олинишига таъсир кўрсатади.

***3. Педагогиканинг учинчи қонуни:*** **маданиятнинг узлуксиз тикланиши ва ўсиши қонуни:** ўқувчининг маърифий натижаси, яъни ўқимишлилиги маданиятнинг узлуксиз тикланиши ва юксалишига олиб келади.

***4. Педагогиканинг тўртинчи қонуни:*** **кишилар фаровонлиги ва бахт-саодати қонуни:** маърифий натижаларнинг асосий кўрсаткичи, яъни ўқувчи-ларнинг муваффақиятга, бахт-саодатга эришиш даражаси педагогик жараён-нинг аниқ, муайян мақсадларга йўналганлиги билан боғлиқдир.

***5. Педагогиканинг бешинчи қонуни:*** **инсоният маърифатининг умум-башарий мўлжалланганлик қонуни:** умумжаҳон миқёсидаги вазифаларни педагогик жараёнга киритиш ўқувчининг мақсадли мўлжалларини фаолияти-нинг умумбашарий мазмуни билан боғлайди.

Юқорида таъкидланган қонунларга мувофиқ, *мактаб* – ўқувчилар учун бахт-саодат маскани, ҳар бир *ота-она* - ўз фарзандининг биринчи ўқитувчиси ҳисобланади. Агар *ўқитувчи* ўз дарсларини ушбу қонунлар асосида ташкил қилса, шогирдлари ва уларнинг фарзандлари устоз-мураббийдан бир умрга миннатдор бўлади. Агар *услубчилар (методистлар)* ўз ишланмалари асосига мазкур қонунларни қўйса, кўплаб ўқитувчилар ва уларнинг ўқувчилари бахтли ва муваффақиятли бўлишига ёрдам беради. *Педагог олимлар* мазкур қонунлар-ни таҳлил қилиб (баҳолаб), янги педагогик қонунлар ва қонуниятларни кашф қилиши мумкин. *Амалдорлар* эса маърифий тизимни мазкур қонунлар асосида бошқарса, пулдан кўпроқ мукофот - қўшимча ҳаққа эга бўладилар.

Педагоглар *таълим-тарбия* қандай шаклда бўлишидан қатъий назар ин-сонни камол топтиришга йўналтирилган педагогик қонунларга мувофиқ содир бўлишини, қилаётган иши бу қонунларга қанчалик мослигини доимо эсда ту-тишлари, текшириб боришлари керак.

Мазкур қонунлар ижросининг муайян шароитдаги ифодаси, яъни таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисмлари ўртасидаги объектив, барқарор, такрорланувчи боғланишлар, бошқача айтганда, қуйидаги ***педагогик жараён қонуниятлари*** билан узвий, мустаҳкам боғланган (4.9-расм):

1. ***Педагогик жараённинг ўзгарувчанлик қонунияти*** – педагог ва ўқув-чилар ўртасидаги ўқув-тарбия жараёни тадрижий, босқичли, поғонали хусуси-ятга эгалиги: оралиқ ютуқлар қанча катта (юқори) бўлса, якуний натижа шунча салмоқли бўлиши ёки кейинги барча ўзгаришлар кўлами олдинги ўзгаришлар-га боғлиқ бўлиши.

2. ***Шахснинг педагогик жараёнда камол топиш (ривожланиш) қонунияти*** – шахснинг ривожланиш, камол топиш тезлиги ва эришадиган даража-
си ирсият, ўқув-тарбия муҳити ва унинг ўқув-тарбиявий фаолиятга жалб этилишига, шунингдек қўлланиладиган педагогик таъсир воситалари ва усулларига боғлиқлиги.

3. ***Педагогик таъсирни ўқув-тарбия жараёни орқали бошқариш қону-нияти*** - педагогик таъсирлар самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида-ги қайтар алоқалар жадаллигига, ўқувчига кўрсатиладиган тузатувчи таъсир-лар кўлами, уларнинг табиати ва асосланганлигига боғлиқлиги.

4. ***Рағбатлантириш қонунияти*** - педагогик жараённинг самарадорлиги ўқув-тарбиявий фаолиятнинг ички мотивлари, ташқи омиллар табиати ва уларнинг қанчалик яхши ишлаши (таъсир кўрсатиши) ҳамда ўз вақтида бўлишига боғлиқлиги.

5. ***Педагогик жараёнда ҳиссий, мантиқий ва амалий жиҳатлар ёки ташқи (педагогик) ва ички (билиш) фаолият бирлиги қонунияти*** – педаго-гик жараённинг самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг шахсий фаолияти сифатига, яъни ҳис (идрок) қилиш тезлиги ва хусусиятларига, идрок қилинган нарсаларни мантиқий тушунишига, тушунилган нарсалардан амалда фойдала-нишига боғлиқлиги.

6. ***Педагогик жараённинг шартланганлик қонунияти*** - ўқув-тарбия жараёнининг бориши ва натижалари шахс ва жамият эҳтиёжларига, моддий-техник ва иқтисодий имкониятларга, маънавий-руҳий, санитария-гигиеник ва эстетик шароитларга боғлиқлиги.

***Педагогик жараён тамойиллари*** – яхлит педагогик жараёндаги ўзаро таъсирларнинг мазмуни, шакллари, методлари, воситалари ва хусусиятларини белгиловчи дастлабки қоидалар; педагогик жараённи ташкил этиш ва амалга оширишга қўйилган меъёрий талаблар, йўл-йўриқ кўрсатувчи ғоялар.

Педагогик жараённинг қуйидаги *тамойиллари* фарқланади:

1.***Таълим ва тарбиянинг ҳаммабоплиги тамойили*** – бу тамойилга му-вофиқ ўқув-тарбия ишлари ўқувчиларнинг ёшини, индивидуал ва жинсий ху-сусиятларини, шунингдек таълим олганлик ва тарбияланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Шунингдек, ўқув материалларини ўқи-тиш оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумгача бўлган қийинликнинг ас-та-секин ошиб бориши билан амалга оширилади.

2.***Тарбияга индивидуал ёндашиш тамойили*** – педагогик жараённи ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини (мижози, феъл-атвори, қобилияти, мойиллиги, қизиқиши ва шу кабиларни) ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш. Бу тамойилнинг моҳиятини ҳар бир болага нисбатан ўқув-тарбия жараёнининг энг мақбул натижаларига эришиш учун педагог томонидан тарбиявий таъсир кўрсатишнинг турли шакллари ва методларидан эпчиллик билан фой-даланиш ташкил этади.

3. ***Таълим ва тарбия ҳар бир боланинг ўзига хос хусусиятларини ривожлантириши билан биргаликда жамоавий табиатга эгалиги.*** Бу тамойилни амалга ошириш иштирокчилардан ҳамкорлик қилиш, биргаликда ҳатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва доимий равишда ўзаро муносабатда бў-лиш кўникмаларини талаб қилувчи индивидуал, гуруҳли ва оммавий ишларни ташкил этишни тақозо қилади.

4. ***Кўрсатмалилик тамойили*** – бу тамойилга мувофиқ таълим ўқувчилар томонидан нафақат кўриш, балки ҳаракатга келиш, шунингдек сезиш ҳис-туйғулари орқали бевосита идрок этиладиган аниқ нусха-намуналарга асосла-нади. Ўқув-тарбия жараёнида турли хил расм-суратлар, намойиш қилишлар, таълимнинг техник воситалари, амалий-лаборатория ишлари ва компьютер-лаштириш орқали таъминланадиган кўрсатмалилик ўқувчиларнинг тасаввур доирасини кенгайтиради, кузатувчанлиги ва тафаккурини ривожлантиради, ўқув материалини чуқур ўрганишга ёрдам беради.

5. ***Таълим ва тарбиянинг илмийлиги тамойили*** – ушбу тамойилга му-вофиқ ўқувчиларга фақат илм-фанда белгиланган (расмийлашган) қонун-қои-далар ўрганиш (ўзлаштириш) учун таклиф этилади ва ўз хусусиятига кўра фан методларига яқин бўлган таълим методаридан фойдаланилади. Ўқувчилар энг муҳим кашфиётлар тарихи ва замонавий ғоялар, илмий фаразлар билан тани-шиши, таълимнинг муаммоли тадқиқий методлари ва фаол таълим техноло-гияларидан унумли фойдаланиши керак. Ўқувчиларга бериладиган билимлар қанчалик оддий бўлмасин, улар фанга зид бўлмаслиги керак.

6. ***Маданиятга мувофиқлик тамойили*** – таълим ва тарбияда маълум бир ўқув муассасаси жойлашган минтақа, мамлакат, жамият, миллат ва муҳит маданиятидан имкон борича (мумкин қадар) фойдаланиш.

7. ***Табиатга мувофиқлик тамойили*** – ҳар қандай педагогик жараён ва тарбиявий ҳамкорликнинг етакчи бўғини ўзига хос хусусиятлар ва камолот даражасига эга бола (ўсмир) бўлишини талаб қилувчи дастлабки қоида. Ўқув-чининг табиати, соғлиғининг ҳолати, жисмоний, физиологик, ақлий ва ижти-моий ривожланиши – инсонни экологик ҳимоялаш ролини ўйнайдиган тарбия-нинг асосий ва ҳал қилувчи омилларидир.

8. ***Ҳамкорлик тамойили*** – таълим-тарбия жараёнида шахс устуворлиги-га мўлжал олиш; шахснинг ўз йўлини ўзи белгилаб олиши, ўзлигини намоён этиши, камол топиш йўлида доимо ҳаракатда бўлиши учун қулай шарт-ша-роитлар яратиш, шунингдек катталар ва болаларнинг биргаликдаги ҳаётий фаолиятини субъектлараро алоқа, диалогик муносабат асосида ташкил этиш.

9. ***Таълим ва тарбия натижаларининг пухталиги, англанганлиги ва амалийлиги тамойили*** – унинг моҳияти шундан иборатки, билимлар, кўник-малар, малакалар ва дунёқарашлик ғоялари чуқур англангач ва яхши ўзлашти-рилганидан кейин узоқ вақт хотирада сақланиб қолади. Ушбу тамойил билим, кўникма, малакалар ҳамда хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини доимий, мунтазам такрорлаш, машқ қилиш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолаш ор-қали амалга оширилади.

10. ***Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили*** – илмий би-лимларни кундалик ҳаётий амалиёт билан уйғун боғлашни талаб қилади. Наза-рия - дунёни билишга имкон берса, амалиёт унга самарали таъсир кўрсатишни ўргатади.

11. ***Батартиблик ва изчиллик тамойили*** - таълим жараёнида мантиқий боғланишларга риоя этилишини талаб қилади ва натижада катта ҳажмдаги ўқув материалининг мустаҳкам ўзлаштирилиши таъминланади. Батартиблик ва изчиллик қисқа вақт ичида катта натижаларга эришишга имкон беради. Бу тамойил режалаштиришнинг турли шаклларида ва маълум бир тарзда ташкил этилган машғулотларда амалга оширилади.

12. ***Онглилик, фаоллик, ташаббускорлик тамойили*** – унинг моҳияти шундаки, таълим олувчи ва тарбияланувчиларнинг шахсий билиш фаолияти таълим олганлик ва тарбияланганликнинг муҳим омили бўлиб, билим ва меъ-ёрларни ўзлаштириш суръати, чуқурлиги ҳамда кўникма, малака ва одатларни шакллаштириш тезлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ўқув-тарбия жара-ёнида онгли иштирок этиш ўқувчига ривожлантирувчи таъсирни кучайтиради.

13. ***Оқилона талабларга асосланган ҳолда бола шахсини ҳурмат қилиш тамойили*** – ўқитувчининг ўқувчини шахс сифатида ҳурмат қилишини талаб этувчи тамойил. Оқилона талабчанлик – бола шахсига ҳурматнинг ўзига хос шакли. Ўқувчиларга нисбатан талабчанлик ўқитувчининг ўзига талабчан-лиги билан бирлаштирилиши керак. Шахсга ҳурмат кўрсатиш одамнинг ижо-бий жиҳатларига таянишни назарда тутади.

14. ***Оптималлаш (энг қулай шароит яратиш) тамойили*** – энг самара-ли, мос шакллар ва методлардан фойдаланиш кераклигини тақозо қилади.

Юқорида қайд этилган *педагогик жараённинг тамойиллари* таълим ва тарбияга қўйилган асосий талаблар тизими бўлиб, уларга риоя этиш шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, камол топтириш муаммоларини самарали ҳал этишга имкон беради.

Ҳақиқий педагогик жараёнда таълим ва тарбия тамойиллари бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга ошади, яъни улар ўзаро шартланган бўлиб, ҳеч бири алоҳида жорий этилиши ёки қўлланилиши мумкин эмас.

## 3. Таълим ва тарбия – маърифатнинг ўзаги сифатида

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг таълими ва тарбиясини самарали ташкил этиш эҳтиёжидан келиб чиққан. Педагогика  дастлаб *фалсафа* негизида пайдо бўлган. Фалсафа қадим замонлардан бошлаб ҳаётнинг мазмуни, инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва маърифатнинг вазифаси нималардан иборат, деган саволларга жавоб излаш билан шуғулланган.

Юқорида таъкидланганидек, маърифатнинг ўзаги, энг асосий вазифаси ***таълим*** ҳисобланади (2.4-расм).

***Таълим*** **-** ижтимоий-маданий тажрибанинг авлоддан-авлодга ўтказилиши ва ўзлаштирилишини таъминлаш, ёш авлодда билим, кўникма, малака ва компетенциялар ҳамда илмий дунёқарашни шакллантириш, уларнинг ақлий кучларини ривожлантириш мақсадида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг махсус ташкил этилган, бошқариладиган биргаликдаги ўзаро муносабатлари жараёни.






2.4-расм. **Таълим – педагогика категорияси сифатида**

***Таълимнинг асосини*** ўқитувчи томонидан бериладиган ва ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган *билим, кўникма, малака ва компетенциялар* ташкил қилади (2.5-расм):

1) ***билим*** - инсоннинг борлиқ қонуниятлари, воқеа-ҳодисалар, нарсалар, далиллар, шунингдек фаолият усуллари ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни ўзлаштириши, муайян тизимга солиши ва хотирасида мустаҳкамлаши, бошқа-ча айтганда, ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бе-риш;

2) ***кўникма*** - инсоннинг онгли ҳатти-ҳаракатларни тез, тежамли, тўғри ва кам жисмоний ҳамда ақлий куч сарфланган ҳолда бажариш жараёни ва натижаси, бошқача айтганда, ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш;

3) ***малака*** **-** инсоннинг муайян фаолиятни моҳирлик билан бажариши, унинг айрим таркибий қисмларини автоматлашган тарзда амалга ошириши, яъни онгли ҳатти-ҳаракатларнинг автоматлашуви, бошқача айтганда, ўрганил-ган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

4) ***компетенция*** – инсоннинг мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кун-далик фаолиятда қўллай олиш қобилияти.




2.5-расм. **Таълимнинг асоси**

Юқорида таъкидланганидек, ***тарбия*** - маърифатнинг таркибий қисми, асосий вазифаларидан бири сифатида энг қадамги даврда вужудга келган. Ки-шилик жамиятининг илк босқичларида одамлар тайёр маҳсулотлардан фойда-ланган. Овчилик ва ҳунармандчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши одамларда меҳнат тажрибаси шаклланишига олиб келган. Меҳнат, ўз навбати-да, одамлар тарбиясига таъсир кўрсатиб, уни ҳаётий заруратга айлантирган. Одамларнинг меҳнат кўникмалари ва малакалари авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўта бошлаган. Олдинига бола тарбияси катталар томонидан меҳнат фао-лиятида бевосита амалга оширилган бўлса,

жамият ривожлана борган сари бундай йўл талабга жавоб бермай қолган: *тарбия билан билимдон, тажрибаси етарли одамлар шуғуллана бошлаган.*

Инсоният жамиятининг турли босқичларида таълим ва тарбия муассаса-ларининг пайдо бўлиши, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажри-баларни умумлаштириш жараёнида ***педагогика фани*** вужудга келган.

Қадим замонлардан бошлаб *инсон тарбияси* халқ мақоллари, афсона-лари ва достонларида ўз ифодасини топган. Бу жараёнда аждодларимиз тар-биявий таъсирнинг самарали усуллари ва манбаларини излаб топиб, ҳаётга татбиқ этганлар. Натижада ***тарбия ҳақидаги ғоялар*** пайдо бўлган. Бу борада Шарқ мутафаккирларининг жаҳон педагогикаси тарихига қўшган ҳиссаси бе-қиёсдир. Тарихга назар ташласак, тарбия ҳақидаги ғоялар эрамиздан олдинги VII-VI асрларда шаклланганлиги маълум бўлади. Кейинги даврларда педаго-гик ғояларнинг шаклланишига *зардуштийлик таълимоти*, унинг муқаддас ки-тоби “Авесто” катта таъсир кўрсатган. *Ислом таълимоти* ғояларининг тар-биявий аҳамияти Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда мусулмон дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи ва эътиқоди сифатида баён қилинган.

Демак, ***тарбия*** жамиятнинг вазифаси бўлиб, у турли тарихий даврларда муайян шаклларга эга бўлган. Инсоннинг бу дунёга келиши фақат туғилишдан иборат табиий-биологик ҳодиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонаси та-раққиёти даражасига кўтарилиши, ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини топиши ва тарихий жараённинг фаол иштирокчисига ай-ланиши керак. Бу жараёнда катта авлод (тарбиячи) ўзининг яшаш ва меҳнат фаолияти соҳасидаги тажрибаларини, тўплаган билим ва кўникмаларини ки-чик авлодларга (тарбияланувчиларга) бера бошлаганки, бу ҳодиса ***тарбия*** деб аталган.

***Тарбия*** - ижтимоий-маданий, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва жамият-да қабул қилинган хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари асосида ўқувчиларнинг ўз йўлини (мавқеини) белгилаб олиши ва ижтимоийлашиши учун шарт-шароит яратишга, шахс камолотига йўналтирилган фаолият.

Тарбия жараёнинг иштирокчилари *тарбиячи* ва *тарбияланувчи* ҳисобла-нади. Улар ўртасида алоқа (муносабат) ўрнатилиши – жараённи амалга оши-ришнинг дастлабки шартидир, яъни *тарбия* – уларнинг биргаликдаги фаолия-ти (2.6-расм).




2.6-расм. **Тарбия – педагогика категорияси сифатида**

Тарбиянинг маълум бир *мақсадга йўналганлиги*, *тизимли* ва *жараёнли* табиатга эгалиги унга хос асосий белгилар ҳисобланади (2.7-расм). Хусусан, тарбиянинг мақсади бир неча жиҳатларни ўз ичига олади (2.8-расм).




2.7-расм. **Тарбиянинг асосий белгилари**




2.8-расм. **Тарбиянинг мақсади**

Тарбия ҳақидаги ғояларнинг шаклланишига Абу Райҳон Беруний, Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Ахмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби алломаларимиз катта ҳисса қўшганлар. Улардан

педагогика на-зарияси ва амалиётида ҳозирга қадар унумли фойдаланиб келинмоқда.

Педагогикага узоқ вақт давомида ўсиб келаётган *ёш авлод тарбиясини* ўрганадиган илмий фан сифатида қаралган. Аммо ҳаётий амалиёт тарбиянинг умумий тамойиллари фақат ёшлар тарбиясигa эмас, балки катталар тарбиясига ҳам таалуқли эканлигини кўрсатди. Шу сабабли кейинги пайтларда педаго-гикага ёш авлод ва катта ёшлилар таълими ва тарбияси қонуниятларини ўрга-нувчи фан сифатида қараш одатга айланган.

***Тарбия*** – ёш авлодни ижтимоий ҳаёт ва бўлғуси меҳнатга тайёрлаш мақ-садида жамиятда шаклланган *ижтимоий-тарихий тажрибани* уларга мақсад-га мувофиқ ўтказиш (узатиш) жараёнидир. ***Ижтимоий-тарихий тажриба*** деганда одамларга маълум бўлган барча билимлар, кўникмалар, тафаккур усуллари, аҳлоқий-ҳуқуқий меъёрлар, бир сўз билан айтганда, инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида яратилган *маънавий мероси* тушунилади. Тар-бия билан нафақат педагоглар, балки оила, оммавий ахборот воситалари, ада-биёт, санъат, меҳнат жамоалари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам шуғуллана-дилар.

Демак, ***тарбия***, *кенг педагогик маънода*, таълим-тарбия муассасалари-даги ўқув-тарбия жараёнида педагогик жамоа ва тарбиячиларнинг тарбияла-нувчиларда ижтимоий хулқ-атвор фазилатларини шакллантириш мақсадида махсус ташкил этилган педагогик таъсир кўрсатиш тизими; *тор педагогик маънода,* тарбияланувчиларда муайян ахлоқий-маънавий фазилатларни шакл-лантириш мақсадида аниқ тарбиявий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган тарбиявий фаолият (ишлар) жараёни ва натижаси.

“Тарбия” тушунчаси педагогика ва хусусий методикада, шунингдек бошқа ижтимоий фанларда тарбия жараёнининг айрим таркибий қисмлари ёки йўналишларини ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Масалан, “жисмоний тар-бия”, “ахлоқий тарбия”, “экологик тарбия”, “меҳнат тарбияси” ва ш.к.

***Ўз-ўзини тарбиялаш*** – тарбия жараёнининг асоси сифатида инсоннинг ўзини-ўзи камол топтиришга, мустақил ўқишга ва ўзида ижобий фазилатларни ривожлантириш ва салбийларини бартараф этишга қаратилган тушуниб етил-ган, мақсадли, собитқадам фаолиятидир.

## 4. “Маърифат” – педагогиканинг бош категорияси сифатида

Илмий умумлашмаларни ифодаловчи асосий педагогик тушунчалар *педагогик категориялар* деб аталади. “***Маърифат***”, “***таълим***”, “***тарбия***”, “***педагогик жараён***” каби тушунчалар асосий педагогик категориялар ҳисобланади. Шунингдек, педагогика “*одамнинг ривожланиши*”, “*шахснинг шаклла-*

*ниши*” каби умумилмий категорияларга таяниб ҳам иш кўрадики, улар шахсни камолотга етакловчи тушунчалар сифатида қараб чиқилади (2.9-расм).

***“Маърифат”*** педагогиканинг бош категорияси сифатида бир қанча маъ-ноларга эга бўлиб, уни *жараён, натижа* ва *тизим* сифатида таърифлаш мумкин:

1) *жараён сифатида* – ўқув-тарбия муассасаларида, шунингдек муста-қил ўқиш натижасида билим ва кўникмалар, билиш ва амалий фаолият тажра-баси, қадриятли мўлжаллар ва муносабатлар тизимининг ўзлаштирилиши;

2**)** *натижа сифатида* – билим ва кўникмаларни, тафаккур ва фаолият усулларини ўзлаштиришда эришилган даража, яъни *маълумот*;

3**)** *тизим сифатида* – Давлат таълим стандартлари ва таълим-тарбия дас-турларининг ўзаро изчил мажмуи, уларни амалга оширувчи маърифий (ўқув-тарбия) муассасалар ва бошқарув органлари тармоғи.




1.92-расм. **Педагогиканинг асосий категориялари ва уларнинг таърифи**

## Назорат саволлари

1. Педагогик ҳодиса ва жараёнларга маърифий ёндашув ҳақида маълумот беринг.

2. Маърифат - педагогик жараённинг мақсади ва мазмунини айтиб беринг.

3. Таълим ва тарбия – маърифатнинг ўзагини изоҳлаб беринг.

4. "Маърифат" – педагогиканинг бош категориясини айтиб беирнг.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Жуманова Ф., Авазова С. ва бошқалар Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: "Ишончли ҳамкор", 2020 й. -582 б.

2. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.

3. Ишмуҳамедов Р, Мирсолиева М, Акрамов А. Раҳбарнинг инновацион фаолияти. – Т.: "Фан ва технологиялар", 2019, 68 бет.

4. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 60 б.

5. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методисталар, ўқитувчилар. тарбиячи ва мураббийлар учу ўқув қўлланма)-Т.:2013.-279 б

6. Муслимов Н.А., М.Ж.Муталипова, Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Низомий номидаги ТДПУ Ризографи, Тошкент 2014 йил.

7. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: "Sano-standart", 2015. – 208 б.

8. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: "Sano-standart", 2015. – 120 б.

9. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.–115

10. Коджаспирова, Г.М. Педагогика в схемах и таблицах: Учебное пособие. - М.: Проспект, 2016.

11. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: "Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази" нашриёти, 2019. 312 б.

12. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

13. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Т: "Lesson press", 2020. 112 бет.

## 3-маъруза: Замонавий педагогиканинг инновациялар билан шартланган умумий асослари

**Режа:**

1. Инсон ҳақидаги фанлар тизимида педагогиканинг фан ва ўқув фани сифатидаги аҳамияти. Педагогик антропология.
2. Педагогиканинг объекти, предмети ва вазифалари.
3.Педагогика фанлари тизими, унинг бошқа фанлар билан интеграцияси.
4. Педагогика методологияси ва асосий методологик ёндашувлар.
5. Педагогик илмий-тадқиқот методлари.

**Таянч иборалар:** фан; ўқув фани; педагогик антропология; объект; предмет; фанлар тизими; интеграция; методология; методологик ёндашув; илмий-тадқиқот методлари.

### 1. Инсон ҳақидаги фанлар тизимида педагогиканинг фан ва ўқув фани сифатидаги аҳамияти. Педагогик антропология

**Умуман, *фан* - дунё ҳақидаги объектив билимлар тизими; ижтимоий онг шаклларидан бири. Фан - табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳақида янги би-лимлар ҳосил қилиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш фаолиятини ўз ичига олиб, жамиятнинг маънавий ҳаётига даҳлдор муҳим ҳодисадир.**

***Инсон ҳақидаги фанларнинг асосий вазифаси* – одам ҳақидаги илмий билимлар тизими (илмий далиллар, илмий мантиқ ва илмий тушунча-термин-лар мажмуи) воситасида *инсон* моҳиятини турли хил алоқадорликлар мажмуи-да назарий акс эттиришдан иборат.**

Одам билан *олам* ўртасидаги турли хил алоқа ва муносабатлар (“инсон – табиат”; “инсон – жамият”; “инсон – техника”; “инсон – маданият”; “инсон – тарбия”) тобора чуқур ўрганилмоқда. Бу саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани бошқариш тизими-да, транспорт, қурилиш ва шу кабиларда инсон омилининг тутган ўрни, уни ўрганишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши билан изоҳланади.

Одам биологик мавжудот - *тур*, тарихий жараёнлар субъекти ва объекти – *шахс* ва бошқа табиий ёки ижтимоий-маданий жараёнлар субъекти ёки объ-екти сифатида ҳар жиҳатдан ўрганилмоқда. Одамни жамиятнинг асосий иш-лаб чиқариш кучи, меҳнат субъекти, “инсон-техника” тизимидаги етакчи бў-ғин, шунингдек билиш, коммуникация ва бошқариш субъекти

ҳамда таълим-тарбия предмети сифатида ўрганишнинг аҳамияти эса кундан-кунга ортиб бормоқда.

**Инсон муаммосини бир қатор ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий фанлар ўрганади. Жумладан, биология, тиббиёт, филология, тарих, география, ҳуқуқшунослик, фалсафа, маънавият асослари, диншунослик, маданиятшу-нослик, социология, иқтисодиёт назарияси, сиёсатшунослик, педагогика, пси-хология каби қатор фанлар инсонни у ёки бу жиҳатдан тадқиқ қилади, унинг ўзига хос қирраларини очиб беради. Бугунги кунда инсон ҳақидаги умумий фан – *антропология* ҳам жадал ривожланмоқда.**

***Антропология*** (юнончадан *anthropos* - одам, *logos* - *билим,* таълимот) одамни фавқулодда қобилият эгаси сифатида ҳар тарафлама ўрганувчи махсус фан. Антропология - тадқиқот предмети *одам* бўлган илмий билиш соҳаси. За-монавий фанларнинг аксарияти инсон мавзусига мурожаат қилиши сабабли антропология билан мустаҳкам боғланган.

XX аср бошига қадар антропологлар томонидан *одамнинг табиий тари-хи* (одам эмбриологияси, биологияси, анатомияси, психологияси), *одам па-леонтологияси* (одам тарихидан олдинги давр ва ибтидоий одам*), одам этно-логияси* (одамнинг тур сифатида Ерда тарқалаши ва турли қабила, элат ва мил-латлар – халқларнинг урф-одатлари, хулқ-атвори), *одам мифологияси* (динлар-нинг пайдо бўлиш тарихи, ривожланиши ва ўзаро алоқадорлиги), *одам социо-логияси* (турли ижтимоий гуруҳлар ва уюшмаларда кишиларнинг бир-бири би-лан муносабати), *одам демографияси* (одамнинг табиий кўпайиш қонуниятла-ри), *одам тиббий географияси* (одамга атмосфера ва иқлим ҳодисаларининг таъсири ва касалликларнинг географик тарқалиши), *одам лингвистикаси* (тил-ларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ўзаро алоқаси, афсоналар, фольклор) имкон қадар ўрганилган.

“***Антропология***” тушунчаси дастлаб Ғарбий Европа олимлари асарла-рида икки хил маънода: одамнинг *анатомик* (танаси, аъзолари) ва *маънавий* (жони, руҳи, қалби) моҳияти ҳақидаги фан сифатида қараб чиқилган. XVIII аср бошларида “антропология” термини илмий истеъмолга энди кира бошлагани-да “*одам танаси ва жони ҳақида илмий асар*” маъносини англатган.

Кейинчалик бу термин одамни ҳар тарафлама ўрганишни, унинг *биоло-гик, ижтимоий* ва *маънавий* хусусиятлари бирлашувининг умумий шаклини англатган. XIX асрдан бошлаб ҳозирга қадар айрим хорижий мамлакатларда (Буюк Британия, Франция, АҚШ) “*антропология - инсон ҳақидаги умумий фан*” сифатида кенг талқин этилмоқда.

Замонавий антропологияда биологик (табиий-илмий), ижтимоий ва маданий антропологик тузилмалар муҳим аҳамият касб этади.

***Биологик антропология*** биология фанлари тизимида алоҳида ўрин тутиб, одамнинг пайдо бўлиши, эволюцияси ва ирқлари, одам организмининг макон ва замонда ўзгариши қонуниятларини ўрганади.

***Ижтимоий антропология*** мазмунини одам (шахс) ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил қилади.

***Маданий антропология*** предмети одам ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишдан иборат бўлиб, инсоннинг маънавий-маданий ҳаёти ҳақидаги фан сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги кунда антропологик билимлар тизими табақалашиб, унинг қуйидаги инновацион йўналишлари жадал ривожланмоқда:

1) ***антропогенез*** (эволюцион антропология) – антропологиянинг бир бў-
лими бўлиб, одамнинг келиб чиқишини, бошқача айтганда, одамнинг вақт ўти-ши билан тур сифатида ўзгарувчанлигини ўрганади;

2) ***одам морфологияси*** (тузилмавий антропология) – антропологиянинг асосий бўлимларидан бири бўлиб, замонавий одамнинг гавда тузилиши (жисмоний тузилмаси), вақт ва маконда одам танасининг ўзгарувчанлиги, шунинг-дек гавда мучаларининг жузъий ўзгариши қонуниятларини ўрганади;

3) ***ижтимоий антропология*** – антропологиянинг йўналишларидан бири бўлиб, ижтимоий тузилмага эътиборини қаратган ҳолда одам ва одамлар уюшмаси (жамоаси), яъни жамиятда ўрнатилган меъёрий ижтимоий тузум ва фаолиятни ўрганади;

4) ***сиёсий антропология*** - антропологиянинг йўналишларидан бири бўлиб, сиёсий жараёнлар ва жамиятнинг сиёсий институтларини ўрганади;

5) ***иқтисодий антропология*** - антропологиянинг йўналишларидан бири бўлиб, ибтидоий, қадимги ва капитализмгача бўлган жамият хўжалиги ривож-ланишининг муаммоларини ўрганади;

6) ***маданий антропология*** - антропологиянинг йўналишларидан бири бўлиб, маданият акс этишининг барча шакллари ва ривожланишининг барча тарихий босқичларида моддий объектлар, ғоялар, қадриятлар, тасаввурлар ва ахлоқ-одоб (феъл-атвор) моделлари мажмуи ҳақидаги фан*;*

*7)* ***этник антропология*** - антропологиянинг йўналишларидан бири бўлиб, этник уюшмалар (жамоалар) хусусиятларини ўрганади*;*

*8)* ***фалсафий антропология*** – кенг маънода, одамнинг табиати ва моҳи-яти ҳақидаги фалсафий таълимот; тор маънода, турли фанлар – биология, пси-хология, этология, социология, шунингдек дин ва ш.к.

маълумотларини қўл-лаш ва шарҳлаш орқали инсон ҳақида яхлит таълимотни яратишга интилади*;*

9) ***психологик антропология*** - антропологиянинг йўналишларидан бири бўлиб, турли маданий шароитдаги кишилар ҳақида интегратив билимга эга бўлиш мақсадида одам психикасининг этник хусусиятларини, миллий ўзлик (ўз-ўзини англаш) функциялари ва шаклланиши қонуниятларини ҳамда этник турмуш тарзларини ўрганади*;*

*10)* ***педагогик антропология*** - антропологиянинг интегратив йўналиш-ларидан бири бўлиб, одам ҳақида эришилган барча илмий ва фалсафий тасав-вурларга мувофиқ инсон маърифати ва камолоти бўйича мақсадли фаолият қо-нуниятлари, йўллари ва методларини ўрганади.

***Педагогик антропология объекти*** - "одам-одам" муносабати, ***предме-ти*** - маърифий жараён иштирокчиси бўлган бола шахси ҳисобланади. Буни англаш учун, энг аввало, *боланинг кимлиги, унинг табиати қанақалигини* ту-шуниш, билиш талаб этилади.

Педагогик антропология тарбиячидан нафақат педагогика фанини яхши билишни, балки бола, одам ҳақида, унинг билиш жараёни ҳақида, шунингдек, болалар ва катталар, табиат ва жамият ҳаёти ҳақидаги фундаментал билимлар-га эга бўлишни тақозо этади. Болани (одамни) камол топтириш учун, энг авва-ло, унинг *табиатини билиш* керак бўлади, акс ҳолда, барча педагогик ҳаракат-лар бесамар кечади, қуруқ сафсатага айланади. Шу сабабли замонавий педагог қуйидаги тушунчаларга эга бўлиши лозим:

1) ***одам - педагогик антропология предмети*** (одам – тирик биоэнерге-тик мавжудот; одамнинг ижтимоийлиги ва ақл-фаросатга эгалиги; одамнинг маънавийлиги ва ёрдамга муҳтожлиги; одамнинг яхлитлиги ва фикрлари зид-лиги; бола – ривожланаётган одам эканлиги);

2) ***инсон (шахс) камолоти – мунтазам ўрганиш талаб этиладиган ил-мий муаммо*** (одам филогенези ва онтогенези хусусиятлари; инсон камолоти-нинг макон ва замонда кечиши, босқичлари);

3) ***маданият - антропологик тушунча*** ("маданият" тушунчасининг та-рихи; маданият – ижтимоий ҳодиса эканлиги; маданиятли одам ва жамият);

4) ***маърифат - антропологик жараён*** (маърифат (таълим, тарбия) – ин-сон ҳаётининг услуби; маърифат – фаолиятнинг алоҳида тури; мукаммал ан-тропологик педагогик тизимлар; замонавий педагогга қўйилган талаблар).

Педагогик антропология боланинг асл *жисмоний* ва *маънавий* қиёфаси-ни очиб беради ва айни пайтда *одам ҳақидаги билимларни* педагогика учун энг муҳим масалага айлантиради. Педагогик жараённи тушуниш ва ташкил

этиш-да антропологик билимларга таяниш шахсга йўналтирилган педагогик техно-логиялардан онгли, самарали фойдаланишга имкон беради. Демак, педагоги-кадаги етакчи тамойил - *антропологик тамойил*, аптропологик билимлар эса *ўқитувчини касбга тайёрлашнинг ўзаги* бўлиши лозим. Педагогик антропо-логия педагогика биносининг асоси бўлиб, таълим ва тарбия ишларида одам ёки одамлар гуруҳи табиатига таянилади.

Психология, физиология, экология, педиатрия, педагогика каби айрим фанлар камол топаётган инсон шахсига ўз нуқтаи назаридан ёндашади. Бироқ, яхлит ҳолга келтирилмаган (интеграцияланмаган) билимлар мажмуидан муш-кул маърифий масалаларни ечишда фойдаланиш оғир кечади. Шу сабабли шахс онтогенезининг педагогик йўналиши XX асрнинг биринчи ўн йиллигида жадал ривожланган, XX аср охири - XXI аср бошида эса педагогик антрополо-гия шаклига кирган.

Дастлабки педагогик антропологиялаштириш ғояси, маълум бўлишича, Я.А. Коменский ишларида ўз аксини топган. Педагогикага антропологик ёнда-шувни К.Д. Ушинский, А.Ф. Чемберлен, С.Холл, Д.М. Болдуин, В.М.Бехтерев, П.П.Блонский, М.Я.Басов, А.Б. Пинкевич ва бошқалар, XX асрнинг иккинчи ярмида Б.Г.Ананьев, Л.В.Занков, В.В. Давидов каби олимлар жадаллик билан татбиқ этганлар.

***Антропологик ёндашув*** маърифий фаолиятни инсон шахсига йўналти-ришни ўз олдига асосий мақсад ва қадрият қилиб қўйди, деб тушуниш ўринли бўлади. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, инсон шахси ҳар хил таълимотлар асосида турли жиҳатдан ўрганилган. К.Д. Ушинский ўзининг “Педагогик ан-тропология”сида педагогикани “умумий тушунча” сифатида, яъни уни бошқа фанлар билан узвий боғлиқ ва алоқадорликда ўрганиш керак, деб изоҳлаган.

Педагогик антропология учун нафақат инсоннинг мавжудлиги, балки инсон шахсининг шаклланиши, бу жараённинг кечиш шарт-шароитлари му-ҳим ўрин тутади. Инсон - яхлит мавжудот. Шундай экан, педагогик таъсирлар-нинг мураккаб, қийин жиҳатларини билиш ва мажмуий тавсифларни инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини режалаштириш педагогик маҳоратнинг самарали шартларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда педагогик антропо-логия турли таснифларга эга бўлиб, бунда икки хил ёндашув аниқ фарқланади:

1) *педагогик антропология* - инсон ҳақидаги яхлит ва тизимли билим-ларни умумлаштирувчи фан. Бунда унинг предмети, объекти, методлари, мақ-сади, вазифаси ва мазмуни ўзига хос интегратив тарзда шаклланади;

2) *педагогик антрапология* - педагогика назарияси ва амалиётининг асо-си, таълим-тарбия ҳақидаги фанлар методологияси, педагогиканинг ўзига хос ўзаги сифатида талқин этилади.

***Педагогик антропологиянинг вазифалари:***

1) одамнинг шахсга айланиши ва ижтимоийлашиши, қолаверса, турли ёшга мансуб одамларнинг бир-бирига таъсирини тушуниб етиш;

2) инсонпарварликка йўналтирилган маърифий жараённи ташкил этиш қонуниятлари, йўллари, шакллари ва методларини аниқлаш;

3) инсонни ҳам тарбиячи, ҳам тарбияланувчи сифатида эътироф қилиш ва тушуниш;

4) инсон камолотининг турли босқичларида унинг ўқимишлилик – таъ-лим-тарбия олганлик даражасини билиш;

5) инсон ўзининг фикрлаш жараёни қай даражада эканлигини англаши, уни тўғри бошқариши ва педагогик ўзаро таъсирлар натижасини текшира оли-ши ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш;

6) маърифий соҳасида инсонни креатив ривожлантириш шарт-шароит-ларини таснифлаш;

7) антропологик таълим соҳасининг талаблари ва уларни амалга оши-риш йўлларини ишлаб чиқиш.

***Педагогик антропологиянинг етакчи ғоялари:***

1) инсоннинг биологик ва маънавий табиати бир бутунлиги (яхлитлиги);

2) ҳар бир инсондаги умумийлик, ўзгачалик ва алоҳидалик бирлиги;

3) инсонда индивидуаллик (шахсийлик) ва ижтимоийликнинг ўзаро боғ-лиқлиги;

4) инсон камолотида ақлий, аҳлоқий ва физиологик асослар бирлиги;

5) инсоннинг таълим олганлиги ва яхши тарбия кўрганлиги;

6) барча шахсий хусусиятларнинг мослашувчанлиги.

Педагогик антропология педагогик фаолият ўта мураккаблигини аниқ тушунишга имкон беради, чунки субъективлик тушунчаси тарбиячи ва тар-бияланувчининг ўзаро муносабатидаги педагогик тафаккурни тубдан ўзгарти-ради. Педагогик антропология қонуниятлари педагогик амалиётнинг захираси бўлиб хизмат қилади.

***Педагогика*** – ижтимоий ҳаёт ва инсон камолоти ҳақидаги амалий фан. Педагогик билимлар – эсда сақлаш учун дахмаза бўлган, имтиҳон ёки синовни топширгач, унутиб юбориладиган ортиқча нарса эмас. Бу билимлар ўқувчи-талабаларнинг атрофдаги оламни идрок этиш тизимига, амалий тафаккурига, унинг ички дастури ва одатларига чуқур кириб бориши ҳамда

улардан ҳаётий ва касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш воситаси сифатида кенг фойда-ланиш лозим.

Педагогика нафақат таълим соҳаси, балки иқтисодиётнинг бошқа тар-моқлари учун ҳам кадрлар тайёрлаш тизимида ўзига хос ўрин тутади. Педаго-гика бўлғуси мутахассислар шахсида ижодкорлик ва фаоллик фазилатларини шакллантиришга ёрдам беради.

***Педагогика*** – шахсни шакллантирувчи, зиддиятли ва мунозарали фан. Ҳатто машҳур мутафаккир ва олимлар ўртасида ҳам таълим ва тарбияга, маъ-рифат ва маданиятга ёндашувларни баҳолашда айнан бир хил фикрлар, қараш-лар бўлган эмас.

Педагогиканинг тарбиявий имкониятлари жуда катта бўлиб, у бўлғуси мутахассис шахсини шакллантириш ва такомиллаштириш воситаси сифатида намоён бўлади, яъни ўқувчи-талабаларда таҳлил қилиш, лойиҳалаш ва ўзаро мулоқотга киришиш билан боғлиқ қобилиятларни, шунингдек ташкилий, тар-биявий ва дидактик кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

***Педагогиканинг амалий аҳамияти*** шундаки, у бўлғуси мутахассислар-да ўзга кишилар – дўстлари, ҳамкасблари, устоз-мураббийлар, раҳбарлар ва кенг жамоатчилик билан, келгусида эса ўз фарзандлари билан ўзаро мулоқотда бўлиш, муносабатлар ўрнатиш кўникмаларини шакллантиришга имкон бера-ди. Педагогика ўқувчи-талабаларда далилларни таҳлил қилиш, умумлашти-риш, ўзаро таққослаш, ижодий тафаккурни ривожлантириш, назарий билим-ларни амалиётда қўллаш, шунингдек, маърифий жараёнида турли хил қўшим-ча адабиётлар, қомуслар, луғатлар билан ишлаш, маъруза ва рефератлар тай-ёрлаш каби кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Педагогика жуда катта ***ҳаётий*** ва ***умуммаданий*** аҳамиятга эга. Замона-вий киши жамият амал қилаётган ижобий хулқ-атвор одатлари, таълим ва тар-биянинг ташкилий шакллари, ўз юрти ва хориждаги ҳар хил таълим турлари, тарбиявий таъсирларнинг самарали усуллари, ўзаро муносабат услублари, ах-борот узатиш ва ўзаро алмашиш усуллари кабилар ҳақида тизимли маълумот-ларга эга бўлиши лозим. Ота-оналар эса таълим турлари, уларнинг изчиллиги ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак.

Кейинги йиллар тажрибасидан маълум бўлдики, ***маърифат***, ***таълим*** ва ***тарбия*** жамият ва унинг маданий тараққиёт даражасини барқарорлаштириш тизимида марказий бўғинга айланмоқда. Маърифат ( таълим, тарбия) тарихий тараққиёт жараёнида *ижтимоий-маданий ҳодиса* сифатида турли мазмуний (андазавий) ўзгаришларга учраган ва унинг турли намуналари (моделлари) ўзига хос устунлиги билан ажралиб турган.

Масалан, таълим ва тарбиянинг илмий, маданий, технократик, инсонпарвар, болапарвар, антропологик модел-лари маълум бўлиб, уларнинг негизида бу номлар билан боғлиқ бўлган бирор-та таркибий қисм (унсур) устунлик қилади. Хусусан, илмга асосланган таъ-лим-тарбия моделида *илмийлик* тамойили, инсонпарварликка асосланган тäл-им-тарбия моделида *инсонпарпарлик* тамойили марказий ўрин тутади.

Демак, ***педагогиканинг аҳамияти*** унинг жуда кенг тушунча сифатида бир қанча маъноларни англатишида намоён бўлади:

1.***Педагогиканинг ҳаётий аҳамиятга эгалиги***. Ҳар бир шахс, ким бўли-шидан қатъий назар, ҳаёти давомида педагог вазифасини бажаради, яъни ўз фарзандлари, оила аъзоларига таълим беради, уларни тарбиялайди, ишда ҳам-касбларига таъсир кўрсатади, ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланади.

2.***Педагогиканинг амалий аҳамиятга эгалиги***. Педагогика ўқувчи-ёш-ларни мустақил ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш мақсадида катта авлодларнинг иж-тимоий-маданий тажрибасини кичик авлодга етказиш билан боғлиқ инсон фаолияти соҳаларидан биридир. Бунда ўзбек халқ педагогикасининг педагогик маҳорат ва тарбия санъати билан ўзаро боғлиқлиги муҳим ўрин тутади. Зеро, педагогик фаолиятнинг олий кўриниши бежиз *санъат* деб аталмайди.

3.***Педагогиканинг фан, айни пайтда, инсоншунослик соҳаси (педаго-гик антропология) сифатида тушунилиши***. Педагогика табиий, ижтимоий ва бошқа ўзига хос омиллар бирлигида инсон камолотини бошқариш усулла-рини татқиқ этади ва такомиллаштиради. Шу сабабли педагогик назариялар, концепциялар, моделлар, методика ва технологиялар ривожланаётган шахс ҳа-қидаги бир бутун ва тизимли билимлар асосида шаклланади. Унга психология, фалсафа, тарих, социология каби инсон ҳақидаги фанлар кўмагида эришилади.

4.***Педагогиканинг ўқув фани сифатидаги аҳамияти***. Бу бўлғуси педа-гоглар ўрганадиган “Педагогика” ўқув фанида таълим, тарбия ва шахс камоло-тининг назарий ва амалий жиҳатлари қамраб олинганлигида намоён бўлади.

5.***Педагогиканинг гуманитар билимлар тармоғи сифатида муҳим ўрин тутиши ва ижтимоий ҳаётнинг умуммаданий қатламига кириши***. Педагогика катта ёшли инсонларнинг педагогик маданиятида, бўлғуси мута-хассисларнинг психологик-педагогик компетенциясида намоён бўлади.

Демак, маърифат, таълим ва тарбия ҳар бир одам учун унинг маълумоти ва касбидан қатъий назар - одатдаги ҳол, кундалик ишдир. Ҳар бир инсон уму-мий маданиятнинг таркибий қисми сифатида *педагогик*

*маданият* асосларини ҳам эгаллашга мажбур. Шу нуқтаи назардан:

1) ***педагогика*** - аниқ педагогик тизим доирасида инсон камолотини таъминловчи педагогик жараён ҳақидаги фан;

2) ***маърифат, таълим*** ва ***тарбия*** тушунчалари педагогиканинг асосий категориялари ҳисобланади;

3) ***педагогика*** шахсни ривожлантирувчи фан сифатида очиқ тизимга эга;

4) ***педагогика*** инсоншунослик фанлари тизимида одамнинг ахборотлар олиш ва узатиш, уни миллий ва умуммаданий қадриятлар билан таништириш усуллари ва йўллари ҳақидаги гуманитар фанлар тармоғига мансуб;

5) ***педагогика*** фан сифатида ўз предметига эга бўлиб, фалсафа, психология, физиология, социология билан мустаҳкам боғланган;

6) ***педагогика назарияси ва амалиёти*** ўзаро узвий боғлиқликда инсоншунослик моҳиятига объектив мос келади.

## 2. Педагогиканинг объекти, предмети ва вазифалари

Замонавий фанларда тадқиқот объекти ва предметини ажратиб кўрсатиш қабул қилинган. *Объект* – воқеликнинг аниқ бир фан тадқиқ этадиган со-ҳаси*, предмет* – бу объектни тегишли фан нуқтаи назаридан кўриш усули.

***Педагогиканинг объекти*** – ижтимоий воқеликда одам ҳаёти ва фаолия-ти туфайли вужудга келган *маърифат* (*таълим, тарбия*) соҳаси, ***предмети*** – одамнинг умри давомида унинг камол топишини таъминлайдиган *педагогик жараёнлар* (таълим, тарбия, мустақил ўқиш, ўзини-ўзи тарбиялаш ва ш.к.) ҳи-собланади (3.1-расм). Демак, ***педагогика фани*** маърифат, яъни таълим ва тар-бия воситасида ҳар томонлама ривожланган *баркамол шахс – комил инсонни* шакллантириш жараёни ва унинг самарали шарт-шароитларини ўрганади.

***Педагогиканинг вазифалари****:*

1) маърифат, таълим, тарбия, шахс камолоти ва бу жараёнларни бошқариш қонуниятларини очиш;

2) педагогик фаолият амалиёти ҳамда бу борадаги инновацион тажриба-ларни ўрганиш, умумлаштириш;

3) таълим ва тарбия тизимларини, бошқача айтганда, маърифий тузилмаларнинг янги методлари, воситалари ва шаклларини ишлаб чиқиш;

4) маърифий, таълимий ва тарбиявий тизимларнинг келгуси тараққиёти-ни башорат қилиш;

5) илмий-педагогик тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш.

***Педагогика – маърифат (таълим, тарбия) ва шахс камолоти ҳақида-ги фан***. Бошқача айтганда*, педагогика фани* таълимий ва тарбиявий тартибот-лар воситасида ёш авлодни ва катта ёшли одамларни шахсий ва касбий камолотининг барча даврларида тарбиялаш, илм-маърифатли қилиш масала-лари билан шуғулланади. Айни пайтда, таълим ва тарбия методикасининг назарий асоси ҳисобланади (3.2-расм).

Педагогика фани моҳиятан учта ***асосий назарияни***, яъни *таълим* назарияси (дидактика), *тарбия* назарияси ва *педагогик менежмент* (бошқариш) назариясини ўз ичига қамраб олади.

Педагогика фанининг ***ривожланиш манбалари*** қуйидагилар ҳисобланади:

1) таълим-тарбия борасидаги амалий тажрибалар;

2) фалсафий, педагогик ва психологик адабиётлар;

3) Ғарб ва Шарқ, жаҳон ва ватанимиздаги замонавий таълим-тарбия ама-лиёти;

4) илмий-педагогик тадқиқотлар натижалари;

5) ташаббускор педагогларнинг иш тажрибалари.




3.1-расм. **Педагогиканинг объекти, предмети ва вазифалари**




3.2-расм. **Педагогиканинг асосий назариялари ва ривожланиш манбалари**

## 3. Педагогика фанлари тизими, унинг бошқа фанлар билан интеграцияси

Ҳар қандай фан ривожланиш жараёнида ўз назариясини бойитиб боради ва унда энг муҳим тадқиқий йўналишлар илмий табақалашади. Бу педагогика фанига ҳам таaллуқлидир. Ҳозирги вақтда “Педагогика фани” тушунчаси қу-йидаги яхлит ***педагогика фани тузилмаси***, яъни тармоқларини бир бутун акс эттиради (3.3-расм):

1. **Маърифат ва педагогика тарихи** (маърифат, таълим ва тарбия наза-рияси ва амалиётининг бирлигида қараб чиқиладиган умумжаҳон тарихий-пе-дагогик жараёни, яъни турли тарихий даврларда педагогик ғоялар, назариялар ва маърифий тизимларнинг ривожланишини ўрганади).

2. **Умумий педагогика** – педагогика фанининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, таълим ва тарбиянинг умумий қонуниятларини тадқиқ этувчи, барча турдаги маърифий муассасаларида ўқув-тарбия жараёнининг умумий асосларини ишлаб чиқувчи таянч илмий фан. У қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1) ***педагогик фаолиятга кириш*** (касбий педагогик фаолият моҳиятини ўрганади);

2) ***педагогиканинг умумий асослари*** (педагогиканинг асосий категория-лари ва тушунчаларини, педагогик қонунлар, қонуниятлар, қоидалар ва тамо-йилларни ўрганади);

*3)* ***дидактика - таълим назарияси ва амалиёти*** (таълим қонуниятлари, хусусан, ўқитиш ва билимларни эгаллаш, кўникма, малака ва компетенциялар-ни шакллантириш, шунингдек ҳар хил ўқув машғулотларининг тарбиявий им-кониятларини ўрганади);

4) ***тарбия назарияси ва амалиёти*** (махсус ташкил этилган яхлит тар-бия жараёни ва тарбиявий ишларнинг асосий турларини (йўналишларини), яъни ақлий, ахлоқий, экологик, эстетик, жисмоний тарбия ва ш.к.ни ўрганади);

5) ***педагогик менежмент*** **ёки** ***маърифий тизимни бошқариш ва таш-кил этиш назарияси*** (ўқув-тарбия муассасалари ва уларнинг тизимини уму-мий ташкил этиш муаммоларини ўрганади);

3. **Ёш педагогикаси** – турли ёш даврларида шахс таълими ва тарбияси-нинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганади. Шахс камолоти босқичлари ва ёш хусусиятларига боғлиқ равишда ёш педагогикасининг қуйи-даги тармоқлари фарқланади:

1) ***мактабгача педагогика*** (мактаб ёшига етмаган болаларнинг ривож-ланиши, шаклланиши, таълими ва тарбияси қонуниятларини ўрганади);




3.3-расм. **Педагогика фанининг тузилмаси**

2) ***мактаб педагогикаси*** (мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш ва тарбия-лашнинг назарий ва амалий асослари, тамойиллари, методлари, шакллари ва воситаларини ишлаб чиқади. Мактаб педагогикасида кичик мактаб ёши (бош-ланғич мактаб) педагогикаси, ўрта мактаб ёши педагогикаси ва катта мактаб ёши педагогикаси фарқланади);

3) ***андрогогика*** (катта ёшлилар таълими ва тарбияси масаласини ўргана-ди);

4) ***геронтогогика*** (кексалик педагогикаси, яъни кексайган, қарий бошла-ган чоғда яшаш қобилиятини сақлаш, шахсий ҳаётни таъминлаш учун янги би-лим ва кўникмалар эгалланишини, масалан, компьютер ва интернетдан фойда-ланишни ўрганади).

4. **Махсус педагогика** – жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий асослари, тамойиллари, методлари, шакллари ва воситаларини ишлаб чиқади. Махсус педагогика “де-фектология”, “коррекцион педагогика” деб ҳам юритилади. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1) ***сурдопедагогика*** (кар-соқов (гунгалак) ва кар болалар ҳамда катта ёшли одамларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий асосларини ўрганади);

2) ***тифлопедагогика*** (кўрлар ва заиф кўрадиган болалар ва катта ёшли кишиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий асосларини ўргана-ди);

3) ***олигофренопедагогика*** (ақли заиф болалар ва катта ёшли кишиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий асосларини ўрганади);

4) ***логопедия*** (нутқи бузилган болалар ва катта ёшли кишиларни ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади, нутқ камчиликларининг намоён бўли-ши ва табиатини, нутқ ривожланишидаги оғишлар (четга чиқишлар) сабабла-ри ва механизмларини тадқиқ этади, уларни бартараф этиш тамойиллари ва методларини ишлаб чиқади).

5. **Касб-ҳунар педагогикаси** – инсонни аниқ бир касбий фаолият соҳаси бўйича ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятлари, тамойиллари ва технологиялари-ни ўрганади ҳамда ишлаб чиқади. Касб-ҳунар таълими босқичлари, даражала-ри ва мутахассис тайёрлаш соҳасига (тармоғига) боғлиқ ҳолда унинг қуйидаги икки қисми ажратиб кўрсатилади:

**а) касб-ҳунар таълими босқичлари, даражалари бўйича**:

1*) **бошлангич профессионал таълим педагогикаси*** (касб-ҳунар мактаб-ларида бошланғич профессионал таълим дастурлари бўйича касбга тайёрлаш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқади);

2) ***ўрта профессионал таълим педагогикаси*** (коллежларда ўрта профессионал таълим дастурлари бўйича касбга тайёрлаш назарияси ва амалиёти-ни ишлаб чиқади);

3) ***ўрта махсус профессионал таълим педагогикаси*** (техникумларда ўрта махсус профессионал таълим дастурлари бўйича касбга тайёрлаш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқади);

4***) олий профессионал (касбий) таълим педагогика*** (олий таълим муас-сасаларида олий профессионал таълим (бакалавриат, магистратура) дастурла-ри бўйича касбга тайёрлаш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқади);

5) ***меҳнат (ишлаб чиқариш) педагогикаси*** (ишлаётган ходимларни меҳнат жамоасида ўқитиш ва малакасини ошириш, уларни ишлаб чиқаришнинг янги воситаларига қайта мослаштириш, янги касбларга қайта ўқитиш (тайёрлаш) қонуниятларини ўрганади);

**б) мутахассислар тайёрланадиган соҳалар (тармоқлар) бўйича**:

1) ***муҳандислик педагогикаси*** (муҳандис кадрлар тайёрлашнинг самара-ли педагогик тизимини лойиҳалаштиради, қонуниятларини очади, педагогик технологияларини ишлаб чиқади);

2) ***спорт педагогикаси*** (фан сифатида спорт фаолиятидаги таълим-тарбиянинг мақсади, мазмуни ва қонуниятларини ўрганади);

3) ***юридик педагогика*** (ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашнинг самарали пе-дагогик тизими, қонуниятлари ва технологияларини ишлаб чиқади);

4) ***ҳарбий педагогика*** (ҳарбий ўқув муассасалари ва ҳарбий мутахассис-лик ўрганиладиган қуролли кучлар қисмларида ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг қонуниятлари, назарий асослари, тамойиллари, методлари ва шаклларини ишлаб чиқади. Ҳарбий педагогика қоидалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимида ҳам учрайди);

5) ***тиббий педагогика*** (соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт ходимларини ўқитиш ва тарбиялашнинг қонуниятлари, тамойиллари, методлари ва шаклларини ишлаб чиқади);

6. **Ижтимоий педагогика** – жамиятнинг шахс ривожланиши ва камоло-тига таъсири муаммолари, болалар ва катталарни ижтимоийлашиш жараёнида тарбиялаш, уларга ижтимоий таълим бериш қонуниятлари ва мактабдан таш-қари таълим ва тарбиянинг  назарий ва амалий масалаларини ўрганади. Ижти-моий педагогиканинг қуйидаги тармоқлари фарқланади:

1) ***оила педагогикаси*** (оила тарбияси ҳақидаги фан бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган имкони-

ятларини (манбаларини) ўрганади, бола шахсини тўғри шакллантириш бўйича ота-оналар учун илмий тавсиялар ишлаб чиқади);

2) ***меҳнат жамоалари педагогикаси*** (меҳнатга онгли муносабатни, кас-бий камолотга интилишни ва топширилган ишга ижодий муносабатни тарбия-лаш, умумий маданиятни шакллантириш, ўз-ўзини бошқаришни ривошланти-риш каби масалаларни ўрганади);

3) ***пеницenциар (ахлоқ тузатиш) педагогикаси*** (жазони ижро этиш ёки ахлоқ тузатиш муассасаларида қонунни бузган шахсларни ўқитиш ва қайта тарбиялаш муаммоларини ўрганади).

7. **Даволаш педагогикаси** – педагогларнинг заиф ва касал ўқувчилар билан таълим-тарбиявий фаолияти тизимини ишлаб чиқади.

8. **Этнопедагогика** – халқ педагогикаси, яъни анъанавий миллий тарбия тажрибасини (амалиётини) ўрганади.

9. **Қиёсий педагогика** – дунёнинг турли мамлакатларидаги таълим-тар-бия тизимларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини топиш йўли билан улар-нинг мазмуний ва ташкилий хусусиятларини ўрганади, таққослайди ва ажра-тиб кўрсатади.

10.**Хусусий методикалар** (барча турдаги ўқув-тарбия муассасаларида муайян ўқув фанларини ўқитиш ва ўрганишнинг хусусий қонуниятларини ўрганади ва уларнинг технологик мажмуини ишлаб чиқади.

11. **Маърифат (таълим-тарбия) фалсафаси ва методологияси** (маъ-рифатнинг моҳиятини тушунишда фалсафий таълимотларнинг тутган ўрнини, маърифий мақсадлар ва уларни амалга ошириш йўлларини аниқлашга имкон берувчи асосий ёндашувларни, педагогика методологияси, яъни педагогик тадқиқот методлари, методикаси ва техникасини ўрганади, таълим ва тарбия-нинг мафкурасини белгилайди).

Педагогик муаммоларини тадқиқ қилиш фанлараро ёндашувни ва инсон ҳақидаги бошқа фанлар маълумотларидан кенг фойдаланишни талаб қилади. Педагогиканинг пайдо бўлиши ва шаклланишига фалсафа, психология, биоло-гия, антропология, тиббиёт, социология, сиёсатшунослик каби фанлар катта таъсир кўрсатган ва улар педагогика билан мустаҳкам боғланган.

Педагогиканинг ***бошқа фанлар билан алоқадорлигини*** тўрт хил шаклда ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) педагогиканинг бошқа фанлардаги ғоялар, назариялар ва умумлашган хулосалардан фойдаланиши;

2) педагогиканинг бошқа фанлардаги тадқиқот методларини ижодий ўз-лаштириши;

3) педагогиканинг бошқа фанлардаги тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиши;

4) педагогиканинг инсонни мажмуий тадқиқ этишда иштирок этиши.

Педагогиканинг ***фалсафа*** билан ўзаро алоқадорлиги маҳсулдор бўлиб, энг узоқ вақтлардан бери узлуксиз давом этмоқда. Зеро, фалсафий ғоялар педа-гогик концепциялар ва назарияларнинг яратилишига методологик асос бўлиб хизмат қилади ва инсоннинг оламда тутган ўрнини тушунишга имкон беради. Педагогик изланишларнинг йўналишлари тадқиқотчилар таянадиган фалса-фий қарашлар тизимига бевосита ва билвосита боғлиқдир.

Педагогиканинг ***психология*** билан алоқадорлиги анъанавий бўлиб, шахс ривожланиши ва камолоти иккала фан учун ҳам умумий ўрганиш объекти ҳи-собланади. Барча машҳур педагоглар инсон табиатининг хусусиятларини, та-биий эҳтиёжлари ва имкониятларини тушунишда ҳамда таълим-тарбия ишла-рини ташкил этишда шахснинг руҳий (психик) фаолияти, ривожланиши ва ка-мол топиши қонунларини инобатга олиш шарт, деб ҳисоблаганлар.

Инсон камолотида табиий ва ижтимоий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва нисбати педагогиканинг марказий муаммоларидан бирига айланган. Бу масала одамнинг табиий, ўзига хос тарзда ривожланишини ўрганувчи ***биология*** учун ҳам ғоят муҳимдир. Шунингдек, педагогика биологиянинг муҳим тармо-ғи – одам организми фаолияти ҳақидаги фан - ***физиология*** билан мустаҳкам боғланган. Зеро, таълим олувчиларнинг жисмоний ва психик (руҳий) ривожла-нишини бошқариш механизмларини тушуниш учун энг аввало одам организ-мининг, айрим аъзолари ва тизимларининг фаолият кўрсатиш қонуниятларини билиш талаб этилади. Олий асаб тизими қонуниятларини билиш шахсни энг мақбул камол топтиришга имкон берувчи ривожлантирувчи ва ўргатувчи таъ-лим технологияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Педагогика одамни табиий-биологик ва ижтимоий-маданий мавжудот сифатида ўрганар экан, инсон ҳақидаги билимларни умумлаштирувчи ***антро-пология*** фанининг имкониятларига таянади.

Педагогиканинг ***тиббиёт*** билан алоқаси туфайли ривожланишида туғма ва орттирилган оғишлар бўлган нуқсонли болаларга таълим-тарбия бериш масаласини ўрганувчи коррекцион (махсус) педагогика вужудга келган.

Педагогиканинг ***социология*** билан боғлиқлиги таълим-тарбия ишларини режалаштиришда, аҳолининг у ёки бу гуруҳлари ёки қатламлари ривожланишининг асосий йўналишларини ҳамда шахсни ижтимоийлаштириш қонуниятларини аниқлашда намоён бўлади. Социологик тадқиқотларнинг натижалари педагогик ҳодисаларни баҳолашга ёрдам беради

Педагогиканинг ***сиёсатшунослик*** билан боғлиқлиги шу билан шартланганки, таълим-тарбия сиёсати ҳамиша жамиятда ҳукмрон бўлган мафкура-нинг ифодаси ҳисобланади.

Педагогика билан ***иқтисодий фанлар*** ўртасидаги муносабат бирмунча мураккаб. Иқтисодий сиёсат ҳамиша жамиятнинг ўқимишлилик даражасини юксалтириш шарти бўлиб келган. Педагогиканинг ривожланишида бу соҳада-ги илмий тадқиқотларни иқтисодий рағбатлантириш муҳим омил саналади. Бу фанларнинг ўзаро алоқадорлиги таълим ва тарбия соҳасида иқтисодий қонун-лар қўлланилишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган таълим-тарбия иқтисодиёти каби билим соҳасининг ажралиб чиқишига олиб келган.

Педагогика билан ***математика*** ва ***кибернетика*** ўртасидаги боғлиқлик (эҳтимоллар назарияси, математик статистика, автоматлаштириш назарияси) замонавий педагогик муаммоларни мазкур фанлар ёрдамида ҳал этишда ўз ак-сини топади (масалан, таълим жараёнини моделлаштириш, дастурлаштирил-ган таълим ва ҳ.к.).

Шунингдек, ***адабиёт***, ***тарих***, ***география***, ***экология*** каби фанлар ҳам педагогика билан бевосита ва билвосита боғланган.

Бугунги кунда педагогиканинг бошқа фанлар билан интеграцияси жара-ёнида қуйидаги ***замонавий тармоқлари*** жадал ривожланмоқда (3.4-расм):




3.4-расм. **Педагогиканинг замонавий тармоқлари**

• ***педагогик аксиология*** (маърифий қадриятларни инсоннинг ўзини-ўзи қадрлаши нуқтаи назаридан қараб чиқади ва унга таянган ҳолда маърифатга қадриятли ёндашувни амалга оширади, шунингдек маърифий қадриятлар, уларнинг табиати, вазифалари ва ўзаро муносабатларини ўрганади);

• ***педагогик акмеология*** (ўқитувчи касбий маҳоратининг қирралари ва даражаларини, шунингдек шахсий ва касбий баркамоллик (етуклик) чўққиларига чиқиш шарт-шароитлари ва қонуниятларини ўрганади);

• ***педагогик инноватика*** **(педагогик инновацияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганади, шунингдек педагогик анъаналар билан истиқболдаги маърифий лойиҳаларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди);**

• ***нейропедагогика*** (олий асаб тизими ташкил этилишининг индивидуал хусусиятлари ҳақидаги билимлардан фойдаланган ҳолда амалий педагогик ва-зифаларни энг мақбул тарзда ижодий ҳал этиш масаласини ўрганади);

• ***педагогик квалиметрия*** (педагогик фаолият ва педагогик инновация-лар сифатини миқдорий баҳолаш методологияси ва муаммоларини ўрганади);

• ***бадиий педагогика*** - *артпедагогика* (педагогика ва санъатнинг бирла-шувига асосланган ҳолда санъат воситасида шахсни ривожлантириш ва камол топтириш қонуниятларини ўрганади ва унинг мусиқий педагогика, театр педа-гогика каби йўналишлари фарқланади);

• ***экологик педагогика*** (экологик дунёқараши, экологик онги ва мадания-ти билан ажралиб турадиган экологик шахсни шакллантириш қонуниятларини ўрганади);

• ***музей педагогикаси*** (музейлар тарихи, маданий-маърифий фаолияти, уларнинг турли тоифадаги ташриф қилувчиларга таъсир кўрсатиш методлари, музейларнинг таълим-тарбия муассасалари билан ўзаро алоқаси каби масала-ларни ўрганади).

## 4. Педагогика методологияси ва асосий методологик ёндашувлар

“***Методология***” (юнонча methodos – тадқиқот ёки билиш йўли, logos – тушунча) термини илмий луғат таркибида бир неча маъноларда қўлланилади:

1) *методология* – билишнинг илмий методлари ҳақидаги таълимот;

2) *методология* – бирор-бир фанда қўлланиладиган методлар мажмуи;

3) *методология* – назарий ва амалий фаолият тузилмаси, унинг ташкил этилиш тамойиллари ва услублари тизими.

Методологиянинг икки поғонаси фарқланади:

*I поғона* – амалий фаолият даражаси;

*II поғона* - илм-фан даражаси.

Методология ўзининг ***I поғонасида*** фаолият тузилмаси, унинг мантиқий ташкил этилиши, методлари ва воситалари ҳақидаги таълимот сифатида намо-ён бўлади, ***II поғонасида*** илмий билишни ташкил этиш тамойиллари, шакл-лари ва методлари ҳақидаги таълимот сифатида қараб чиқилади.

***Педагогика фани методологияси*** – 1) педагогик воқеликни билиш ва қайта ўзгартириш тамойиллари, методлари, шакллари ва чора-тадбирлари ҳа-қидаги таълимот; 2) воқеликни педагогик билиш ва қайта ўзгартириш ҳақида-ги назарий қоидалар мажмуи. Келтирилган таърифларда педагогик воқеликни билиш воситалари билан уни қайта ўзгартириш технологияларининг уйғунла-шуви ўз аксини топади.

Педагогика фанида ҳам бошқа фанлар каби методологияларнинг бир-би-рига поғонали (босқичли) бўйсуниши мавжуд (3.5-расм):

1) ***умумилмий методология*** - материалистик диалектика, билиш наза-рияси, мантиқ;

2) ***хусусий-илмий методология*** – педагогика ёки бошқа фанлар методо-логияси;

3) ***мавзуий методология*** – масалан, педагогикада дидактика методоло-гияси, таълим мазмунини танлаш методологияси, биология ўқитувчиларининг малакасини ошириш методологияси ва ш.к.

***Педагогика методологиясининг функциялари (вазифалари)***:

1) ***гносеологик (билиш) функцияси*** – ушбу функциянинг амалга ошиши ўрганилаётган педагогик ҳодисалар ва жараёнларнинг *тавсифи* (нимадан ибо-рат?), *сабаби* (нима учун шундай?) ва *оқибати* (нима бўлади?) қандайлигини таъминлайди;

2) ***праксеологик (қайта ўзгартириш) функцияси*** – мақсадларни белги-лаш ва қўйилган маърифий (таълимий, тарбиявий) мақсадларга эришиш йўл-лари, усуллари ва технологияларининг конструктив (амалий) тавсифини ҳамда натижаларнинг педагогик амалиётга татбиқ этилишини таъминлайди. Мазкур функциянинг амалга ошиши педагогикани татбиқий фанга айлантиради ва унинг амалий аҳамиятини очиб беради;

3) ***аксиологик (баҳолаш) функцияси ёки педагогика фанининг ривож-ланишини текшириш функцияси*** – ушбу функциянинг амалга ошиши педа-гогик моделлар, қайта ўзгартиришлар, инновациялар ва шу кабиларни баҳо-лаш тизими ва самарадорлик мезонларини ишлаб чиқишга имкон беради;

4) ***рефлексив (таҳлилий) функцияси*** – педагогика фани тараққиёти на-тижаларини таҳлил қилиш ва тушунишга, педагогик тадқиқот методлари тизи-мини такомиллаштиришга, яъни педагогика фанининг ўзини ўрганишга қара-тилган;

5) ***меъёрий (кўрсатмали) функцияси*** – “нима қандай бўлиши керак”ли-гини кўрсатади;

6) ***эвристик (ижодий) функцияси*** – назарий ва амалий муаммоларни шакллантириш ва уларнинг ечимларини излашдан иборат бўлиб, педагогиканинг фан сифатида функциялари амалга оширилади.

Шундай қилиб, ***педагогика методологиясининг умумий вазифалари*** қуйидагиларни ўз ичига олади:




3.5-расм. **Педагогика методологиясининг функциялари ва асосий методологик ёндашувлар**

1) педагогика предметини ва унинг бошқа фанлар орасида тутган ўрнини аниқлаш;

2) педагогик тадқиқот муаммолари мажмуини аниқлаш;

3) педагогик воқелик ҳақидаги билимларни ахтариб (излаб) топиш тамо-йиллари ва усулларини, уларни қайта ўзгартириш ва шарҳлаш (изоҳлаш) ме-тодларини аниқлаш;

4) педагогик назариянинг тузилмаси, вужудга келиши ва ривожланиши усулларини ўрганиш;

5) фан ва амалиётнинг бир-бирига самарали таъсир кўрсатиши шарт-ша-роитларини аниқлаш, фан ютуқларини педагогик амалиётга жорий этишнинг асосий йўлларини топиш;

6) педагогик концепцияларни таҳлил қилиш ва текшириш.

Педагогика фанлари тараққиётининг энг муҳим хусусиятларидан бири ***фан методологияси*** билан ***амалиёт методологияси*** ўзаро боғлиқ ҳолда узвий ривожланиши ҳисобланади. Зеро, *фан методологияси* амалиётчи педагоглар учун педагогик вазифаларни ҳал этиш шарт-шароитлари, йўлйўриқлари ва усулларини аниқлаб беради, *амалиёт методологияси* педагог олимларни методологик мажмуларнинг мақсадга мувофиқлиги, педагогик воқеликни қай-та ўзгартириш технологиялари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди.

Педагогикада фан ва амалиёт методологияларининг ўзаро шартланганлиги илмий-амалий муаммолар ечимини назарий-татбиқий таъминлашга ҳамда исталган назарий ва амалий педагогик тадқиқотнинг методологик мажмуи-ни ишлаб чиқишга имкон беради. Фан ва амалиёт методологиясининг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши педагогик амалиётга *инновацияларни* жорий этиш имкониятини яратади.

***Педагогикадаги асосий методологик ёндашувлар*** (2.10-расм):

1) ***тизимли ёндашув*** – мураккаб педагогик объектларни яхлит тадқиқ этишда фойдаланилади ва ўзаро боғлиқ қуйидаги таркибий қисмлар тизимини ифодалайди: а) педагогик жараённинг мақсади; б) ўқитувчи фаолияти; в) педа-гогик жараённинг мазмуни, методлари, шакллари ва воситалари; г) ўқувчи фаолияти; д) педагогик жараённинг натижаси. Педагогик объектни тизимли ёндашув нуқтаи назаридан ўрганиш объектнинг ички ва ташқи алоқалари ва боғланишларини таҳлил қилишни, унинг барча таркибий қисмларини ўрни ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишни англатади. Тизимли ёнда-шувни амалга оширишнинг моҳиятини очиб берувчи асосий *тамойиллар* қуйидагилардан иборат:

• тизим ичидаги ҳар бир таркибий қисм, хусусият ва муносабатларнинг бир бутунлик ичида тутган ўрни ва вазифаларига боғлиқлигини акс эттирувчи *яхлитлик тамойили*;

• тизимни унинг таркибий қисмлари ўртасидаги боғланишлар ва муно-сабатлар мажмуини очиш орқали тавсифлашга имкон берувчи *тузилмавийлик тамойили*;

• тизимнинг ташқи ва ички омиллари *ўзаро боғлиқлиги тамойили*;

• объектни уч жиҳатдан, яъни мустақил тизим сифатида, юқори даража-ли тизимнинг таркибий қисми сифатида, тизимнинг таркибий қисмларига нис-батан юқори иерархик даражадаги тизим сифатида кўриб чиқишни назарда ту-тувчи *иерархия тамойили;*

• тизимли объектни тавсифлаш учун бир неча моделлар яратиш зарурли-гини англатадиган *тизим тақдимотининг бир талайлик тамойили*;

• тизимни ва унинг таркибий қисмларини нафақат статик (турғун), бал-ки динамик (ўзгарувчан) тизим сифатида ўрганишни талаб қилувчи *тарихий-лик тамойили*.

*Тизимли ёндашувнинг асосий вазифаси* – педагогик жараёнда барча тар-кибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олишдан иборат;

2) ***шахсиятли ёндашув*** – одамнинг шахс сифатида ижтимоий фаол ва ижодий моҳияти ҳақидаги тасаввурни юзага келтиради ва шахсни ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули, маданият соҳиби сифатида эътироф қилади. Шах-сиятли ёндашиш педагогик жараён тузилмасида, уни амалга оширишда *шахс-га мўлжал* олишни ифодалайди. Бу тамойил шахснинг беқиёслигини, унинг ақлий-ахлоқий эркинлигини, ҳурматга лойиқлигини талаб этади. *Асосий вази-фаси* - педагогик жараёнда шахс иқтидорининг табиий ривожланишига, унинг ижодий имкониятларига таяниш ва бунинг учун тегишли шарт-шароитлар яра-тиб беришдан иборат;

3) ***фаолиятли ёндашув*** – фаолият шахс камолотининг асоси, воситаси ва омили ҳисобланади. Бу далил педагогика фани ва амалиётига шахс фаолия-ти нуқтаи назаридан ёндашиш заруратини келтириб чиқаради. Фаолиятли ён-дашиш татқиқ этилаётган объектни фаолият тизими доирасида қараб чиқишни назарда тутади. Фаолият - шахснинг ўз-ўзига ва оламга бўлган муносабатида ўз ифодасини топадиган фаоллик шаклидир. Фаолият - одам ва жамиятнинг мавжудлик, ривожланиш усули бўлиб, табиат ва ижтимоий воқеликни, хусу-сан, одамни қайта ўзгартирувчи кўп жиҳатли жараёндир. Одамни қайта ўзгар-тириш учун унинг ҳатти-ҳаракати ва фаолияти мўлжалларини ўзгартириш за-рур бўлади. Хусусан, ўқиш, ўйин, мулоқот, меҳнат фаолияти бола шахсини шакллантириш ва камол

топтиришнинг энг муҳим омиллари ҳисобланади. *Асосий вазифаси* – педагогик жараёнда мақсадга мувофиқ фаолият турларини танлаш ва уларнинг самарали ташкил этилишини таъминлашдан иборат;

4) ***диалогик (мулоқотли) ёндашув*** – шахс – жамоавий, биргаликдаги ўзаро фаолиятга бўлган эҳтиёжлар асосида кишилар ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатилиши ва ривожланиши жараёнининг маҳсули ва натижасидир. Шу сабабли шахс ижтимоий гуруҳлар ўзаро алоқадорлигининг субъекти (соҳиби) сифатида ўзига хос муносабатлар тизимида қараб чиқилади. *Асосий вазифаси* – педагогик жараёнда инсоний муносабатларга имконият яратиш, жамоа руҳиятини тартибга солиш, субъектларнинг психологик-педагогик бирли-гини таъминлашдан иборат;

5) ***аксиологик (қадриятли) ёндашув*** – назария ва амалиёт ўртасида ўзи-га хос “кўприк” вазифасини ўтайди, яъни билишнинг амалий ва мавҳум-наза-рий даражалари билан атрофдаги оламга (жамиятга, табиатга, маданиятга, ўз-ўзига) муносабат ўртасидаги алоқа механизми вазифасини бажаради. Мазкур ёндашиш инсоннинг ҳаётий қадриятлари, таълим-тарбия ва педагогик фаолият жамиятда ҳақиқатан тан олиниши ва амалга ошишини ифодалайди. *Асосий вазифаси* – педагогик жараёнда инсоний қадриятларга асосланган таълим-тар-бия амалиётини такомиллаштириш ва шу асосда педагогика фанларини ри-вожлантириш;

6) ***маданиятшунослик ёндашуви*** – қадриятлар ҳақидаги таълимотга асосланади ва одамнинг маданият билан объектив муносабатини ифодалайди. Ҳар қандай одам муайян маданиятнинг бир қисмини ўзида сақлайди. У ўзи ўз-лаштирган маданият асосида нафақат ривожланади, балки унга янгиликлар ҳам киритади, яъни маданият ижодкорига айланади. *Асосий вазифаси* – педа-гогик жараёнда маданий оқимнинг иштирок этишини таъминлаш, маданий ижодкорликни фаоллаштиришдан иборат;

7) ***антропологик ёндашув*** – педагогик жараён тузилмаси ва уни амалга оширишда инсон ҳақидаги фанлар маълумотларидан тизимли фойдаланиш. *Асосий вазифаси* – одамнинг барча жиҳатлари ва муносабатларини мажмуий билиш асосида педагогик жараённи ташкил этиш;

8) ***этнопедагогик ёндашув*** - педагогик жараённи миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятга таянган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш. Бо-ла шахси миллий маданий муҳитда ўсади ва шаклланади. *Асосий вазифаси* – педагогик жараёнда миллий-маданий муҳитни ўрганиш ва шакллантириш, унинг тарбиявий имкониятидан тўлиқ фойдаланиш.

Педагогиканинг юқорида қайд этилган методологик тамойиллари, *биринчидан*, сохта, юзаки бўлмаган ҳақиқий муаммоларни ажратиб олишга ва уларни ҳал этиш режаси ҳамда усулларини белгилашга, *иккинчидан*, таълим-

тарбиянинг энг долзарб муаммоларини яхлит ва диалектик бирликда таҳлил қилишга, уларнинг бир-бирига босқичли бўйсунишини аниқлашга, *учинчидан*, методологик тамойилларга оид маълумотлар объектив билимлар олишга, педагогик якка ҳокимлик қолипларидан қутулишга имкон беради.

## 5. Педагогик илмий-тадқиқот методлари

Педагогик воқеликдаги ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиш, педагогик қонун ва қонуниятларни аниқлаш зарурияти ***илмий педагогик тадқиқотлар*** ўтказиш эҳтиёжини юзага келтиради. *Илмий педагогик тадқиқот* – янги педа-гогик билимларни шакллантириш жараёни; таълим, тарбия ва шахс камолоти-нинг объектив қонуниятларини очишга йўналтирилган билиш фаолиятининг бир тури. Илмий педагогик тадқиқотларда қўйилган мақсадларга мувофиқ фундаментал, амалий тадқиқотлар ва ишланмалар фарқланади (3.6-расм).




3.6-расм. **Илмий педагогик тадқиқотларнинг турлари**

***Фундаментал (муҳим) тадқиқотлар*** - маърифий (таълим, тарбия ва ш.к.) жараёнларнинг қонуниятларини очиб берадиган, илмий билимларни чуқурлаштиришга, фан методологиясини ривожлантиришга, унинг янги соҳаларини очишга йўналтирилган ва бевосита амалий мақсадларни кўзламайдиган тадқиқотлардир.

***Амалий тадқиқотлар*** - таълим ва тарбия мазмунини шакллантириш ҳамда педагогик технологияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммоларни ҳал қиладиган тадқиқотлардир. Амалий тадқиқотлар фан ва амалиётни, фундаментал ва тадқиқотлар ва ишланмаларни бир-бирига боғлайди.

***Ишланмалар*** – таълим ва тарбия, ўқувчилар ва ўқитувчилар фаолиятини ташкил этиш шакллари ва методлари, шунингдек маърифий тизимларни бошқариш бўйича дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар, ўқув-методик тавсиялар яратишга қаратилган тадқиқотлардир.

Педагогик жараёнларнинг кечиши ўзига хослиги ва ноаниқлиги билан ажралиб туради – ҳар бир педагогик жараён такрорланганда аввалгисидан мут-лақо фарқ қилади – шунинг учун педагогикада аниқ илмий-тажриба ўтказиш деярли мумкин эмас ва олинган хулосалар ҳар доим етарли даражада шартли ва нисбий хусусиятга эга бўлади.

Илмий тадқиқотнинг асосий таркибий қисмлари:

1) ***тадқиқот мавзуси*** – ўрганилаётган соҳанинг қисқа ва аниқ чекланган жиҳати. Мавзу долзарб бўлиши, яъни уни шакллантириш даврнинг объектив талаблари билан белгиланиши ва ўрганилаётган масала бўйича фан олдин иш-лаб чиқилган жавобга эга бўлмаслиги керак;

2) ***тадқиқот объекти*** - изланиш доираси (соҳаси). Бу объектлар педа-гогик тизимлар, ҳодисалар, жараёнлар (маърифат, таълим, тарбия, шахс ва жа-моанинг ривожланиши, шаклланиши, камол топиши ва ш.к.) бўлиши мумкин;

3) ***тадқиқот предмети*** – объект ичидаги изланиш соҳасининг чеклан-ган жиҳати; ўрганилаётган ҳодисалар, таркибий қисмлар, алоқалар ва муноса-батлар мажмуининг кечиши ёки амалга ошиши жараёнлари; объектнинг ечим талаб қилаётган муаммоси соҳасидаги таркибий қисмлар ва муносабатлар мажмуи ҳисобланади;

4) ***тадқиқот муаммоси*** – жавоб берилиши керак бўлган савол (масала); ўрганилаётган ҳодисада номаълум бўлган нарсани аниқ ифода қилиш (таъриф-лаш);

5) ***тадқиқотнинг мақсади*** – тадқиқотнинг асосий ғояси (режаси, мўл-жали); тадқиқот якунида олиниши керак бўлган илмий натижа. Сабаб-оқибат боғланишлари ва қонуниятларни очиш, назариялар ва методикалар яратиш;

6) ***тадқиқотнинг вазифалари*** – тадқиқотнинг олдиндан мўлжалланган, чекланган натижаси (ўрганиш, аниқлаш, очиш, умумлаштириш, тажриба-си-нов ишида текшириш ва баҳолаш кабилар).

***Педагогик тадқиқотнинг бир неча даражаси*** фарқланади (3.7-расм):




3.7-расм. **Илмий педагогик тадқиқотларнинг даражалари**

1) ***эмпирик (амалий) даражаси*** – унда янги илмий далиллар топилади ва эмпирик қонуниятлар пайдо бўлади; амалий ўрганиш жараёнида олинган педагогик далилларни тўплаш, танлаш, таққослаш, фикран таҳлил ва синтез қилиш, миқдорий ва сифатий қайта ишлаш кабилар амалга оширилади;

2) ***назарий даражаси*** – унда илгари топилган далилларни тушунтириш-га, бўлғуси воқеалар ва далилларни олдиндан билиш ва айтишга имкон берув-чи асосий, умумий педагогик қонуниятлар илгари сурилади ва шакллантири-лади;

3) ***методологик даражаси*** – эмпирик ва назарий тадқиқотлар асосида педагогик ҳодисаларни ўрганиш ва назариялар яратишнинг умумий тамойил-лари ва методлари шакллантирилади. Ушбу даражадаги тадқиқотлар *фунда-ментал тадқиқотлар* деб аталади. Улар тадқиқот соҳасига катта илмий ҳисса қўшади.

***Илмий педагогик тадқиқотлар тузилмаси ва мантиғи***:

***1 босқич***. Тадқиқот муаммоси билан умумий танишиш асосида унинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланади; тадқиқот мавзуси, объекти ва предмети аниқланади; тадқиқотнинг умумий ва оралиқ мақсадлари, улар билан боғлиқ вазифалар шакллантирилади.

***2 босқич***. Тадқиқотнинг илк илмий концепцияси (методологияси), унинг боришини белгиловчи таянч назарий қоидалар ва кўзда тутилган натижалар (мўлжаллар) ҳамда тадқиқий ёндашувлар танланади.

***3 босқич.*** Тадқиқотнинг назарий тузилиши ва чинлигини исботлаши ло-зим бўлган амалий фараз илгари сурилади.

***4 босқич.*** Тадқиқот методлари танланади; тадқиқот предметининг даст-лабки ҳолатини аниқлаш мақсадида таъкидловчи илмий-тажриба ўтказилади.

***5 босқич.*** Шакллантирувчи илмий-тажриба ташкил этилади ва ўтказилади.

***6 босқич***. Тадқиқот натижалари таҳлил қилинади, изоҳланади ва расмий-лаштирилади.

***7 босқич***. Амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Педагогик тадқиқотлар ўзига хос *методлардан* фойдаланган ҳолда амал-га оширилади. ***Тадқиқот методи*** – бу қўйилган мақсадга эришиш ёки объек-тив воқеликни билиш усулидир. Тадқиқотчи методлардан фойдаланиб, ўрга-нилаётган предмет ҳақида ахборот (маълумот) олади. Ҳар бир фан ўрганилаёт-ган ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттирувчи ўз методларидан фойдала-нади. Педагогик тадқиқот методлари қуйидаги хусусиятлар билан шартлана-ди:

1) таълим ва тарбия натижалари жуда кўп сабаб ва шароитларнинг бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатишига боғлиқ бўлади. Педагогик

жараёнларнинг бир маънога эга бўлмаган, яъни ҳар хил табиати фанга маълум бўлган метод-ларни қўллаш имкониятларини чеклайди. Шу сабабли педагогик тадқиқотлар-да *методлар мажмуидан* фойдаланилади;

2) педагогик жараёнлар *ўзига хослиги* билан ажралиб туради. Педагог-тадқиқотчида “тоза” тажриба-синов ишларини ўтказиш имконияти йўқ. Қайта, иккинчи бор тадқиқот ўтказилганда олдинги шарт-шароит ва “материал”ни ас-лидай қайтариш, яъни қандай бўлса, худди шундай тиклаш ҳеч қачон мумкин бўлмайди;

3) педагогик тадқиқотда *асосий тенденция* эътиборга олинади, хулоса-лар умумлаштирилган шаклда тузилади;

4) педагогик тадқиқотлар болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатли-гига, уларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнига *зарар* етказмасдан амалга оши-рилиши керак.

***Педагогик тадқиқот методлари*** – таълим, тарбия ва шахс камолоти-нинг объектив қонуниятларини билиш, чин, ишончли билимлар олиш ва аниқ илмий натижаларга эришиш усулларидир.

***Педагогик тадқиқот методикаси*** – педагогик тадқиқотларни ташкил этиш ва бошқариш усуллари, уларни қўллаш тартиби ва муайян илмий мақсад-га эришишда олинган натижаларни шарҳлашнинг тартибга солинган мажмуи.

Педагогик тадқиқот методлари бир неча гуруҳларга бўлинади: илмий ах-боротлар билан ишлаш методлари, умумилмий методлар ва хусусий-илмий методлар гуруҳи (3.8-расм).




3.8-расм. **Илмий педагогик тадқиқот методларининг гуруҳлари**

**I. Илмий ахборотлар билан ишлаш методлари** гуруҳига ахборотларни излаш (маълумотларни олиш) методлари, олинган ахборотларни (маълумот-ларни) қайта ишлаш методлари, илмий

ахборотларни (маълумотларни) тизим-лаштириш ва сақлаш методлари киради.

**1.** ***Ахборотларни излаш методлари*** илмий маълумотларни қидириш, яъни илмий адабиётларда келтирилган илмий маълумотларни излаб топишга йўналтирилади. Нашр этиб тарқатиладиган монографиялар, шарҳлар (умумлаштирилган қисқача маълумот), мақолалар, маърузалар, тақризлар, очерклар, авторефератлар, рефератлар, маърузалар ва хабарлар тезислари кабилар *илмий асарнинг* асосий шакллари ҳисобланади.

Асосий илмий матнларнинг қисқа тавсифини кўриб чиқамиз:

1) ***монография*** – бу битта ёки бир неча муаллифларнинг ягона нуқтаи назарига асосланган илмий иши бўлиб, унда муайян муаммо ёки мавзу тўлиқ ўрганилади. Монографияда муайян масала бўйича адабиётлар умумлаштирилиб, таҳлил қилинади ва фан ривожига ҳисса қўшадиган янги фаразлар ва ечимлар таклиф қилинади. Монографияда одатда кенг қамровли библиографик рўйхат мавжуд бўлади;

2) ***рисола*** – кичик ҳажмдаги нодаврий босма нашр (халқаро амалиётда камида 5 ва кўпи билан 48 бетлик) бўлиб, одатда илмий-оммабоп хусусиятга эга бўлади;

3) ***илмий ишлар тўплами*** – илмий муассасалар, жамиятлар ва ўқув юрт-ларининг тадқиқот материалларини ўз ичига олган тўплам;

4) ***мақола*** - кичик ўлчамли илмий иш (асар) бўлиб, унда муаммонинг долзарблиги, назарий ва амалий аҳамияти ўтказилган тадқиқот методикаси ва натижалари билан бирга тавсифланган ҳолда қараб чиқилади. Мақолалар асосан журналларда чоп этилади;

5***) тезислар*** – илмий маъруза мазмунининг қисқа баёни;

6) ***ўқув қўлланма*** – ўқув дастурларида назарда тутилган ва дарсликларда баён этилган билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва яхшироқ ўзлашти-ришга мўлжалланган ўқув китоби; дарсликни тўлдиради ёки унинг ўрнини қисман ёки тўлиқ босади.

Керакли адабиётларни излаш узоқ вақт талаб қиладиган иш. Унинг аҳамияти жуда катта, чунки ўқув-тадқиқий ишларнинг сифати нашр қилинган ма-териалнинг тўлиқ ўрганилишига бевосита боғлиқ бўлади.

Тадқиқот мавзуси бўйича умумий маълумотларни олгандан сўнг кутубхона каталогларига кириш мумкин.

***Кутубхона каталоги*** – кутубхона ёки ахборот маркази фондининг таркиби ва мазмунини очиб берувчи ҳужжатларга библиографик ёзувларнинг муайян қоидаларга мувофиқ жойлаштирилган тўплами. Кутубхона каталоги карточкалар ёки компьютерда ўқиладиган шаклда ишлаши мумкин.

Каталогларнинг қуйидаги турлари фарқланади: алифболи, мавзули, тизимли ва янги адабиётлар каталоги.

*Алифбо тартибидаги каталогга* керакли манбанинг номи ва муаллифи-нинг исми-шарифи маълум бўлса, мурожаат этилади.

*Мавзули каталог* – мавзу сарлавҳалари алифбо тартибида жойлаштирил-ган библиографик ёзувли кутубхона каталоги.

*Тизимли каталогда* китоблар номи бўлимлар сарлавҳаси ва кичик сарлавҳалари бўйича гуруҳланади, бироқ сарлавҳанинг ўзи, мавзуий каталогдан фарқли ўлароқ, алифбо тартибида эмас, балки фанлар тизими бўйича жойлаш-тирилади.

Кутубхонада каталогларни диққат билан ўрганиш керак бўлади. Қисқа ва аниқ каталог карточкаларида кўп маълумотлар бўлади: муаллифнинг фами-лияси, китобнинг номи, қўшимча сарлавҳа, нашрни тайёрлаган илмий муас-саса, нашриёт номи, китоб чоп этилган йил ва саҳифалар сони. Керакли манба-лар бўйича карточкалардан нусха кўчирилади. Шу асосда *библиографик рўй-хат* тузилади.

Библиографик тавсифни тузишнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

1) бир муаллифли китобнинг библиографик тавсифи;

2) икки ёки ундан ортиқ муаллифли китобнинг библиографик тавсифи;

3) журнал ёки газета мақолаларининг библиографик тавсифи;

4) илмий ишлар тўпламларининг библиографик тавсифи;

5) диссертация авторефератларининг библиографик тавсифи.

**2. *Илмий адабиётларни ўқиш*.** Ўқув ва илмий адабиётлар билан муваф-фақиятли ишлаш учун *ўқиш маданиятини* эгаллаш керак бўлади. Ўқиш мада-нияти қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқишнинг мунтазамлиги, ўқиш тезлиги, ўқиш турлари, ахборот-қидирув тизимлари ва кутубхона каталоглари билан ишлаш кўникмаси, ўқишнинг мақсадга мувофиқлиги, ёзувларнинг ҳар хил турларини юритиш кўникмаси.

Тадқиқотчи учун *ўқиш мақсадларини* аниқлаш кўникмаси ҳамда ҳар хил *ўқиш турларини* эгаллаш жуда муҳим ҳисобланади.

Қуйидаги ўқиш мақсадлари фарқланади:

1) *ахборот излаш мақсади* – керакли маълумотларни топиш;

2) *ахборотни ўзлаштириш мақсади* - топилган маълумот ва фикрлар мантиғини тушуниш, англаш;

3) *таҳлилий-танқидий мақсад* – матнни тушуниш ва унга ўзининг муно-сабатини аниқлаш;

4) *ижодий мақсад* – маълумотни тушуниш, англаш асосида уни тўлдириш ва ривожлантириш.

Мутахассислар кўпинча ўқишнинг учта *асосий тури* ҳақида гапиришади:

1) *танишиш (кўриб чиқиш) учун ўқиши* – китоб, мақола билан олдиндан танишиш учун фойдаланилади. Асосий вазифаси – китобда зарур маълумотлар мавжудлигини (бор-йўқлигини) аниқлаш;

2) *оралатиб (танлаб) ўқиш* – агар бирон бир маълумотни батафсил аниқ-лаш зарурияти пайдо бўлса, иккинчи бор ўқиш учун қўлланилади. Бундай ҳол-да китобнинг (матннинг) фақат керак бўлган қисмига эътибор қаратилади;

3) *чуқур ўқиш* – унинг асосий вазифаси ўқилган матнни тушуниш ва эслаб қолишдир. Бунда тафсилотларга эътибор қаратилади, маълумотлар таҳлил этилади ва баҳоланади. Бу пухта ўйлашни талаб қиладиган ўқишнинг жиддий туридир.

Самарали ўқиш учун матнни қараб чиқиш, таҳлил қилиш, фаол ўқиш ва ундаги фикрни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. *Ўқиш самарадорлиги* материални ўзлаштириш даражаси ва унга сарфланган вақт миқдори билан белгиланади. Тез ўқиш – тадқиқотчи учун муҳим кўникма. Ўқишнинг ўртача тезлиги минутига 200-250 сўзни ташкил этади. Бироқ минутига 1000-1200 сўзни ўқий оладиган одамлар ҳам бор. Ўқиш тезлигини ошириш учун қуйида-гиларга эътибор қаратиш керак:

1) талаффуз қилмасдан ўқиш – ички нутқ ўқиш тезлигини сезиларли да-ражада камайтиради;

2) сатр бўйлаб эмас, балки саҳифанинг ўртасига кўзлар билан сирғаниб, юқоридан пастга қараб ўқиш;

3) сўзлар билан эмас, балки кўриш майдонини кенгайтириб, бутун сатрлар билан ўқиш;

4) ўқилган сўзлар, ибораларга такрор қайтмасдан ўқиш;

5) диққат ва қизиқиш билан ўқиш.

***3. Олинган маълумотларни қайд этиш методлари.*** Ахборот (маълумот) муайян доирадаги вазифаларни ҳал қилиш учун ишлатилса, вақт ва маконда тарқалиши мумкин бўлса, ресурс - манбага айланади. Бошқача айтганда, ахборот уни ташувчида (қоғоз, электрон) қайд этилган вақтдан бошлаб, ре-сурсга (манбага) айланади.

Ахборот – маълумотларни бирламчи қайд этиш қуйидагича амалга оши-рилиши мумкин: китобда сўзларнинг тагини қизил қалам билан чизиб қўйиш, китоб хошияларига қалам билан белгилар қўйиш.

Китоб хошияларига қалам билан белги қўйишда қуйидаги белгилардан фойдаланиш мумкин:

**!** - жуда муҳим;

**?** - шубҳали, аниқ эмас;

**v** – асосий, эътибор қаратиш;

**=** - хулоса, якун, натижа;

**к** – кўчириб олиш ва ш.к.

Ахборот – маълумотларни ёзувлар: режалар, тезислар, матнлар кўриниишида ҳам қайд этиш мумкин.

*Режа* – қандайдир баённинг (ифоданинг) қисқача дастури; сиқилган шаклда қисқача баён қилинган фикр-сарлавҳалар тўплами матннинг маъноли тузилмасини англатади. Режа – матннинг “скелети” бўлиб, у материални тақдим этиш кетма-кетлигини ихчам акс эттиради. Режа шаклидаги ёзувлар ўқил-ган мазмунни хотирада тиклаш учун жуда муҳимдир.

Режа тузишдаги ҳатти-ҳаракатлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1) матнни кўриб чиқиш ва уни тугалланган маъноли қисмларга ажратиш. Бунда матн параграфлари мўлжал бўлиб хизмат қилиши мумкин, аммо маъно-ли қисмлар чегаралари ҳар доим ҳам улар бўйлаб ўтмайди;

2) калит сўзлар ва ибораларга таянган ҳолда ҳар бир маъноли қисмдаги асосий фикрни аниқлаш ва уни шакллантириш;

3) ифода қилинган иборани (таърифни, изоҳни) аниқлаш ва уларни кетма-кет ёзиш. Агар ҳар бир маъноли қисмга саволлар қўйилиб ёзилса, саволли режа пайдо бўлади.

*Тезислар* – қандайдир ғояни ёки китобдаги асосий фикрлардан бирини қамраб олувчи қоидалар. Тезислар тасдиқлаш ёки рад этиш шаклида ифодала-ниши мумкин. Тезислар мазмунни очиб бериш, эслаш ёки айтиш лозим бўлган нарсаларга мўлжал олиш имконини беради.

Тезислар ёзишдаги ҳатти-ҳаракатлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1) матннинг ҳар бир параграфида маънога эга бўлган асосий жумлаларни ажратиб кўрсатиш;

2) танланган жумлалар асосида параграфдаги асосий ғояни умумий жум-ла билан ифодалаш;

3) асосий ғояларни таснифлаш ва шакллантириш.

*Кўчирмалар* – матннинг парчаси бўлиб, китоб ёки журналдан бирон бир керакли, муҳим жойини кўчириб (ёзиб) олиш. Турли манбалардан материал-лар тўплаш зарурияти туғилганда асосан кўчирмадан фойдаланилади. Кўчир-малар матн тўлиқ ўқилгандан ва тушунарли бўлгандан кейин олинади. Кўчир-малар сўзма-сўз ёки эркин шаклда ёзилиши мумкин.

*Матн тузиш (ёзиш)* – маъруза, китоб ёки мақола мазмунининг қисқа из-чил баёни. Унинг асосини режа, тезис ва кўчирмалар ташкил этади. Матн, те-зислардан фарқли ўларок, нафақат асл фикрларни, балки улар орасидаги

боғ-лиқликни ҳам акс эттиради. Матнлаштиришнинг ҳар хил турлари ва усуллари мавжуд. Китоб ёки мақола матнини кетма-кет ёзиб олиш энг кенг тарқалган усуллардан биридир. Бундай матнда ахборот мантиғи ва ҳажми тўлиқ бўлади. Матнлар режали ёзилиши ҳам мумкин.

Матнлаштиришнинг ҳар қандай турида қуйидагиларни унутмаслик керак:

1) ёзувлар зич, майда бўлиши, саҳифада иложи борича кўпроқ матн жой-лаштирилиши керак, бу уни таҳлил қилишда қулайлик туғдиради;

2) ёзувларни қўшимча (кичик) сарлавҳаларга, хат (сатр) бошига, оралиқ қаторларга бўлиш фойдали бўлиб, улар ёзувни ташкил қилади;

3) безатиш воситаларидан фойдаланиш керак (матндаги сўзлар остига чизиб қўйиш, дафтар хошиясига белгилар қўйиш, қонунлар, қонуниятлар ва асосий тушунчаларни доира ичига олиш, ёзаётганда ҳар хил ранглардан фойдаланиш, турли шрифтларда ёзиш);

4) матн учун мўлжалланган дафтарнинг бетлариини рақамлаш ва мунда-рижасини қилиш мумкин. Бундай ҳолда зарур маълумотларни тез топиш мум-кин бўлади.

***4. Ахборотни тизимлаштириш ва сақлаш***. Манбалар билан ишлашда тўпланган зарур материалларни танлаш ва сақлаш керак бўлади. Замонавий компьютер технологиялари маълумотларни тизимлаштириш ва сақлашда катта имкониятларга эга. Компьютерда қоидалардан фойдаланиб, тадқиқот ишининг ахборот маконини ташкил этиш мумкин.

**II. Умумилмий методлар гуруҳи** қуйидаги методларни ўз ичига олади (2.14-расм):

1) ***умумназарий методлар*** - таҳлил қилиш, синтез қилиш, индукциялаш, дедукциялаш, таққослаш, мавҳумлаштириш методлари;

2) ***социологик методлар*** - сўровнома, интервью, рейтинг методлари;

3) ***ижтимоий-психологик методлар*** - социометрик, тренинг методлари;

4) ***математик-статистик методлар*** - қайд этиш, бўйсиралаш, шкала-лаш, таққослаш методлари.

**III. Хусусий-илмий методлар гуруҳи** қуйидаги методларни ўз ичига олади (3.9-расм):

1) ***назарий методлар*** - адабиётлар ва ҳужжатларни ўрганиш, тушунча-терминология тизимини таҳлил қилиш, амалий фараз тузиш, илмий-тажрибани фикран шакллантириш, моделлаштириш методлари;

2**)** ***эмпирик методлар*** - кузатиш, тажрибани ўрганиш, суҳбат, ўқувчилар ижоди маҳсулини ўрганиш, педагогик тест синови, педагогик консилиум, ил-мий-педагогик сафар, педагогик илмий-тажриба методлари.

Қуйида айрим *методлар* тавсифи келтирилади:

1) ***кузатиш*** – қандайдир педагогик ҳодисани аниқ бир мақсадни кўзда тутган ҳолда идрок қилиш, ўзлаштириш. *Кузатиш босқичлари*: мақсади ва ва-зифаларини аниқлаш (нима учун кузатиш кераклиги); объектни, предметни ва




3.9-расм. **Умумилмий, назарий ва эмпирик методлар**

вазиятни танлаш (нимани кузатиш кераклиги); кузатиш усулини танлаш (қандай кузатиш кераклиги); кузатиш натижаларини қайд этиш усулларини танлаш (қандай ёзиб бориш кераклиги); олинган маълумотларни қайта ишлаш ва изоҳлаш (қандай натижа олинганлиги);

2) ***тажрибани ўрганиш*** – ўқув-тарбия тизимларидаги умумий, барқарор хусусиятларни ажратиб кўрсатиш, тарихий боғланишлар ўрнатишга йўналти-рилган ташкилий билиш фаолияти; ижодий ишлаётган педагогик жамоа ва ай-рим ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш;

3) ***ўқувчилар ижоди маҳсулини ўрганиш*** (барча ўқув фанлари бўйича уй ва синф ишлари, иншолар, рефератлар). Ўқувчиларнингг ўзига хос хусуси-ятлари, мойиллик ва қизиқишлари, ўқишга, ишга ва ўз бурчига муносабатлари, фаолият мотивлари ва бошқа сифатлари ўқувчилар ижоди маҳсулини ўрганиш орқали аниқланади;4) ***суҳбат*** – педагогик тадқиқотларнинг анъанавий методи бўлиб, у ор-қали шахснинг муносабати, ҳис-туйғуси, ўй-мақсади, фикр-баҳоси ва нуқтаи назари аниқланади. Суҳбат тадқиқот методи сифатида тадқиқотчининг суҳбат-доши ички дунёсига аниқ бир мақсад йўлида киришга, унинг қандайдир ҳатти-ҳаракатлари сабабларини аниқлашга уринишини ифодайди;

5) ***интервью*** – суҳбатнинг бир кўриниши бўлиб, тадқиқотчи олдиндан тайёрланган саволларга таяниб иш тутади, саволлар муайян кетма-кетликда берилиб, интервью олинади;

6) ***тест*** – ўрганиладиган педагогик жараённинг тавсифини объектив ўлчашга имкон берувчи, қаттиқ назорат шароитида ўтказиладиган, аниқ бир мақсадни кўзда тутувчи, барча синалувчилар учун бир хил бўлган текшириш. Тест текширишнинг бошқа усулларидан аниқлиги, соддалиги, ҳаммабоплиги, автоматлаштириш имконияти борлиги билан фарқ қилади;

7) ***сўровнома*** - тадқиқот материалини махсус ишлаб чиқилган саволнома ёрдамида ялпи йиғиш методи. Педагогик тадқиқотларда сўров варақасининг қуйидаги турлари кенг қўлланилади: а) мустақил равишда жавоб бериладиган очиқ сўровнома; б) тайёр жавоблардан биттаси танланадиган ёпиқ сўровнома; в) номи ёзилган (кимгадир мўлжалланган) ва номаълум (умумий) сўровнома; кириш ва назорат қилиш сўровномаси;

8) ***адабиётлар ва хужжатларни ўрганиш*** – китоб ва бошқа нашрларнинг тизимли илмий тавсифини тузиш, реферат ёзиш, матн тузиш, асарнинг қисқа мазмунини ёзиш, матндан парча олиш.

Педагогик тадқиқотларда *миқдорий* методлардан ҳам самарали фойдала-нилади. *Сифат* – хусусият, хоссалар мажмуини ифодаласа, *миқдор* – катталик, миқёс, кўламни белгилайди.

Қуйида айрим *миқдорий методлар* тавсифи келтирилади:

1) ***қайд этиш*** – гуруҳнинг ҳар бир аъзосида муайян сифатнинг мавжуд-лигини аниқлаш ва кимда мазкур сифат борлиги ва йўқлигини умумий ҳисоб-лаб чиқиш (масалан, машғулотда фаол ёки суст иштирок этаётган ўқувчилар сони);

2***) бўйсиралаш (даражали баҳолаш)*** – йиғилган маълумотларни муайян кетма-кетликда жойлаштириш (қайсидир кўрсаткичнинг ўсиши ва камайиши тартибида) ва шунга мувофиқ ҳар бир синалувчининг бу қатордаги ўрнини аниқлаш (масалан, энг яхши деб ҳисобланган синфдошлар рўйхатини тузиш);

3***) шкалалаш ( ўсиб ёки камайиб борувчи рақамлаш)*** – педагогик ходи-саларнинг айрим жиҳатларини баҳолашда рақамли кўрсаткичларни киритиш, тадқиқ этилаётган тавсифларга баллар ёки бошқа рақамли кўрсаткичларни бериш. Ўлчов шкалаларининг қуйидаги турлари фарқланади: номли шкала; тартибли (даражали) шкала; оралиқ шкала; муносабатлар шкаласи;

4) ***моделлаштириш*** – хаёлда туғилиб тавсия этилган ёки моддий амалга ошган тизимнинг илмий андазаси (модели) бўлиб, тадқиқот предметини айнан бир хил акс эттиради. Моделни ўрганиш бу объект ҳақида янги маълумотлар олишга имкон беради. Моделлаштириш қуйидаги вазифаларни муваффақият-ли ҳал этишда қўлланилади: билиш фаолияти ва ўқув-тарбия жараёнини бош-қариш; таълим жараёнини ташхислаш, башоратлаш ва лойиҳалаш.

***Илмий-тажриба методи*** илмий педагогик тадқиқот методлари ораси-да алоҳида аҳамият касб этади. *Илмий-тажриба* – қандайдир иш методи ва ус-лубини, унинг педагогик самарадорлигини аниқлаш учун махсус ташкил этил-ган текшириш ёки синовдан ўтказиш. Илмий-тажрибада *амалий фараз* – қан-дайдир янгидан киритилган тартиб-қоиданинг мумкин бўлган самарадорлиги ҳақидаги тахмин текширилади. Илмий-тажриба давомида бир қатор *методлар мажмуидан* фойдаланилади.

***Илмий-тажриба босқичлари***:

1) ***назарий босқич*** – муаммо қўйилади, тадқиқотнинг мақсади, объекти ва предмети, вазифалари ва амалий фарази аниқланади;

2) ***методик босқич*** – тадқиқот методикаси ва унинг режаси, дастури, олинган натижаларни ишлаш методлари ишлаб чиқилади;

3) ***ҳақиқий илмий-тажриба босқичи*** – бир қатор тажрибалар ўтказила-ди (тажрибавий вазият яратиш, кузатиш, тажрибани бошқариш ва синалувчи-да яққол кўзга ташланадиган ўзгаришларни ўлчаш).

4) ***таҳлилий босқич*** – олинган далилларни миқдорий ва сифатий таҳлил қилиш, изоҳлаш, хулосалар ва амалий тавсияларни шакллантириш.

Илмий-тажрибада кўзланган мақсадларга мувофиқ унинг бир неча ***тур-лари*** фарқланади:

1) ***таъкидловчи (қайд этувчи) илмий-тажриба*** – мавжуд педагогик ҳодиса ўрганилади;

2) ***текширувчи (аниқловчи) илмий-тажриба*** – муаммони тушуниб етиш жараёнида яратилган амалий фараз текширилади;

3) ***шакллантирувчи (қайта ўзгартирувчи) илмий-тажриба*** – янги пе-дагогик ҳодиса лойиҳаланади.

Ўтказилиш ўрнига кўра табиий ва лаборатория илмий-тажрибаси фарқ-ланади. *Табиий илмий-тажриба* мактаб ёки синфдаги таълим ва тарбиянинг табиий шароитида ўтказилади, *лаборатория илмий-тажрибасида* ўқувчилар махсус гуруҳларга (синфларга) ажратилади.

Демак, педагог олимлар ва амалиётчи-педагоглар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик – педагогика фанини инновацион илмий тадқиқотлар орқали му-ваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида намоён бўлади.

## Назорат саволлари

1. Инсон ҳақидаги фанлар тизимида педагогиканинг фан ва ўқув фани сифатидаги аҳамиятини айтиб беринг.

2. Педагогиканинг объекти, предмети ва вазифаларини айтиб беринг.

3.Педагогика фанлари тизими, унинг бошқа фанлар билан интеграциясини изоҳланг.

4. Педагогика методологияси ва асосий методологик ёндашувларини айтиб беринг.

5. Педагогик илмий-тадқиқот методларини санаб беринг.

6. Педагогик антропология нимани ўрганади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жуманова Ф., Авазова С. ва бошқалар Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: “Ишончли ҳамкор”, 2020 й. -582 б.

2. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.

3. Ишмуҳамедов Р, Мирсолиева М, Акрамов А. Раҳбарнинг инновацион фаолияти. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2019, 68 бет.

4. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 60 б.

5. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методисталар, ўқитувчилар. тарбиячи ва мураббийлар учу ўқув қўлланма)-Т.:2013.-279 б

6. Муслимов Н.А., М.Ж.Муталипова, Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Низомий номидаги ТДПУ Ризографи, Тошкент 2014 йил.

7. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

8. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

9. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.–115

10. Коджаспирова, Г.М. Педагогика в схемах и таблицах: Учебное пособие. - М.: Проспект, 2016.

11. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

12. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

13. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Т: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

## 4-маъруза: Педагогика фанини ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари

**Режа:**

1. Педагогик (дидактик) концепциялар, парадигмалар ва таълим моделлари.
2. Педагогика фанини ривожлантириш омиллари ва тенденциялари.
3. Педагогика фани ва амалиёти интегацияси: педагогик фаолият, талабалар педагогик амалиёти, инновацион маърифий муассасалар ва маърифий кластерлар муаммолари ва ечимлари.
4. Педагогика фанини ривожлантиришнинг махсус стратегиялари: инте-риоризация, экстериоризация, проблематизация ва рефлексия.

**Таянч иборалар:** концепция; парадигма; модель; омил; тенденция; интеграция; педагогик фаолият; педагогик амалиёт; стратегия; интериоризация, экстериоризация, проблематизация и рефлексия.

### 1. Педагогик (дидактик) концепциялар, парадигмалар ва таълим моделлари

“***Концепция***” лотинча сўз бўлиб, “тушуниш”, “тизим” каби маъноларни англатади: бирор нарса, ҳодиса ёки жараёнга қарашлар тизими; бирор нарса, ҳодиса ёки жараённинг асосий моҳияти.

***Концепция*** – 1) табиат ва жамиятдаги жараёнлар ва нарса-ҳодисаларга доир қарашлар тизими; 2) ислоҳот, дастур, лойиҳа, режаларни амалга оширишга доир ҳаракатлар стратегияси; 3) фаолият хилма-хил турларининг конструктив тамойили.

Педагогика фанида *концепция* деганда таълим, тарбия ва шахс камолоти жараёнларининг моҳиятини яхлит ҳодиса сифатида тушуниш асосида уни амалга ошириш воситалари тизимини ташкил этиш усули назарда тутилади. Концепцияда асосий эътибор *педагогик фаолият стратегиясини* ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари ва тамойилларига қаратилади, яъни:

2) *педагогик концепция* – педагогик объектлар, педагогик тамойиллар ва методлар моҳиятини очиб берувчи етакчи ғоялар тизими;

2) *дидактик концепция* – таълим жараёнини тушуниш, унинг етакчи ғоя-ларини шакллантиришга имкон берувчи тизимлаштирилган назария;

3) *ўқитиш ва ўқиш концепцияси* – ўқув жараёнининг моҳияти, мазмуни, методикасини тушунишга доир қарашлар тизими ёки умумлашган ғоялар йиғиндиси.

***Замонавий педагогика*** – маърифат, таълим ва тарбиянинг мақсади, вази-фалари, мазмуни, методлари, ташкилий шакллари ва воситалари ҳақидаги фан бўлиб, одамнинг қобилияти, мустақил фикр юритиши ва инсонпарварлигини ривожлантиришда, шахс камолотини таъминлашда педагогика фанининг роли бениҳоя каттадир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, *фалсафий назариялар* кўплаб педагогик (дидактик) концепциялар ва таълим-тарбия тизимларининг асосида ётади. Тегишли фалсафий йўналишларга асосланган ***асосий педагогик концепция-лар*** сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин (4.1-расм):




4.1-расм. **Асосий педагогик концепциялар**

**1. Прагматизм**. Прагматизм (юнонча "pragma" – иш) таълимни ҳаётга яқинлаштириш ва унинг мақсадларига фақат амалий фаолиятда эришиш мумкин, деб ҳисобловчи фалсафий-педагогик йўналиш. Прагматик фалсафа асосчилари Ч. Пирс (1839—1914) ва У. Жемс (1842—1910) идеализм ва материализмдан ташқари *янги фалсафа* яратилишини даъво қилганлар. Уларнинг ғоя-ларини америкалик философ ва педагог Ж. Дьюи (1859—1952) ривожлантир-ган. У прагматизм ғояларини *инструментализм* деб аталувчи тизимга кирит-ган. Ушбу тизимнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат бўлган:

1) мактаб ҳаётдан, таълим тарбиядан ажралмаслиги керак;

2) ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг шахсий фаоллигига таяниш, шу асосда уларни рағбатлантириш ва ривожлантириш (камол топтириш) лозим.

Прагматик таълим ва тарбия назарий мавҳум шаклларда эмас, балки *аниқ амалий иш-вазифаларни бажариш* жараёнида амалга оширилади, бунда бола-лар нафақат дунёни билади, балки биргаликда ишлаш, қийинчилик ва келиш-мовчиликларни биргаликда енгиб ўтишни ҳам ўрганадилар. Бошқача айтган-да, ***билимнинг ўзига муносиб баҳо берилмайди, амалий кўникма ва малака-ларни шакллантиришга устунлик берилади***. Бундай мактабда ҳаётга яхши мослашган одамлар тарбияланади. Таълим-тарбия жараёни болаларнинг ман-фаатига, қизиқишига асосланади: ўқувчиларга ўқув фанларини танлашда тў-лиқ эркинлик берилади, амалий (фойдали) билимлар ўргатилади.

1960-йиллар бошида прагматизм фалсафаси ва унга асосланган педагоги-
ка ўз машҳурлигини йўқотган. Ж. Дьюи ғояларига асосланган ўқув-тарбия жа-раёнининг амалий йўналиши таълим ва тарбия сифатининг пасайишига олиб келган.

2. **Неопозитивизм**. Илмий-техника инқилоби шароитида янада қатъий ва тартибли билим ва хулқ-атворга эга бўлган одамларга эҳтиёж пайдо бўлган. Бу 1970-йилларда *неопрагматизм* байроғи остида қайта тикланган классик прагматизмнинг қайта кўриб чиқилиши ва модернизациясига олиб келган.

Ж. Дьюининг методологик кўрсатмалари янги тамойиллар ва тенденциялар билан тўлдирилди: илм-маърифат (таълим, тарбия) – шахсни ижтимоийлаштириш жараёни сифатида тушунила бошланди. Неопрагматик концепция моҳияти *шахснинг оқилона фикрлаб, ўзлигини намоён қилиши, ўз тақдирини ўзи белгилаши* бўлди. Бу ғоянинг тарафдорлари (А. Маслоу, А. Комбс, Э. Кел-ли, К. Роджерс, Т. Браммельд, С. Хук ва бошқ.) илм-маърифат, яъни

таълим ва тарбиянинг *шахсиятпарастлик (индивидуалистик)* йўналишини кучайтирди. А. Маслоу фикрича, “шахснинг камол топиши ва инсонпарварлиги манбалари фақат шахснинг ўзида бўлади: улар жамият томонидан яратилмайди. Боғбон атиргул бутасининг ўсишига ёрдам бериши ёки унга тўсқинлик қилиши мум-кин, бироқ у атиргулнинг эман дарахтига айланишини таъминлай олмайди”. Бошқача айтганда, неопрагматистлар шахс ўз хохиши ва иродаси билан бош-қарилади, деб ҳисоблашади. Бу ғоя бугунги кунда АҚШ ва Ғарбий Европадаги баъзи мамлакатлар педагогикасининг етакчи йўналиши бўлиб қолмоқда.

*Неопозитивизм* – илмий-техника инқилоби натижасида вужудга келган ҳодисалар мажмуини тушунишга ҳаракат қилувчи фалсафий-педагогик йўна-лиш. Ҳозирги *педагогик неопозитивизм* кўпинча “янги гуманизм” деб номла-нади. Унинг баъзи йўналишларига нисбатан «*сциенцизм*» (инглизча sciense – фан) - “фаншунослик” термини ҳам ишлатилади. Янги гуманизм фаншуносли-гининг кўзга кўринган вакиллари: П. Херс, Ж. Вильсон, Р.С. Питере, А. Хар-рис, М. Уорнок, Л. Кольберг ва бошқ. ҳисобланади.

*Неопозитивизм педагогикасининг* асосий қоидаси: ***таълим-тарбия дунё-қарашлик ғояларидан тозаланиши керак, чунки ижтимоий ҳаёт мафкура-га эмас, балки “оқилона тафаккурга”га муҳтож***. Янги гуманизм тарафдор-лари ҳаётнинг барча жабҳаларида *адолатни* одамлар ўртасидаги муносабат-ларнинг энг асосий тамойили сифатида кўриб чиқади ва тўлиқ инсонпарвар-ликка асосланган таълим-тарбия тизимини қўллаб-қувватлайдилар: асосий эътибор *интеллект* – ақл-заковатни ривожлантиришга, таълим-тарбиянинг ва-зифаси – *оқилона фикрлайдиган шахсни шакллантиришга* қаратилиши лозим.

*Сциенцизм* тарафдорлари ҳис-туйғуга эмас, балки мантиққа ишонадилар ва шахс камолотининг бош мезони, яъни *оқилона тафаккур* ёрдамида ўз-ўзини англайди ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан мулоқотга киришиш қобили-ятини намоён эта олади, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, одам ўз камо-лот йўлини ўзи дастурлайди. Шу сабабли таълим-тарбияда асосий эътибор ин-соний “Мен”ни ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

*Неопозитивизм педагогикаси* самарали ғоялардан холи эмас. Ўзбекистон-даги маърифий ғоялар таълим муассасаларини инсонпарварлаштириш, давлат васийлигидан холи қилиш каби янгиланишлар билан кечмоқдаки, булар оқи-лона фикрлайдиган шахсни шакллантиришга йўналтирилган.

3. **Экзистенциализм.** Экзистенциализм (юнонча existencia – мавжудлик) – шахсни оламдаги энг *олий қадрият* сифатида тан оладиган фалсафий йўна-лиш. Инсоннинг “Мен” сифатида мавжудлиги унинг моҳиятини белгилайди.

Ҳар бир инсон – ўзига хос, такрорланмас, ноёб, бошқалардан фарқли. Ҳар бир инсон – ўз ахлоқининг эгаси. Ҳавф-хатарга тўла ҳозирги замонда инсоният доимий таҳдид остида: инсондаги “Мен”ни сақлаш, ривожлантириш ва амалга ошириш тобора қийинчилик билан кечмоқда.

Экзистенциалистлар фикрича, инсон ҳамма жойда ва ҳар доим ёлғиз, яккаланиб қолган. Жамият шахснинг ахлоқий мустақиллигига жуда катта зарар етказади, чунки ижтимоий институтлар шахсни, унинг ҳатти-ҳаракатларини бир хил қилишга интилади. Тарбия назарияси объектив қонуниятларни билмайди ва у барчага баравар тааллуқлиликни даъво қилади. Аслида ҳар бир ин-соннинг оламга ўз субъектив қарашлари мавжуд бўлиб, одам ўз дунёсини ўзи хохлаган тарзда яратади. Бу ғоялар Ғарбий Европа, Америка мамлакатлари ва Япониядаги ижодий касб вакиллари орасида кенг тарқалган.

*Экзистенциализм педагогикаси* хилма-хил йўналишлари билан ажралиб туради. Уларни педагогика назариясига, таълим-тарбиянинг мақсадлари ва имкониятига бўлган *умумий ишончсизлик* бирлаштириб туради. Таълим-тарбия кам ёрдам беради: ***одам ўзидан ўзини яратади***. Бу индивидуализмни кел-тириб чиқаради: ҳеч қандай дастурлар керак эмас, таълим-тарбиянинг махсус методлари ва усулларини ихтиро қилишнинг кераги йўқ. Ҳаёт, табиат ва ички ҳис (сезги) таълим-тарбия олувчилар ва уларнинг устозларига шахснинг ўзини ўзи намоён қилиш йўлларини адашмасдан аниқлашга ёрдам берадиган катта кучдир. Инсоннинг шаклланиши жараёнида таълим-тарбиянинг аҳамиятини пасайтириш тенденцияси экзистенциализм педагогикасининг барча йўналиш-ларига хосдир. Экзистенциалистлар фикрича, шахснинг ўзига хос хусусият-ларга эгалиги жамоа учун айниқса зарарли бўлиб, одамни “подадаги ҳайвон”га айлантиради, унинг “мен” даражасини пасайтиради, босиб туради.

Замонавий экзистенциализм педагогикасининг энг кўзга кўринган вакил-лари: Ж. Кнеллер, К. Гоулд, Э. Брейзах (АҚШ), У. Баррет (Буюк Британия), М. Марсель (Франция), О.Ф. Больнов (Германия), Т. Морита (Япония), А. Фалли-ко (Италия) ва бошқалар маърифий таъсирлар маркази - одамнинг кайфияти, ҳис-туйғулари, ички турткиси ва сезгисидир; онг, ақл ва мантиқни иккинчи да-ражали аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар.

“Одам ўзлигини намоён этишга, табиий индивидуаллик ва эркинлик туйғусига жалб этилиши керак, - деб ёзади германиялик педагог-экзистенциалист Э. Шпрангер – ёш инсонларни бизнесга, сиёсатга жалб этиш тез муваффақият қозонишга олиб келмайди, аксинча ўзига, яъни ўша соҳаларга олиб борадиган ички дунёсининг сирли ва муқаддас овозини эшитишга бошлаши керак”. Бун-да экзистенциализм педагогикасининг яна бир – диний жиҳати кўзга ташлана-ди.

Экзистенциализм педагогикаси ўқитувчига ўзига хос масъулият юклайди. У эркин фикр муҳитини яратишга ғамхўрлик қилиши, шахснинг эркин фикр билдириш жараёнини чекламаслиги керак. Ўқитувчи ўқувчига ўзига қаратиш санъатини ўргатиш орқали унинг барқарор “ички аҳлоқ”қа эга бўлишига ёрдам беради. Педагогик фаолият қоидалари жуда оддий: ***камроқ ўқитиш (ўрга-тиш), кўпроқ дўстона муносабатда бўлиш; ҳаётда маънавий ёрдамга муҳ-тожларга кўмаклашиш; ҳар кимга табиат берган қобилият даражасига мувофиқ ўз хохиши билан ҳаракат қилиш ҳуқуқини бериш*** ва ш.к.

**4. Неотомизм.** Неотомизм – католик диншуноси Томас номи билан атал-ган фалсафий таълимот. Ўрта аср ақидапарасти ўтмиш элчиси ва келажак пай-ғамбари сифатида улуғланган, дин эса инсон ва унинг тарбиясини бошқаради-ган абадий ва асосий фалсафа ҳисобланган. Неотомистлар объектив ҳақиқат борлигини тан олишади, аммо бу воқеликни Худонинг иродасига боғлашади. Дунё “илоҳий ақл”нинг тимсолидир, теология (илоҳиёт) эса илмнинг энг олий даражасидир. Неотомистлар фикрича, дунёнинг моҳияти фан томонидан ту-шунарсиз талқин этилади. Дунёнинг моҳиятини фақат “буюк ақл эгаси” – Ху-дога мурожаат қилиш орқали билиш мумкин. Фанга одамни ўраб турган мод-дий дунёнинг бир қисмигина очиқдир. Шу сабабли ёшларни диний қадриятлар асосида маданият билан таништириш, бунда таълим, фан ва дин ўзаро алоқа-дор бўлиши, бир-бирини тўлдириши керак: фанга ер юзидаги табиий ҳодиса-лар, динга табиат қонунларига бўйсунмайдиган руҳий ғоялар соҳаси берилган.

Замонавий неотомизмнинг таниқли вакили француз файласуфи Ж. Мари-тен ҳисобланади. У. Каннингам, У. Макгакен (АҚШ), М. Казотти, М. Стефани-ни (Италия), В. фон Ловених (ГФР), Р. Ливигстон (Англия), Е. Жильсон (Фран-ция) неотомизмнинг таниқли вакилларидир.

Неотомизм педагогикасининг асосий қоидалари инсоннинг “дуал – икки томонлама табиати” билан белгиланади. Одам материя ва руҳнинг бирлигидан вужудга келади, шунинг учун айни пайтда ҳам индивид, ҳам шахс ҳисобла-нади. Одам индивид сифатида табиат ва жамиятнинг барча қонунларига бўй-сунадиган жонли мавжудот, шахс сифатида ўлмас руҳ – “илоҳий мавжудлик” органига эга. Фан - таълим-тарбия мақсадларини аниқлашга ожиздир. Буни фақат дин амалга ошириши мумкин. Энг муҳими - руҳ (жон), демакки, таълим-тарбия руҳий (маънавий) тамойилга асосланиши керак.

Неотомизм педагогикаси умуминсоний фазилатларни тарбиялаш тараф-дори: меҳр-оқибат, инсонпарварлик, ҳалоллик, яқинларга муҳаббат, фидоий-лик ва ш.к. Неотомистлар фикрича, умуминсоний фазилатлар ўзини-ўзи

ҳало-катга олиб борувчи цивилизацияни сақлаб қолиши мумкин. "Одам табиатига зид икки тамойилга асосланган дунё: фойда ва манфаатпарастликка интилиш - эҳтиёж ва қулликни доимий кўпайтириб боради" (Ж. Маритен).

Тарбиянинг мақсади христиан аҳлоқидан келиб чиқиши, яъни ер юзидаги одамларни насроний қилиш, ўзга дунёда уларнинг ҳаётига ғамхўрлик қилиш, руҳини (жонини) қутқариш бўлиши лозим, шунингдек фан ўқитувчилари ўз фаолиятида Худони унутмаслиги керак (Ж. Маритен, У. Макгакен). Католик мактаблари Италия, Португалии, Испания, Ирландия, Бельгия, Франция, ГФР, Польша каби мамлакатларда машҳурдир.

**5. Бихевиоризм.** Бихевиоризм (инглизча beћavior – хулқ-атвор) – техно-кратик таълим-тарбиянинг психологик-педагогик концепцияси бўлиб, у инсон ҳақидаги фанларнинг сўнгги ютуқларига асосланади ва одамнинг қизиқиш-лари, қобилиятлари, хулқ-атворини аниқлашга қодир бўлган замонавий тадқи-қот усулларидан фойдаланади.

Классик бихевиоризм асосчиларидан бири таниқли америкалик файласуф ва психолог Ж. Уотсон бўлиб, у *хулқ-атворнинг (реакциянинг) қўзғовчига (рағ-батга) боғлиқлиги ҳақидаги ҳолатни* ***S -» R*** *формуласи кўринишидаги муноса-бат* сифатида тасаввур қилган. Шундай қилиб, таълим-тарбияга татбиқан би-хевиоризмнинг асосий ғояси - ***инсон ҳулқ-атвори бошқариладиган жараён*** эканлигидир. Бу қўлланиладиган рағбатлар билан шартланган бўлиб, ижобий исботни талаб қилади. Муайян хулқ-атворни келтириб чиқариш, яъни муайян бир таълим-тарбия таъсирига эришиш учун самарали рағбатлантиришни тан-лаш ва уларни тўғри қўллаш керак бўлади.

Психолог Б.Ф. Скиннер ҳайвонларга ўргатиш борасида катта ютуқларга эришган ва одамларда ҳам маълум бир хулқ-атворни шу билан ҳосил қилиш мумкин, деган фикрга келган: ***зарур ҳатти-ҳаракатларни шакллантириш учун "рағбат – реакция - мадат" схемасига риоя қилишнинг ўзи кифоя***. Ин-соннинг ахлоқий фазилатлари: жасорат ёки қўрқоқлик, жиноятчилик ёки сахо-ват бўладими, уларнинг барчаси ҳолат, рағбат ва мадат билан белгиланади. Шунга кўра, инсоннинг ахлоқий камолоти унинг атроф-муҳитга янг яхши мос-лашиш қобилиятига боғлиқ бўлиб, бу мослашув табиати тирик организмлар-нинг табиатга мослашишидан фарқ қилмайди.

Б.Ф. Скиннер таъкидлашича, замонавий жамият "оқилона фикрлаш – тўғ-ри тафаккур"га асосланиши керак. Технократик йўналиш тарафдорлари фик-рича, таълим-тарбия индустриал жамият талабларига мос бўлган идеалга мўл-жал олиши лозим. Бихевиоризм тарафдорлари таълим-тарбия жараёни оқи-лона алгоритмлар билан бошқариладиган қизғин ақлий фаолият

муҳитини яра-тишга қаратилган, индивидуал фаолият рағбатлантириладиган, “саноат ода-ми” фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак, деб ҳисоб-лайдилар.

***Педагогик парадигма*** – педагогик (таълим, тарбия) муаммоларни ҳал қи-лишда намуна (модель, страндарт) сифатида қўлланиладиган, педагогиканинг ҳар бир тараққиёт босқичида илмий педагогик жамият томонидан қабул қи-линган назарий, методологик ва бошқа йўл-йўриқлар мажмуи (тўплами).

**Таълимда кенг тарқалган бешта парадигма фарқланади (4.2-расм):**




4.2-расм. **Асосий педагогик парадигмалар**

1) ***анъанавий-консерватив (билимга асосланган) парадигма*** **- унинг бош мақсади: исталганча билим, билим ва яна билим; ўқув дастурлари мазмуни асосан билим, кўникма ва малакаларга йўналтирилади;**

**2)** ***феноменологик (инсонпарварлик) парадигма*** **- унинг бош мақсади: таълимни ижтимоийлаштириш, умуминсоний ва миллий маданиятни шакл-лантириш, болани ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик ижодий ривожланти-риш;**

**3)** ***рационалистик (бихевиористик) парадигма*** **- унинг бош мақсади: яшаш муҳитига мослашиш учун «хулқ-атвор мажмуи»ни шакллантириш;**

**4)** ***технократик (илмий-техник) парадигма*** **- унинг бош мақсади: «би-лим - куч», аниқ илмий-техник билимлар тизими ва уларни ўзлаштириш;**

**5)** ***эзотерик («сирли», «яширин») парадигма*** **- унинг бош мақсади: ҳақи-қатни шунчаки билиш мумкин эмас, унга виждон поклиги орқали эришиш мумкин.**

Педагогик концепциялар ва парадигмаларга мувофиқ, кенг маънода, ***таълимнинг турли моделлари*** фарқланади ва уларда ўқитувчи-ўқувчи ҳам-корлиги ўзига хос тарзда кечади. Бугунги кунда маърифий муассасаларда қуйидаги ***таълим моделлари*** кенг тарқалган (4.3-расм):

**1.** ***Изоҳли-кўрсатмали таълим модели*** **-** ўқитувчи билимларни пар-дозланган, “тайёр” кўринишда баён қилади, ўқувчилар уларни ўзлаштиради ва аслидай қайтаради. Кўрсатмалилик асосидаги тушунтиришда ўқувчи фаоли-ятининг етакчи тури - тинглаш ва ёдда сақлашдан иборат. Ўрганилган мате-риалларни хатосиз айтиб бериш – машғулот самарадорлигининг бош талаби ва асосий мезони ҳисобланади. Мазкур таълимда вақтнинг тежалиши, ўқитув-чи-ўқувчи кучларининг сақланиши, муракккаб тушунчаларни ўзлаштириш-нинг энгиллиги ва педагогик жараённи самарали бошқариш таъминланади.

***Афзаллиги:*** баёндаги батартиблик ва вақтнинг тежалиши.

***Камчилиги***: таълимда шахсни камол топтириш вазифаси тўлиқ амалга ошмаслиги; ўқувчи фаолиятининг маҳсулдор эмаслиги; “тайёр” билимларнинг тақдим этилиши ўқувчиларни мустақил фикрлашдан, ўқув жараёнини шахсга йўналтириш имкониятларидан қисман маҳрум қилиши.

**2.** ***Муаммоли таълим модели*** – ўқувчилар амалий ва билиш хусуси-ятига эга бўлган ижодий топшириқларни ечиш жараёнига мунтазам қамраб олинади. Ўқитувчи “тайёр” билим бермайди, аксинча ўқувчилар тушунча ва қонуниятларни мустақил излашга йўналтирилади, яъни ўқувчи билимларни мустақил излаш, кузатиш, далилларни таҳлил этиш ва фикрлаш фаолияти на-тижасида ўзлаштирилади. Мазкур таълимда ўқувчиларнинг мустақил фикр-лаш кўникмаси ва эътиқоди бирмунча самарали шаклланади.

***Афзаллиги:*** ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти, ўқишга қизиқиши ва ижодий кучлари ривожланади.

***Камчилиги***: ўқув материалларини ҳамма вақт қўллаш мумкин эмаслиги; ўқувчиларнинг тайёр эмаслиги; ўқитувчида маҳорат етишмаслиги; кўп вақт талаб этилиши.




4.3-расм. **Таълимнинг турли моделларида “ўқитувчи-ўқувчи” ҳамкорлиги**

*Муаммоли таълим технологиялари* – таълим олувчиларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотлар ўтказиш, амалий фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. Унинг қуйидаги *шакллари* фарқланади: муаммоли баён; муаммоли маъруза; эвристик суҳбат; муаммоли намойиш; изланишга асосланган амалий машғулот; ижодий топшириқ; хаёлий муаммоли тажриба; амалий фаразларини шакллантириш; муаммони ечишнинг оптимал вариантларини танлаш; муаммоли вазифа; муаммоли ўйин.

**3.** ***Ривожлантирувчи таълим модели*** – ўқув жараёни ўқувчининг ички имкониятларига, уларни рўёбга чиқаришга йўналтирилади. Ўқувчиларга му-раккаблашиб борувчи кўрсатмали, ижодий топшириқлар берилади ҳамда улар фаолиятнинг хилма-хил турларига, дидактик ўйинларга, баҳс-мунозараларга жалб этилади. Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида ҳам билимларни, ҳам ҳатти-ҳа-ракат усулларини ўзлаштиради. Бу - ўқувчини камолотга элтади.

**4.** ***Дастурлаштирилган таълим модели*** – ўрганиладиган ўқув материалига махсус ишлов берилиб, у осон ўзлаштириладиган кичик миқдорлар – бўлакларга ажратилиб, ўқувчига тақдим этилади ва унинг ўзлаштирилиши текшириб борилади. Мазкур таълимнинг моҳияти: “тақдим этиш – ўзлаштириш – текшириш”дан иборат бўлади. Ўргатувчи дастур - дастурлаштирилган таълимнинг асоси сифатида ўқув материаллари мажмуи ва улар билан ишлашга оид кўрсатмаларни ўз ичига олади.

*Чизиқли ўргатувчи дастурлар* (топшириқ нотўғри бажарилса, тегишли ўқув материаллари қайта такрорланади), *кўптармоқли ўргатувчи дастурлар* (топшириқ нотўғри бажарилса, хатоликлар кўрсатилади) ва аралаш *ўргатувчи дастурлар* (чизиқли ва кўптармоқли ўргатувчи дастурлар мажмуи) фарқлана-ди.

***Афзаллиги:*** кичик миқдорлар - бўлаклар хатосиз ўзлаштирилади ва юқо-ри натижага эга бўлинади; ўзлаштириш суръати ўқувчи томонидан танланади: ўқувчи олдинги материални ўзлаштирмасдан, кейинги қадамни боса олмайди.

***Камчилиги:*** ҳар қандай ўқув материалига “қадам-бақадам” ишлов бериб бўлмайди; ўқувчининг маҳсулдор мулоқоти ва ақлий камол топиши чеклана-ди; таълимда мулоқот ва ҳис-туйғу етишмовчилиги рўй беради.

Мазкур таълимнинг ғоялари янги таълим технологияларини (масалан, модулли таълим технология ва ш.к.) вужудга келтирган.

Юқорида таъкидланган таълим моделларини ўқув жараёнида кенг фойдаланиладиган *дидактик моделлар* билан аралаштирмаслик керак. Таълим

жа-раёнида, тор маънода, қуйидаги *дидактик* андазалардан кенг фойдаланилади:

1. ***Тузилмали моделлар*** **-** таълим мазмунини акс эттиради. Уларга хил-ма-хил таянч ишорали матнлар, тузилмали-мантиқий чизмалар мансубдир.

2. ***Функцияли моделлар*** – таълим жараёнининг таркибий қисмлари ўртасидаги зарурий алоқадорликни очиб беради ва ўқув ҳаракатларининг кет-ма-кетлик тартибини белгилайди. Улар йўриқномалар, машқлар, дидактик во-ситалар ва тузилмали-мантиқий чизмалар таркибига кирувчи айрим ахборот тўпламлари кўринишида бўлади.

3. ***Боғланишли моделлар*** – таълим мазмунини тушунтириш функция-сини бажаради. Бундай моделлар ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги бево-сита мулоқотни билвосита мулоқотга айлантиради, ўқувчиларнинг билиш жа-раёнини тартибга солади, ўқув ишлари қоидалари ёки амалларини тавсиф-лайди.

## 2. Педагогика фанини ривожлантириш тенденциялари ва омиллари

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизими амалиётида қуйидаги ***ўзига хос ҳолатлар*** вужудга келган:

1) таълим-тарбия ресурслари жамият эҳтиёжларига мос келмаслиги ту-файли шахсни ижтимоий ҳаёт ва бўлғуси касбий фаолиятга тайёрлаш сифати-нинг умумий пастлиги;

2) таълим-тарбия сифатини назорат қилувчи ваколатли тузилмаларнинг ўқув-тарбия муассасаларини лицензиялаш ва аккредизация қилишни расмий ташкил этиш билан чекланиб, уларнинг амалда кечаётган таълим жараёнини етарлича назорат қилмаслиги;

3) маърифий муассасалар ўта жиддий молиявий танқислик шароитида ишлаши, таълим-тарбия соҳасини тижоратлаштиришнинг ҳозирги ҳолати уни инқироздан олиб чиқа олмаслиги;

4) стратегик нуқтаи назардан таълим-тарбия тизими ва жараёнини унинг барча таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришнинг самара-ли концепцияси ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек маърифий муассасалар фаолиятини маълум бир тарзда тартибга солиб турадиган қонун-қоидалар мавжудлиги, бироқ таълим-тарбия тизими ва жараёнида шаклланган умумий қолиплар унинг яхлит ривожланишига эмас, балки айрим қисмларининг ёмон-лашувига олиб келганлиги;

5) маърифий муассасалар фаолиятининг давлат томонидан тартибга со-линиши кучайганлиги, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини қатъий тартибга

со-лувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (молиявий эркинлик, вариатив ДТС, ўқув режалари ва дастурлари ва ш.к.) мавжуд эмаслиги;

6) педагогик ва кадрлар тайёрлаш сиёсатининг аниқ концепцияси тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги;

7) маърифий муассасалар (мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, профессионал таълим муассасалари), айниқса ҳудудий олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳияти пастлиги;

8) таълим-тарбия соҳасида халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши ва янги таълим-тарбия технологияларининг қўлланилиши ва ш.к.

Замонавий таълим-тарбия тизими ва жараёни ўтмишдаги фаолиятга эмас, балки келажак фаолиятга йўналтирилган бўлса, чинакам инновацион хусусиятга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан замонавий педагогикада, маърифий тизим ва жараёнда қуйидаги ***умумий тараққиёт тенденциялари*** кузатилмоқда:

***1. Таълим-тарбия тизими ва жараёнини демократлаштириш***. Таълим турлари ва мазмунини танлаш эркинлиги, уларнинг ҳаммабоплиги, таълим-тарбия тизими ва жараёнини бошқаришнингнинг демократик табиати ва маърифий муассасалар автономияси.

***2. Таълим-тарбия жараёни ва ўқувчи-талабалар меҳнатини индиви-дуаллаштириш.*** Индивидуаллаштириш синф (аудитория) машғулотларига ажратилган вақтни камайтириш ҳисобига ўқувчи-талабаларнинг мустақил ижодий ишлари ҳажмини сезиларли оширишни назарда тутади.

***3. Таълим-тарбияни инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаштириш***. Таълим-тарбия жараёнида асосий эътибор ўқувчи-талаба шахсига йўнал-тирилади. Ўқувчи-талаба таълимий-тарбиявий фаолият субъектига айланади. Уларнинг маданий дунёқараши гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар ҳисобига кенгайтирилади. Инсонпарварлаштириш тушунчаси остида умумин-соний қадриятлар, инсон ҳаёти ва саломатлиги, шахснинг эркин камол топиши тушунилади. Ижтимоийлаштириш ўқувчи-талабалар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам энг қулай шакллар, методлар ва шарт-шароитлар яратилишини ўз ичига оладики, бунда инсоний муносабатлар, ўзга фикрларга чидамлилик, жамият олдидаги жавобгарлик кабилар шакллантирилиши лозим.

***4. Таълим-тарбия тизими ва жараёнини компьютерлаштириш***. Компьютерлаштириш нафақат ҳисоблаш ва график ишлар учун, балки ахборот тизимларига кириш услуби, шунингдек автоматлаштирилган тизимлар ва маъ-лумотларни тақдим этиш воситаси сифатида тест ва педагогик назорат учун ҳам кат-та амалий аҳамият касб этади.

5. ***Таълим-тарбия тизими ва жараёнини фундаментлаштириш***. Бу ўқувчи-талабаларнинг фундаментал (умумилмий) тайёргарлигини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни назарда тутади. Фундаментал фанлар бўлғуси мута-хассисларга ўз соҳасида эркин мўлжаш олишга, тўпланган янги материал-ларни мустақил таҳлил қилишга, нотўғри қарорлар қабул қилинишининг олдини олишга имкон беради.

Технологияларнинг тез ўзгариши яхши фундаментал тайёргарликни ва янги технологияларни тез ўзлаштириш қобилиятини талаб этадики, бу ишни тор доирада амалга ошириб бўлмайди.

***6. Таълимий-тарбиявий дастурларни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш,*** шу жумладан, тегишли тармоқларнинг етакчи корхоналарига таълимий хизматларни тақдим этиш. Бу шуни англатадики, ўқувчи-талабалар маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шерик корхоналарда таълим олиш имкониятига эга бўлади.

***7. Узлуксиз ва мустақил таълим-тарбия олиш*** ўқувчи-талабаларнинг мустақил таълим олиш қобилияти ва кўникмаларини шакллантиришга, уларнинг узлуксиз таълим тизимга қўшилиши ҳамда ўз билими, кўникмаси ва малакасини доимий оширишга имкон беради. Шунингдек, ўқувчи-талабаларнинг амалий лойиҳаларга, ўқув ишларининг жамоавий шаклларига (ҳамкорлик, шериклик ва ш.к.) жалб этилишини англатади.

Узлуксиз таълим ва мустақил таълим олишни ташкил этиш вазифалари қўшимча *норасмий* (курслар, тренинглар, қисқа дастурлар, масофавий таълим ва ш.к.) ва *кундалик таълим* (интернет-ресурслар, радио, телеведение, газета-журнал, кутубхона ва ш.к.) билан ҳам ҳал этилиши мумкин.

***8. Ижодий ўқувчи-талаба шахсини шакллантириш***. Бу ўқувчи-талабаларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришга имкон берувчи самарали таълим технологиялари ишлаб чиқилишини тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар маърифий тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари қуйидагилардан далолат бермоқда:

1) ижтимоий ва маънавий тараққиётнинг зарурий шарти сифатида аҳолининг илм-маърифатга, яъни маълумотли, ўқимишли бўлишга иштиёқи, қизиқишлари мунтазам ортиб бормоқда;

2) бепул таълим-тарбия бериладиган давлат маърифий муассасалари тармоғи кенгайиб бормоқда;

3) хусусий маърифий муассасаларда пуллик таълим хизматини кўрсатиш тенденцияси сақланиб қолмоқда;

4) давлат бюджети ҳисобидан таълим тизимини молиялаштириш ҳажми ошиб бормоқда;

5) маърифий муассасалар учун турли манбалардан маблағлар тўпланмоқда;

6) маърифий муассасаларни ҳудудий бошқариш тамойили кенгаймоқда;

7) турли йўналишдаги маърифий муассасаларнинг тузилмавий хилма-хиллиги ортиб бормоқда;

8) маърифий муассасаларда ўқувчи-талаба томонидан танлаб ўрганиладиган ўқув фанларга асосий эътибор қаратилмоқда ва ш.к.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқилган ҳолда ***педагогика фани тараққиётига*** таъсир этувчи қуйидаги омилларни таъкидлаш мумкин:

- математик-статистик, биопсихологик ва гносеологик фанлар натижаларидан кенг фойдаланиш асосида педагогиканинг инсоншунослик фанлари билан чуқур алоқалар ўрнатиши ва илмий педагогик билимлар интеграциясининг кучайиши;
- дунёни педагогик англашнинг назарий-фундаментал доираси кенгайиши, яъни педагогика фаннинг илмий мақоми ва ижтимоий функциясини сақлаб қолиш, ривожлантириш учун назариядан амалиётга ҳаракатланиш;
- педагогик фанлар тараққиётини таъминлашда математик-статистик ва семантик-семасиологик ахборот манбаларидан тизимли фойдаланишга ўтили-ши;
- ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини уйғунлаштириш, ижтимоий муно-сабатларни тартибга солиш механизмларини бошқаришда таълим жараёнини ахборотлаштиришга алоҳида эътиборнинг кучайиши;
- педагогика фанининг ўзига қарашли ҳаракатланиш, тараққиёт йўлини сақлаб қолишига эришиш ва унинг бошқа фанлар категорияларидан ўринсиз фойдаланиши ҳисобига тушунарсиз мураккаблашувига йўл қўймаслик;
- глобал педагогик муаммоларни ҳал этиш учун шахслараро, миллатлараро ва давлатлараро муносабатларни инсонпарварлаштириш ва аҳлоқий меъёрлар тўлиқ таъминланишига доир илмий-тадқиқотларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз маърифий тизимида содир бўлаётган туб инновациялар жараёни жаҳон маърифий тизимига интеграцияланиш ва унинг ривожланиш тенденцияларига ҳамоҳанглигидан дарак беради.

## 3. Педагогика фани ва амалиёти интегацияси: педагогик фаолият, талабалар педагогик амалиёти, инновацион маърифий муассасалар ва маърифий кластерлар муаммолари ва ечимлари

Маълумки, педагогика *фани* ва *амалиёти* ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги педагогиканинг энг умумий муаммоларидан биридир. Бу муаммоларнинг қай тарзда ҳал этилиши педагогика фанининг ривожланиши, педагогик инновацияларнинг сифати ва маърифий соҳани модернизациялаш борасидаги ютуқларга, умуман олганда, яхлит маърифий тизимнинг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Гап назария ва амалиёт бирлиги ҳақида кетмоқдаки, педагогика фани - *педагогик билимлар тизими*, педагогик амалиёт - *педагогик фаолият* сифатида талқин этилади.

Педагогик фаолиятнинг бир неча турлари фарқланади:

1) амалий педагогик фаолият;

2) маъмурий педагогик фаолият;

3) илмий педагогик фаолият;

4) педагогика фани натижаларини амалиётга ўтказиш фаолияти.

Назария ва амалиёт бирлигида *педагогика фанининг ҳолати* икки тарафламалик (иккиланиш) хусусиятига эга: бир томондан, педагогик ва илмий фао-лият педагогиканинг тенг ҳуқуқли, ёнма-ён жойлашган тури сифатида намоён бўлади, иккинчи томондан – илмий билиш педагогик фаолият тизимига кири-тилган ва унинг амалий, маъмурий каби турларидан бири сифатида тан олин-ган. Демак, амалий ва илмий педагогик фаолият бирлиги объектив мавжуд-дир.

Шу нуқтаи назардан илмий педагогик фаолиятнинг объекти – бу амалий педагогик фаолият тизими сифатида талқин этиладиган *маърифат* (таълим, тарбия орқали баркамол шахсни шакллантириш) соҳаси ҳисобланади. Амалий педагогик фаолиятнинг мақсади ва натижаси – ўқимишли ва тарбияланган ша-хсни шакллантириш. Педагогика фанининг натижаси эса *педагогик билимлар*, яъни педагогик фаолият қонунлари, тамойиллари ва қоидалари ҳисобланади. Демак, ***педагогика назарияси*** – бу аслида педагогик амалиёт назарияси, аниқ-роғи, амалий педагогик фаолият назариясидир.

Жамиятда амалий педагогик фаолият тизимининг ҳаракатланиш, ўзгариш суръатига сабаб бўладиган *омиллар* муҳим аҳамият касб этади. Бу омиллар си-расига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, ундаги ҳаётий шароитлар ва мафкуравий мўлжалларнинг ўзгариши;

2) маърифий жараённинг мақсади ва натижаси ўртасидаги тафовутлар (таълим-тарбия мақсадлари ўзгариб, педагогик тизим эскича қолганида, яъни фаолият натижалари мақсадларга мос келмаслиги туфайли пайдо бўлади);

3) ички омил - педагогик назария, аниқроғи, маърифий соҳасидаги назарий фаолият ривожланишининг мантиғи.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида юқорида келтирилган учта омил таъсирида амалий педагогик фаолият мазмуни, шу асосда педа-гогика назарияси ҳам туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Хусусан, таълим ва тарбия *мақсадлари* ўзгарди, *таълим (маърифий) технологиялар* вужудга кел-ди. Бироқ охирги ўн йилликда бошқа соҳалар каби маърифий соҳада ҳам ву-жудга келган турли-туман муаммолар мажмуи педагогиканинг илдам ривож-ланишига тўсқинлик қилиб, инқирозли ҳолатни бошдан кечиришига олиб кел-ди.

Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда туб ислоҳотлар амалга оширилиб, давлат бошқарувини тубдан янгилаш, иж-тимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш борасида кенг кўламли янгиланиш ва ташаббуслар бошланди. Уларни ҳаётга тўлиқ жорий этиш ижтимоий тараққиёт масъулиятини ўз зиммасига оладиган ватанпарвар, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлган иқтидорли ва истиқбол-ли, малакали ва рақобатбардош профессионал кадрларга жуда катта эҳтиёжни вужудга келтирди. Бу эҳтиёж, биринчи навбатда, жамиятнинг маърифий соҳа-сида туб ислоҳотлар бошланишига туртки бўлди.

***Ўқитувчилик касби*** – Ўзбекистон ва дунёдаги энг қадимий, кенг халқ оммасига хос бўлган ва нодир ҳунарлардан бири. *Ўқитувчи* – тарбиячи-мураб-бийлик ва устоз-муаллимлик ишини бир вақтнинг ўзида амалга оширадиган мутахассис педагог. ***Тарбиячи-мураббий*** ўқувчи-талабага (бошқа шахсларга) ҳаётнинг моҳияти, уни қандай кечириш, қанақа яшаш, ўзини қандай тутиш ке-раклиги кабиларни ўргатиб, йўл-йўриқлар кўрсатади, ***устоз-муаллим*** эса ин-соният томонидан тўпланган билим ва тажрибаларни беради, етказади ва улар-нинг онгига сингдиради. Педагогнинг бу *икки иши* ҳамиша, ҳамма вақт сақла-ниб қолади, агарда унинг ишида янги мазмун пайдо бўлса, педагогик фаолият-нинг вазифалари, методлари ва шакллари ўзгариши мумкин, холос

***Педагогик фаолият*** – шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришга йўналтирилган ҳамда педагог ва таълим (тарбия) олувчининг ўзаро ҳамкорлигига асосланган фаолият тури. Бошқача айтганда, ***ўқитувчи*** – те-гишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, маърифий муассаса ёки ташкилотда

педагогик фаолият юрита-диган ва педагогик жараёнга раҳбарлик қилиб, ўқув, илмий, услубий ҳам-да ташкилий ишларни амалга оширадиган мутахассис-педагог.

Ўқитувчи *илм* ва *амалиёт* ўртасидаги шахс. У маърифий жараённинг бе-восита ижодкори, ўқувчилар мактабда бошидан кечирадиган ўқув ва тарбия-вий вазиятлар яратувчиси. Том маънода, таълим муассасаларида ўқитувчи то-монидан вужудга келтириладиган ўқув-тарбия жараёни педагогика фанининг ўрганиш объекти ҳисобланади. Ўз навбатида, амалиётчи-ўқитувчи ижодкор-лар – ўқув адабиётлари (дарсликлар, қўлланмалар, методик тавсиялар ва ш.к.) муаллифларининг саъй-ҳаракати самарасига таянади. Мустақил фикрлайди-ган ўқитувчи ўз фаолиятида фан томонидан яратилган ва такомиллаштирилган турли воситалардан фойдаланиб, кенг кўламли назарий педагогик билимларни эътибордан қочирмайди. Шу боис ўқитувчи фаолиятининг педагогика фанига муносабати яна бир муҳим масала – *ўқитувчи ижоди манбалари* ва уни амалга ошириш соҳаси билан узвий боғланган. Юқорида айтилганидек, педагогика-нинг вазифаларидан бири ҳар бир ўқитувчига ўз фаолияти “режаси”ни асос-лаш ва ишлаб чиқишда тавсиялар, методик ишланмалар, турли қўлланмалар ва ш.к.лар орқали ёрдам беришдан иборат. Бироқ ўз ишига мустақил, ижодий ёндашишга интилаётган педагоглар ҳақида гап кетганда, бундай ёрдамнинг чек-чегараси борми, деган савол туғилади. Эҳтимол, буларнинг барчаси, яъни белгиланган педагогик меъёрлар ижодкор ўқитувчининг ташаббусига халақит берар, унинг дадил қадам ташлашига йўл қўймас?

*Педагогик манбалар* (“ишланмалар”) кўплаб педагоглар – назариётчи ва амалиётчиларнинг онги ва тажрибасини ўз ичига олади ва уларда деярли барча фан тармоқларининг натижалари ўз аксини топади. Бироқ педагогика фани на-тижалари ўқитувчига фақат *умумий, ўртача* мақсадга олиб борадиган йўлни кўрсатади. Ўқитувчи эса ҳамма вақт фақат “амалга оширувчи”, ижрочи бўлиб қолиши мумкин эмас. Унинг вазифаси ушбу манба, натижалардан заруриятига кўра ўқувчилар билан ишлашда фойдаланишдан иборат.

Педагогик фаолият тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқитувчи учун ўқи-тиш материаллари қанчалик тўлиқ тузилмасин, таълим ва тарбия методикаси қанчалик чуқур ишлаб чиқилмасин, ишдаги ютуқ тўлиқ кафолатланмайди. Агар ўқитувчининг ўзи маърифий мақсадларни тушунмаса, ўқувчиларнинг ич-ки дунёсига кира олмаса, буларнинг барчаси педагогнинг онгида ва маърифий жараёнда “ортиқча юк” бўлиб қолади. Дидактика, методика ва педагогик пси-хология бўйича тегишли тайёргарликсиз энг яхши дарсликлар,

қўлланмалар билан ҳам муваффақиятли ишлаш мумкин эмас. Назарияни билиш ўқитувчига ўз педагогик ҳатти-ҳаракатлари мантиғи ва изчиллигини белгилашга, уларни муайян бир тизимга солишга ва кутилган натижаларни олдиндан кўришга ёрдам беради.

Ўқитувчи дарсдаги барча педагогик омилларга эътибор қаратиш, улар ҳақида ўйлаб кўриш учун ҳар доим ҳам вақт ва имкониятга эга бўлмайди. Унга кўпинча етарли мантиқий асосларсиз, ички педагогик сезгирлик билан тезда қарор қабул қилишга тўғри келади. *Педагогик сезгирлик (интуиция)* олдиндан тажриба тўпланишини, кўп сонли далилларни тушунишни, яъни интуитив ра-вишда қабул қилинган қарорларни кейинчалик англашни назарда тутади. Ин-туиция бевосита билим сифатида объект билан ўзаро муносабатда ҳосил бўла-ди. Ўқитувчининг интуитив тажрибаси – ўқувчилар билан шахсий мулоқоти тажрибасидир. Бу тажрибада педагогик такт, ноанъанавий ҳатти-ҳаракат ва ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш қобилияти каби ўқи-тувчи шахси учун зарур бўлган сифатлар намоён бўлади ва шаклланади. Бироқ интуитив тажриба ўқитувчининг ўзига чекланган фойда келтиради ва бошқа-ларга жуда кам ёрдам беради.

Ёш ўқитувчи тажрибали педагогларнинг *очиқ дарсларини* кузатиш орқа-ли педагогик инноватиканинг янги қирралари ҳақида тушунчага эга бўлишга ва уларни ўз амалий фаолиятида қўллашга ҳаракат қилади. Дейлик, ёш ўқитув-чи қандайдир бир ўқув фани бўйича очиқ дарсда ўқувчиларнинг фаол илмий-тадқиқий фаолиятга жалб этилишини ўрганди ва уни ўз синфида такрорлашга қарор қилди, яъни ўз ўқувчиларига очиқ дарсда ўқувчилар бажарган вазифа-ларни (топшириқларни) таклиф қилди. Бироқ иш муваффақиятсиз якунланди, чунки аксарият ўқувчилар топшириқларни қандай бажариш, ўқув асбоб-ускy-наларини қандай ишлатиш, тажриба натижаларини қандай қайд этиш керакли-гини билишмаган. Бу ҳолат ўқувчиларнинг олдиндан мустақил ишлашга тайёр эмаслиги оқибатида юз берган. Агар ўқитувчи ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришнинг умумий қонуниятларини билганида эди, бундай муваффақиятсизликка йўл қўймаган бўлур эди.

Педагогик жараёнда амал қилувчи *объектив омилларни* билмасдан энг яхши тажрибани (намунани) оддий кўчириб олиш илғор тажрибани адолатсиз салбий баҳолашга олиб келиши мумкин. Бундай билимларни фақат педагогика фани беради. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: яхши тажрибани айнан кў-чириб бўлмайди, балки ундан олинган фикрдан фойдаланиш керак бўлади.

Замонавий ўқитувчи турли хил педагогик вазиятларда янги воситаларни қўллаб, мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга. Турли

мазмундаги кўрсатмалар ва педагогик “қолип”лар (андазалар, йўллар) – ўқитувчи ижодий фаолиятини бошлаш ва кенгайтиришнинг дастлабки шарти. Демак, ўқитувчига педагогик ижод учун доимо *илмий билимлар* керак бўлади. Булар ўқув материаллари муаллифлари томонидан аниқланган ва қўлланилган таълим ва тарбия қонуни-ятлари ҳақидаги билимлардир.

Савол туғилади: ижодкор ўқитувчига назарий педагогик билимлар керакми, у қандайдир педагогик меъёрларга муҳтожми? Агар ўқитувчи тавсия ва ишланмаларни оддий ижрочи сифатида эмас, балки мустақил фикрлайдиган ва профессонал педагог сифатида қабул қилса, улар ўқитувчи ижодини чекла-майди, аксинча, унга кенг йўл очиб, ёрдам беради. Чунки меъёрий билимларда кўплаб педагогларнинг ижодий фаолияти тажрибаси илмий кўринишда ўз ак-сини топади ва шу сабабли уларни инкор қилиб бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун-қоидаларни билиш ва касбий саводхонлик педагогик ишга халақит бермайди. Зеро, билимсиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди.

Амалиётчи-ўқитувчининг ижодий фаолиятини педагогика назарияси ка-тегорияларида англаб олиш мумкин ва зарур. Педагогик ишдаги ютуқ ва кам-чилик сабаблари ҳақида фикр юритилар экан, буларни “фан тили”да қилишни ўрганиш керак. Педагогик меҳнатга ижодий муносабат фандаги билимлар ва унинг тушунча-терминология тизимидан фойдаланиш кўникмаси ва маҳора-тини талаб қилади. Ҳозирги кунда ўқитувчига таълим стандартларида келти-рилган мўлжаллардан фойдаланган ҳолда ўз амалий фаолияти учун зарур бўл-ган барча асосларни ўзи мустақил танлашига тўғри келмоқда. Бу ҳолат таклиф этилган ўқув материаллари ва шахсий фаолиятни илмий нуқтаи назардан баҳо-лаш кўникмасига эга бўлишни, яъни ўз ишининг мантиғи ва методикасини умумий маърифий (таълимий, тарбиявий) мақсадлар ва ҳаётга мос равишда ташкил этишни ўртага қўймоқда.

Айтиш мумкинки, педагогика фанининг амалиёт билан биргаликда бажарадиган *илмий-назарий функцияси* ўқитувчига нисбатан тушунтириш вазифасини бажаради. Педагогиканинг *амалий-техник функцияси* эса меъёр (тартибга солувчи) сифатида гавдаланади, яъни ўқитувчи ўз фаолиятида бевосита таяниши, мўлжал олиши мумкин бўлган меъёрий билимларни акс эттиради.

Шундай қилиб, ўқитувчи педагогика фанидан ўз фаолияти учун зарур бўлган *воситаларни* икки йўл билан олади:

биринчи йўл - педагогик воқеликни назария орқали тавсифлашдан илмий асосланган лойиҳага қадар бўлган йўл; бунда ўқитувчи барча педагогик тадқиқотларнинг якуний маҳсулотидан фойдаланади;

иккинчи йўл - ўқитувчи ўз амалий фаолияти моҳиятини тушуниши, анг-лаши учун назарий педагогик билимлардан фойдаланади.

Шу сабабли амалий фаолиятда фан ва амалиёт ўртасидаги алоқалар цик-ли тугайди ҳамда педагогика соҳасидаги барча илмий ишларнинг натижалари-дан фойдаланилади, деган фикр-мулоҳазалар тез-тез қулоққа чалиниб туради.

*Илғор тажрибани умумлаштириш ва жорий этиш* – бугунги кунда ўт-миш соясига ўхшаб қолмоқда. Педагогик фаолият меъёрлари амалиёт учун мўлжал сифатида жуда фойдали, бироқ педагогикага *қолипли ёндашувни* жо-рий этиш мумкин эмас. Педагогика фанидан ўқитувчига ҳар қандай қийинчи-ликдан осонгина чиқиб кетишга имкон берадиган барча педагогик «қулф»лар-нинг «калит»ларини талаб этиш - ўринсиз ва бефойда иш. Бундай универсал очқичлар йўқлиги маълум бўлгач, бўрттирилган орзу-умидлар ўрнида *ниги-лизм* (қонунлар, қоидалар, тамойилларни инкор этиш) ва ўтмишдаги энг яхши намуналарга мурожаат қилмаслик ҳолати пайдо бўлади. Ўтмишнинг бундай қолдиқлари сирасига бир пайтлари жуда машҳур бўлган “илғор педагогик таж-рибани ўрганиш, умумлаштириш ва татбиқ этиш”ни киритиш мумкинки, унинг асоссиз (пуч) далил эканлиги педагог олимлар томонидан бир неча бор исботланган. Бироқ педагогика фанидаги ушбу шубҳали нуқтаи назарни қайта тиклашга уринишлар аҳён-аҳёнда бўлсада, учраб турибди.

Бундай қолдиқларга нисбатан *нотанқидий* муносабат ишга харақит бе-риши мумкин. Чунки бирор илғор педагогик тажрибанинг *айнан ўзини эмас, балки бу тажрибадан келиб чиқадиган фикрларни ўзгаларга етказиш* мумкин. Тасаввур қилинг: умумтаълим мактабларида “илғор” академик лицейнинг иш тажрибаси жорий этилмоқда, яъни мактабга илғор тажриба сифатида мажбу-ран тайинланган. Бундай ҳолатда “илғор”лардан мактаб шароитига тўғри кела-диган қандайдир оддий тажрибани, унинг бирор элементини ўрганиш, ўзлаш-тириш мумкин, яъни бундай “тажриба алмашиш” билим ва талабчанликни – педагогикадаги инновацион фаолият муаммоларини ўрганиш ва инновацион тизимларни чуқур илмий асослашни талаб қилишдан кўра анча осондир. Аммо ундан кўзланган мақсад натижасини кутиш асло мумкин эмас. Масалан, *суҳ-бат методи* бўйича илғор тажрибаларни ҳар қанча ўрганиш, умумлаштириш, жорий этиш ва чексиз такомиллаштириш умуман олганда ўз моҳиятини сақлаб қолган янги суҳбат методи ёки таълимнинг янги технологияси пайдо бўлишига олиб келмайди. Гап шундаки, тубдан *янгиланиш* учун мутлақо бошқача *фикр-лаш тарзи* ва унинг билан боғлиқ *изланишлар* керак. Илм-фан учун нафақат ижобий, балки салбий тажрибалар ҳам қадр-қимматга эга. Хатоликлар, муваф-фақиятсизликлар оқибатида, масалан, тажрибада аниқланган ўқув материал-ларининг ҳақиқий ўқув шароитларига мос келмаслиги, мақсад ва

натижалар ўртасидаги кескин тафовутга оид далиллар ўрганилиб, *назарий хулосалар* чи-қариш учун материаллар тўпланади.

Демак, фан ва амалиёт ўртасидаги алоқа тизимида педагогик тажриба-нинг функцияларидан бири шундаки, у кутилмаган вазиятлар ва муаммоларни ўз ичига олиб, илмий тадқиқотни тажрибадан олинган материаллар билан таъ-минлайди. Фан нуқтаи назаридан амалий тажрибага бевосита мурожаат қилиш тадқиқотчи-педагогга тажрибага асосланган матерални тақдим этади.

Тажрибанинг яна бир функцияси *фойдаланиш учун қулай* бўлганда на-моён бўлади, яъни у кўплаб амалиётчи-педагоглар учун яхши иш намунаси бў-либ хизмат қилиши мумкин. Бироқ бундай намуналарнинг аҳамияти чеклан-ган. Улар нусха кўчириш учун эмас, балки тушуниш, эҳтимол, тақлид қилиш учун фойдалидир. Аниқ бир ўқитувчи томонидан муайян шароитларда амалга оширилаётган тажрибани бошқа мактабга тўғридан-тўғри кўчириш, “жорий этиш” одатда яхши натижаларга олиб келмайди. Тажриба ҳамма вақт уни бо-шидан кечирган кишининг ютуғи бўлиб қолади. Бундан асосли хулоса, яъни *тажрибага асосланган назария* келиб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, яқин ўтмишда шундай ҳолатни кузатиш мумкин эди: ҳамкасблар илғор тажрибани ўрганиш мақсадида ижодий ишлаётган ўқи-тувчи олдига келиб, унинг дарсларини кузатиб, барча ҳолатларни ёзиб олади-лар. Кейин шу ёзувлар асосида амалий ишлашга ҳаракат қилиб кўрадилар ва охир-оқибат, ундан яхши самара олмайдилар. Бу бошқа бировнинг тажрибаси-ни *бевосита нусхалаш* туфайли, бошқача айтганда, физикадаги “қисқа тута-шув” ёки “суптропик экинни тундрада ўстириш” каби педагогик ҳодиса содир бўлади. Ҳаммага аёнки, субтропик экинни тундрада илдиз оттириш учун энг аввало тегишли шароитлар, яъни қандай тупроқ, қанақа ҳарорат ёки намлик даражаси зарурлиги ҳақида тушунчага эга бўлиш керак. Агар буларнинг бар-часи билиб олинса ва субтропик экин учун махсус хонада шарт-шароит яра-тилса, уни экиш ва парваришлаш мумкин бўлади. Илғор педагогик тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва татбиқ этишни ҳам шунга ўхшаш жараён сифати-да тасаввур қилиш мумкин. Аммо бу рўй бериши мумкин бўлган энг салбий ҳолат эмас. Гап шундаки, илғор тажрибани ўрганган, бироқ муваффақият қо-зона олмаган ўқитувчи ўзидан илғор ходим чиқмаслигига ишонч ҳосил қилади ва аввалги ҳолатига қайтади. Бироқ яхши иш билан танишиш, эҳтимолки, из-сиз кечмайди. Агар масалага виждонан, профессионал ва ижодий ёндашилса, ўқитувчи нимага эришиш мумкинлигини ўз кўзи билан кўради.

***Педагогик иш – ижодий жараён***. Ҳатто энг илғор педагог ҳам ўз фик-рини ўзгартириши, қандайдир метод ёки усуллардан воз кечиши мумкин. Ле-

кин илғор педагоглар томонидан яратилган тажрибалар бошқа таълим муасса-салари ёки ўқитувчилар фаолиятида самараси бор ёки йўқлигидан қатъий на-зар, қонунийлашган модел (андаза) сифатида деярли барча таълим муасасала-рини “кезиб чиқади”.

***Фан ва амалиётда ишловчиларнинг кучларини бирлаштириш*** – муҳим педагогик вазифаларидан бири.

Назарий билимлар умумийлик (ҳаммага оидлик), бир хилликнинг катта даражаси билан ажралиб туради. Бу дастлабки эмпирик материалларни қайта ишлаш натижасида олинган назарий “концентрат” (бойитилган билим) асосида тадқиқот натижалари акс этган, яъни амалиёт берадиган тузилмаларни яра-тишга имкон беради. Шу тарзда ҳар бир ўқитувчига тажрибадан келиб чиқади-ган фикрларни етказиш мумкин.

Бу масаланинг фақат битта томони, иккинчи томони шундаки, ўқув-тар-бия жараёнининг ҳақиқий, бевосита ижодкори, муайян ўқув ва тарбиявий ва-зиятлар яратувчиси ***ўқитувчи*** ҳисобланади. Унинг касби – табиатан ижодий-дир. Ўқитувчининг иш столида турадиган материаллар (дастурлар, дарслик-лар, тавсияномалар) ўз-ўзидан “ишлаб кетиши”га ишониш мумкин эмас. Уму-мийликни ифодаловчи *фан* ўқитувчининг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини олдиндан белгилаши ва унга босадиган ҳар бир қадамини кўрсатиши мумкин эмас.

Шу билан бирга *фақат ўз тажрибасига таяниб қолиш* ҳам тўғри эмас. Илмий асосланган меъёрий материалларда умумий мақсадлар ва педагогик ҳо-дисаларни билиш тажрибаси мужассамланган бўлади. Бироқ улар қандайдир ўзгармас кўрсатмалар эмас, балки ҳар бир ўқитувчи ўз ишида ўз фикри билан ҳисобга оладиган мўлжаллардир. Чунки ҳар қандай умумийликда алоҳидалик мавжуд бўлади. Илм ва амалиёт ишини тўғри йўлга қўйишда айрим педагог-нинг ташаббуси ва ижодкорлиги назарий ва меъёрий педагогик билимларга зид келмайди. Меъёрий билимларда педагогик фаолиятнинг барча қирралари бўйича ижодкорлик натижалари қайта ишланган кўринишда акс этади ва шу сабабли меъёрий билим ва ижодкорлик бир-бири билан “зиддият”га бормайди.

Сўнгги пайтларда педагогикада кенг тарқалган ҳар хил “технологиялар” энди барча муаммолар ҳал қилинди, деган фикрни келтириб чиқармаслиги ке-рак. “Таълим технологияси” ибораси аслида педагогиканинг “хусусий мето-дика” деб аталадиган тармоғига тегишли тушунча. Тушунчаларни битта мада-ний ва лингвистик контекстдан бошқасига бевосита (тўғридан-тўғри) ўтказиш (кўчириш) баъзан тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Аслида ҳақиқий технологик жараён одамсиз, унинг атрофида кечиши керак. Қатъий алгорит-мик ва

робототехник қоидаларга кўра технологиялар воситасида аниқ, сифат-ли маҳсулотларнинг узлуксиз ишлаб чиқарилиши таъминланади. Педагогика-даги бу иш унчалик аниқ бир маънога эга эмас. Гап шундаки, ҳар ҳолда одамни технология эмас, бошқа одамлар тарбиялайди. Ўқитувчи ўз ишига масъулият-сиз муносабатда бўлса, ўз ишининг моҳиятини мустақил англаш кўникмаси-га эга бўлмаса, унга ҳеч қандай *технология* ёрдам бермайди. Қисқаси, педаго-гик тизим, замонавий техник тузилмалардан фарқли ўлароқ, тирик одамсиз ҳеч қанақасига ишлай олмайди.

*Методика* ўқитувчига ҳатти-ҳаракатлар эркинлигини беради. Методик меъёрлар қанчалик аниқ бўлмасин, улар муқаррар равишда *ўртача* хусусиятга эга бўлади ва амалиётчи ўқитувчига ўзининг иш шароитлари, шахсий имкони-ятлари, шунингдек ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ва шахсга йўналти-рилган таълим имкониятларини ҳисобга олиб, батафсил ишлаб чиқишга имкон беради. Ўқитувчининг шахсий фаолиятида ўқув материаллари қисман ўзга-ришларга учрайди.

Ҳар қандай амалий тажрибани қуйидаги гуруҳлардан бирига киритиш мумкин: *муваффақиятсиз тажриба; яхши тажриба; жуда яхши тажриба* (анъанага кўра, бу гуруҳ илғор тажриба деб аталади).

Муваффақиятсизлик сабаби ҳаддан ташқари кенг, батафсил ёзилган дар-слик (қўлланма) ёки чигал ўқув дастурлари бўлиши мумкин. Бундай номуво-фиқлик тузувчи ёки муаллифларни барча материалларни қайта илмий асос-лашга мажбур қилади. Муваффақиятсиз тажриба ўқитувчиларнинг етарлича тайёр эмаслиги, фанга бепарволикни келтириб чиқарувчи методологик мада-ниятнинг етишмаслиги, зарур методик материалларнинг йўқлиги ёки педаго-гика фанида айрим муаммоларнинг тадқиқ этилмаганлиги сабабли ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчиларга тегишли яхши ва жуда яхши тажрибаларни фарқлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сабаби шундаки, уларни чегаралаш жуда қийин масала бўлиб, ҳақиқий илмий таҳлил керак бўлади.

Ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадларга яхши даражада эришиши, аммо бу мақсадларнинг ўзи тўлиқ бўмаслиги, ижтимоий буюрта ва сўнгги илмий ишланмаларга тўлиқ жавоб бермаслиги мумкин. Кейин номувофиқлик пайдо бўлади: иш яхши кетмоқда, бироқ натижалар ҳеч кимни қониқтирмайди. Ма-салан, тайёр билимларни ўқувчиларга етказишни ажойиб тарзда ташкил этиш мумкин, аммо шу билан чекланиб қолинса, ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилияти ривожланмайди ва улар ўқитувчи ёрдамисиз ўз билимларини тўл-дира олмайди. Оқибатда, бундай тажрибани намунали деб ҳисоблаш қийин бў-лади. Шу билан бирга, бундай тажрибани мақсадларнинг

ўзи етарли бўлмаса ҳам белгиланган ва эришилган мақсадлар доирасида яхши деб ҳисоблаш мум-кин. Сабаби шундаки, тайёр билимлар таълим мазмунининг асосий ва ажрал-мас қисмларидан бири бўлиб, ҳар қандай амалиёт бу қисмни четлаб ўта олмай-ди.

Шунингдек, мақсад ва мўлжаллар бўйича натижаларнинг жуда яхши бў-лиши ваъда қилинади. Дейлик, ўқитувчи таълим мазмунининг барча (тўртта) таркибий қисми билан ишлашни кўзда тутди. У ўз ўқувчиларига мустақил фи-крлашни, анъанавий стандартларда белгиланган, қотиб қолган билимлар дои-расидан четга чиқишни ўргатмоқчи бўлди. Аммо қандайдир сабабларга кўра буларнинг ҳеч бири амалга ошмади ва ҳеч қандай натижага эришилмади. Бун-дан шундай хулосага келиш мумкин: осмондаги лайлакдан қўлингдаги каклик ёки узоқдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши.

Шундай бўлса ҳам, тажрибани фақат унинг натижалари бўйича баҳолаш нотўғри бўлади. Шу билан бирга, тажрибада ўқув материалларининг сифати ва уларнинг илмий асосланганлиги ҳам текширилади. Бунда тажрибанинг ом-мавий табиати ҳам катта аҳамият касб этади.

Табиийки, мазмунига кўра тўлиқ ва қўлланилишига кўра муваффақият-ли тажриба ўзига хос қадр-қимматга эга бўлади. Бундай тажриба замонавий педагогик фаолият тизимини шакллантиришга ҳамда фан ва амалиётни янги марраларга олиб чиқишга хизмат қиладиган бир неча функцияларни бажаради. Улардан бири тажрибанинг фан билан фаол ўзаро боғлиқлиги бўлиб, унда ама-лий вазифалар ҳал этилади. Шунга қарамай фан амалий фаолиятдан олдинда бориши ва мактаб амалиётида ҳали мавжуд бўлмаган инновацияларни ишлаб чиқиши керак.

Юқорида таъкидланган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: педагогика фани ва педагогик фаолият бирлиги, уларнинг узвий боғлиқлиги ва алоқадорлиги – педагогик инновациялар манбаидир.

***Ўқитувчи*** – маънавий-ахлоқий қадриятлар соҳиби ва тақлид намунаси, шу сабабли унинг ахлоқий ва касбий шаклланиши бир-бири билан чамбарчас, мустаҳкам боғланган бўлади. Ўқитувчининг билимдонлиги, касбий маҳорати ва ахлоқ-одоби педагог шахсининг моҳиятини белгилайдиган бирламчи асос ҳисобланади.

Касбий тайёргарликнинг мазмуни *педагогик маърифат* (таълим, тарбия) мақсадининг амалга ошиши сифатида ўқитувчи шахси ва касбий фаолияти-нинг ўзгармас, идеаллашган кўрсаткичларини ўзида акс эттирувчи *профессо-граммада*, яъни педагогик касбни тавсифловчи белгилар тизимида тўпланади.

***Ўқитувчининг профессиограммаси*** – бу ўқитувчининг *малака тавсиф-номаси*, яъни унинг билими, кўникмаси ва малакасига, шахси ва қобилиятла-

рига, руҳий-физиологик имкониятлари ва касбий савиясига қўйиладиган асосий талаблар тўлиқ мужассамланган норматив ҳужжат (4.4-расм).




4.4-расм. **Ўқитувчи профессиограммаси**

***Ўқитувчининг вазифалари*** маълум бир фаолият турларини бажаришга йўналтирилган бўлади. Хусусан, ўқитувчининг *коммуникатив фаолияти* ўқувчилар, бошқа ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари ва ота-оналар билан

педагогик мақсадга мувофиқ муносабатлар ўрнатилишига қаратилади. *Ахборот бериш-олиш фаолияти* – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида тўғри ва қайтар алоқалар орқали ўзаро ахборот алмашинишидир. *Ривожлантириш фаолияти* – ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида идрок, тафаккур ва ҳиссий-иродавий на-моён бўлиш жараёнларини бошқариш ва шу асосда ўқувчиларни ўқитиш, тар-биялаш ва ривожлантириш бирлигини таъминлашдан иборат. *Мўлжалли фао-лияти* – ўқувчиларнинг қадриятли мўлжалларини аниқлаш ва тарбиялашни ўз ичига олади. *Сафарбарлик фаолияти* – ўқувчиларнинг билимлари ва ҳаётий тажрибаларини долзарблаштириш, уларнинг билиш мустақиллиги ва ижти-моий-сиёсий фаоллигини ривожлантиришдан иборат. *Амалий (конструктив) фаолияти* – амалий мазмунли (ўқув материалини танлаш ва тузиш, педагогик жараённи режалаштириш ва вужудга келтириш), амалий жараёнли (ўзининг ва ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини режалаштириш) ва амалий моддий (педа-гогик жараённинг ўқув-моддий базасини лойиҳалаштириш) каби таркибий қисмларга бўлинади. *Ташкилий фаолияти* – ўқувчиларни турли тадбирларга жалб этишга, ўқувчилар жамоасини вужудга келтиришга ва биргаликда фао-лият кўрсатишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар тизимини амалга оширишни на-зарни тутади. *Тадқиқий фаолияти* – педагогик ҳодисаларни ўрганишга наза-рий ёндашувни таъминлашга, яъни зарур ахборотларни излаб топиш, тажриба-синов ишларини ўтказиш, ўзининг ва бошқа ўқитувчиларнинг тажрибасини таҳлил қилишга қаратилади.

***Ўқитувчига касбий шартланган шахсий фазилатлар*** ҳам хос бўлиб, уларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) *фуқаролик фазилатлари* – ўқитувчининг фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллигида намоён бўлиб, энг муҳим маънавий-ахлоқий ва ташкилотчилик фазилатлари сирасига киради;

2) *шахсий (ўзига хос) фазилатлари* – кузатувчанлик (зийраклик), импро-визация (тайёргарликсиз уюштира олиш), педагогик интуиция (сезгирлик), пе-дагогик эрудиция (билимдонлик), оптимизм (некбинлик), топқирлик (ҳозир-жавоблик), рефлекция (фикр юритиш), эмпатия (кечинмага қайғудошлик, ҳам-дардлик) ва педагогик такт (хушмуомалалик, назокат) кабиларда намоён бў-лади.

***Ўқитувчининг касбий компетентлиги*** – бу унинг профессоналлигини (педагоглик ҳунарини ўзига касб қилиб олганлигини) тавсифловчи педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёрликнинг бирлиги (4.5-расм).




4.5-расм. **Ўқитувчининг касбий компетентлиги**

Ўқитувчига касбий шартланган талаблар мажмуининг қўйилиши педагогик фаолиятга касбий тайёрлик сифатида белгиланади. Педагогик фаолиятга касбий тайёрликнинг таркибида профессионаллик асоси сифатида назарий ва амалий тайёргарлик ажратиб кўрсатилади.

Бугунги кунда ўқитувчининг ***вазифалари*** қуйидаги функцияларни бажа-риши билан ҳам тавсифланмоқда:

1) *синф (гуруҳ) етакчиси* – синфда (гуруҳда) ижобий психологик муҳит яратиб, ўқувчи-талабаларга манзур бўладиган таъсир кўрсатади;

2) *нотиқ* - назарий маълумотларни (ўқув материалларини) тизимли, изчил тақдим этувчи, маърузачи;

3) *файласуф* – билим ва тажрибаларни таҳлил қилиб, дунёқараш муаммо-сини ишлаб чиқувчи;

4) *назоратчи* – ўқувчи-талабаларнинг маърифий фаолиятини назорат қилади ва ташхислайди;

5) *психолог* – маърифий соҳада психологик ёрдам, қўллаб-қувватлаш ва кузатиш мақсадида шахсда кечадиган психик ҳодисаларнинг намоён бўлиши, шакллари ва усулларини ўрганувчи, ўзини ҳамда ўзгаларни яхши билувчи ва тушунувчи;

6) *модератор* – маърифий жараёнда семинар, тренинг, давра суҳбати ва форумларни бошқарувчи, касбий мулоқотни ташкил этувчи;

7) *тренер* – ўқувчи-талабаларда амалий кўникмаларни ривожлантирувчи ва уларга машқлар орқали ёрдам берувчи;

8) *тьютор* – маълум бир ўқув фани бўйича билим ва кўникмаларни бериш мақсадида бир ёки бир неча ўқувчи-талаба билан ҳар куни, ҳар ҳафта ёки ойда қўшимча машғулотлар ўтказувчи шахсий ўқитувчи - репетитор;

9) *ментор* – касбий фаолият бўйича тавсиялар берувчи, ўз тажрибасини алмашувчи, маърифий материалларни (китоблар, мақолалар ва ш.к.) тавсия этувчи, режаларни ишлаб чиқишга кўмаклашувчи, туртки берувчи ва илҳомлантирувчи устоз, тарбиячи;

10) *коуч* – маърифий мақсадларга эришишда машғулотларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлашга ва коуч-технологиялар ёрдамида психологик муаммоларни ҳал этишга ёрдам берувчи маслаҳатчи-тренер;

11) *эксперт* – маърифий соҳада камроқ компетенцияга эга бўлган одамлар томонидан кўриб чиқилган ёки ҳал этиладиган масала бўйича малакали хулоса бериш ёки мулоҳаза юритиш учун таклиф этилган ёки ёлланган киши, яъни экспертиза ўтказувчи (кузатувчи, таҳлил қилувчи, текширувчи, хулоса, тавсия ва таклиф тайёрловчи, мулоҳаза билдирувчи);

12) *инноватор* – мунтазам ўз устида ишловчи, янги ғоялар яратувчи ва уларни амалиётга татбиқ этувчи; таълим-тарбия мазмунига ва машғулотларга инновацияларни жорий қилувчи;

13) *ассистент* – машғулотга зарур бўлган воситаларни амалда қўллашга тайёрловчи, машғулот иштирокчиларига ёрдам берувчи;

14) *технолог* – педагог жараённи (таълим-тарбия технологияларини) ишлаб чиқувчи ва ташкил этувчи, шунингдек улар устидан назоратни амалга оширувчи ва камчиликларни бартараф этувчи;

15) *методист* – ўқитиш (тарбиялаш) методикаси бўйича мутахассис, таълим-тарбия методларини ўрганувчи ва ишлаб чиқувчи.

16) *фасилитатор* – маърифий жараёнда гуруҳли мулоқот ва фаолиятни осон қилувчи, муваффақиятли таъминловчи ва холис баҳоловчи;

17) *менежер* – ўқувчи-талабаларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ўрганиб, таълим-тарбия жараёнини бошқарувчи ва стратегиясини ишлаб чиқувчи;

18) *маслаҳатчи* – маърифий соҳада мутахассис сифатида маслаҳат берув-чи, ўқувчи-талабаларга уларнинг тажрибасига асосланган ҳолда мавҳум ҳолат-ларни аниқлаштиришда ёрдам кўрсатувчи;

19) *котиб* – маърифий жараёнга тегишли маълумотларни ёзиб борувчи, ҳужжатларни расмийлаштирувчи ва ўрнатилган тартибда сақловчи;

20) *эдвайзер* – талабаларга таълимнинг индивидул йўналишини танлаш ва амалга оширишда (индивидуал ўқув режасини шакллантиришда) ва уларнинг ўқув дастурларини ўзлаштиришига ёрдам берувчи маслаҳатчи-устоз ва ш.к.

Умумий педагогика нуқтаи назардан бўлғуси ўқитувчи қуйидаги ***педаго-гик билим, кўникма, малака*** ва ***компетенцияларни*** эгаллаши лозим:

1) шахс камолоти ва педагогика фани; педагогиканинг объекти, предме-ти, вазифалари ва методологияси; илмий-педагогик тадқиқот методлари; педа-гогика фанининг мақсади ва умуммаданий аҳамиятига кўра тармоқлари, бош-қа фанлар билан интеграцияси; педагогикада маърифат, таълим ва тарбия ма-салалари; яхлит педагогик жараён; дидактика ва унинг объекти, предмети ва вазифалари; таълим (ўқитиш ва ўқиш) жараёни; таълимнинг турли моделлари ва ривожланиш йўналишлари; таълим қонуниятлари ва дидактик тамойиллар; таълим мазмуни ва уни белгиловчи меъёрий ҳужжатлар; таълим методлари, ташкилий шакллари ва технологиялари; таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш воситалари; таълим сифатини педагогик ташхислаш, назорат қи-лиш ва баҳолаш; тарбия

жараёни ва унинг вазифалари; тарбия қонуниятлари ва тамойиллари; тарбиянинг мазмуни ва методлари; миллий тарбия; тарбия ти-зими ва таркибий қисмлари (турлари, йўналишлари); жамоа; педагогик муло-қот ва тарбиявий технологиялар; миллий ғоя, маънавият асослари ва оила тар-бияси; Ўзбекистон Республикасида таълим тизими ва уни бошқариш; таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари; таълим муассасаси ва уни бошқариш; бошқарувда васийлик ва ҳомийлик; таълим, тарбия ва таълим муассасаси тўғрисидаги ғоянинг пайдо бўлиши; энг қадимги, ўрта, янги ва энг янги даврларда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар тараққиёти; ислом мада-нияти ва тарбия; тарбия тўғрисида Шарқ мутафаккирларининг қарашлари; Туркистонда таълим ва тарбия; Ўзбекистонда мактаб, маориф, таълим ва тар-биянинг ривожланиш тарихи; мустақиллик давридаги таълим ва тарбия тўғри-сидаги ***билимлар***;

2) педагогик қонун, қонуният ва тамойилларга асосланган ҳолда ўқув-тарбия ишларини ўтказиш; таълим-тарбияни ташкил этишнинг асосий шакл-ларидан амалда фойдаланиш; таълим-тарбия методлари ва воситаларини ама-лиётда қўллаш; ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар жамоасини самарали бош-қариш, ўқувчилар хулқи ва фаолиятини рағбатлантириш; педагогик вазиятлар-ни ва таълим-тарбия натижаларини таҳлил этиш; ўқувчи ва ўқувчилар жамоа-ларини ўрганиш ҳамда таълимда орқада қолиш сабабларини аниқлаш; маъри-фат ва педагогика тарихи тараққиётини таҳлил қилиш каби ***кўникмалар;***

3) психологик-педагогик адабиётлар билан ишлаш; ўқув материалларини тўплаш ва саралаш; дидактик ишланмалар ва ўқув топшириқларини тайёрлаш; педагогик тадқиқотлар ўтказиш; таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш; синф (гуруҳ) раҳбари тарбиявий ишларини ташкил этиш; ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнини режалаштириш ва амалга ошириш; ота-оналар билан ишлаш; таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-ларнинг ёш хусусиятлари ва шахсий имкониятини ҳисобга олиш; тарихий-пе-дагогик таққослаш ва умумлаштириш каби ***малакалар;***

4) касбий-педагогик билимлар ва ахборотлар билан ишлаш, ўқувчилар ва бошқа шахслар билан ўзаро мулоқотга киришиш, педагогик жараённи ташкил этиш каби ***муҳим***; педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, ўзини-ўзи педагогик таҳлил қилиш ва бошқариш, амалий педагогик фаолият юритиш каби ***таянч***; педагогик жараённи лойиҳалаш, педагогик тадқиқотлар ўтказиш каби ***махсус компетенциялар***.

Талабалар юқорида қайд этилган билим, кўникма, малака ва компетенция-ларни етарли даражада ўзлаштирса, умумий педагогика фани доирасида ***педа-гогик маданият*** асосларининг вужудга келиши таъминланади (4.6-расм).

Ўқитувчининг юқорида таъкидланган вазифаларини педагогик фаолият-нинг ўзига хос қирралари сифатида тушуниш керакки, улар педагогик вазият-ларга боғлиқ ҳолда турланиб ва намоён бўлиб туради.

**Педагогика фани ва амалиёти интегациясини** таъминлашда бўлғуси ўқитувчиларнинг педагогик (малакавий) амалиёти муҳим ўрин тутади.

Талабалар малакавий амалиёти жараёни - бу талабани касбий фаолият-га ўргатувчи, касбий шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараёндир. Шу-нинг учун ҳам бу жараённи методик бошқариш қулай, мосланувчан ва ижодий бўлиш керак. Бошқача ифодаласак, бу жараён яхлит ***методик тузилма*** сифа-тида ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги ақлий ва жисмоний меҳнат фаолияти натижасида тегишли касбий кўникма ва малака даражасини (касбий маҳорат асосларини) шакллантириш методикасига йўналтирилган бўлиши лозим.




4.6-расм**. Педагогик маданият асослари**

Олий таълим муассасаларида талабалар малакавий амалиёти жараёнини тизимли ташкил этишнинг методик тузилмаси (модели) мазкур жараённинг таркибий қисмлари ўртасида ички тартибларнинг ўрнатилишини иерархик даражаларда акс эттирган. Бироқ биз бу масаланинг моҳиятини бошқа, яъни малакавий амалиёт жараёни билан унинг мазмуни ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан қараб чиқамиз.

Маълумки, *бир-бирига боғланганлик* ёки *ўзаро боғлиқлик* дейилганда томонларнинг бири иккинчисига боғлиқлиги ёки томонлар орасида бири иккинчисиз бўлмайдиган алоқадорлик тушунилади. ***Малакавий амалиёт жараёни билан унинг мазмуни ўртасида ҳам худди шундай алоқадорлик (боғланиш) мавжуд***. Бу алоқадорликнинг моҳиятини очиб бериш малакавий амалиёт жараёнини ташкил этишнинг амалдаги методик тузилмасини янада такомиллаштиришга, яъни ***методик инновациялар*** (янгидан киритиладиган тартиб-қоидалар) ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилишига замин тайёрлайди.

Олий таълим муассасаларида мазкур муаммонинг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатдики, амалий касбий таълим жараёнининг ташкил этилиши билан унинг мазмуни ўртасида методик алоқадорлик етарлича ўрнатилмаган, чунки бу борада махсус фанлар ўқитувчилари учун етарли методик адабиётлар яратилмаган ва чоп этилмаган. Шунингдек, олий таълим методикасида ҳам бу масалага етарлича эътибор қаратилмаган, тегишли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Оқибатда олий таълим муассасаларида яхлит малакавий амалиёт жараёни кўпинча пала-партиш, муайян тизимсиз, самарасиз ташкил этилишига йўл қўйилган. Бу эса битирувчилар - бўлғуси мутахассисларда касбий маҳорат асослари стандарт талаблари даражасида шаклланмаслигига сабаб бўлмоқда.

Биз мазкур камчиликларни бартараф қилиш учун малакавий амалиёт жараёнини ташкил этишнинг амалдаги методик тузилмасини такомиллаштиришга ҳаракат қилдиқ. Шу мақсадда малакавий амалиёт жараёнини ***тизимли ёндашув*** асосида икки жиҳатдан таҳлил қилдик:

1) малакавий амалиёт мазмунининг тизимли таҳлили;

2) малакавий амалиёт жараёнининг тизимли таҳлили.

Биринчи навбатда, ***малакавий амалиёт мазмунининг*** тизимли таҳлили натижаларини келтирамиз.

**1.** ***Малакавий амалиёт мазмуни*** қуйидаги таркибий қисмларни (турларни) ўз ичига олади (4.1-жадвал):

1. Амалий-лаборатория ишлари мазмуни.

2. Ўқув амалиёти мазмуни.
3. Ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти мазмуни.
4. Битирув-малакавий (диплом олди) амалиёти мазмуни.

Малакавий амалиётнинг мазмуний таркибий қисмлари, яъни турларининг ҳар бири алоҳида тизимли таҳлил қилинса, улар бир-бири билан боғланган ва ўзаро шартланган ўзига хос таркибий қисмлар мажмуидан иборат эканлиги аниқланади. Хусусан:

**I. Амалий-лаборатория ишлари** қуйидаги мазмуний таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

4.1-жадвал

**Малакавий амалиёт мазмуни ва жараёнининг ўзаро алоқадорлиги натижасида вужудга келувчи янги методик тузилма ва унинг таркибий қисмлари**

| Мазмуни: | Турлари: | Т А Р К И Б И Й Қ И С М Л А Р И: | | | | | Таркибий қисмлари: |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Битирув-малакавий (диплом олди) амалиёти | Битирув-малакавий (диплом) ишлари | Таянч корхоналар ва ўқув лабораториялари | Тадқиқий-синов технологиялари | Бошланғич малакаларнинг ЖН, ОН ва ЯН | Битирув-малакавий ишлар методикаси | |
| | Ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти | Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари | Таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) | Ўқув-ишлаб чиқариш технологиялари | Тугал кўникмаларнингЖН, ОН ва ЯН | Ишлаб чиқариш амалиёти методикаси | |
| | Ўқув амалиёти | Ўқув- амалий ишлар | Ўқув устахоналари | Ўқув-амалий технологиялар | Оралиқ кўникмаларнингЖН, ОН ва ЯН | Ўқув амалиёти методикаси | |
| | Амалий-лаборатория ишлари | Ўқув-тажриба ишлари | Ўқув лабораториялари | Ўқув-тажриба технологиялари | Бошланғич кўникмаларнингЖН, ОН ва ЯН | Амалий-лаборатория ишлари методикаси | |
| | МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ | режалаштириш | тайёргарлик | амалга ошириш | назорат | методик хизмат | Боскичлари: |
| | | Ж А Р А Ё Н И: | | | | | |

1) *ўқув-тажриба ишлари*ни аниқ режалаштириш;

2) *махсус ўқув лабораториялари*ни жиҳозлаш ва ишларни бажаришга тўлиқ тайёрлаш;

3) лабораторияларда бажариладиган *ўқув-тажриба технологиялари*ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

4) ўқув-тажриба технологияларини амалга ошириш жараёнида талабаларда *бошланғич касбий кўникмалар шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориш*;

5) мазкур жараёнларга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган *амалий-лаборатория ишлари методикаси*ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тизимли таҳлил асосида амалий-лаборатория ишлари бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *амалий-лаборатория ишларининг самарали ташкил қилиниши уни ўқув-тажриба ишлари, ўқув лаборатория-лари, ўқув-тажриба технологиялари, бошланғич кўникмалар шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш, амалий-лаборатория ишлари метод-икаси каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисмнинг маз-муни ва функциясини аниқ белгилашга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъмин-ланишига боғлиқ.*

**II. Ўқув амалиёти** қуйидаги мазмуний таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

1) *ўқув-амалий ишлари*ни аниқ режалаштириш;

2) *ўқув устахоналари*ни жиҳозлаш ва амалий ишларни бажаришга тўлиқ тайёрлаш;

3) ўқув устахоналарида бажариладиган *ўқув-амалий технологиялар*ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

4) ўқув-амалий технологияларни амалга ошириш жараёнида талабаларда *оралиқ кўникмалар шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориш*;

5) мазкур жараёнларга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган *ўқув амалиёти методикаси*ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тизимли таҳлил асосида ўқув амалиёти бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *ўқув амалиётининг самарали ташкил қили-ниши уни ўқув-амалий ишлар, ўқув устахоналари, ўқув-амалий техноло-гиялар, оралиқ кўникмалар шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш, ўқув амалиёти методикаси каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисмнинг мазмуни ва функциясини аниқ белгилашга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**III. Ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти** қуйидаги мазмуний таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

1) *ўқув-ишлаб чиқариш ишлари*ни аниқ режалаштириш;

2) *таянч корхона, ташкилот ёки муассасалар*ни танлаш ва уларни талабаларнинг ишлаб чиқариш ишларини бажаришга махсус тайёрлаш;

3) таянч корхона, ташкилот ва муассасаларда бажариладиган *ўқув-ишлаб чиқариш технологиялар*ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

4) ўқув-ишлаб чиқариш технологияларини амалга ошириш жараёнида талабаларда *тугал кўникма шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориш*;

5) мазкур жараёнларга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган *ишлаб чиқариш амалиёти методикаси*ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тизимли таҳлил асосида ишлаб чиқариш амалиёти бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *ишлаб чиқариш амалиётининг самаралт ташкил қилиниши ўқув-ишлаб чиқариш ишлари, таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар), ўқув-ишлаб чиқариш технологиялари, тугал кўникм шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш, ишлаб чиқариш амалиёти методикаси каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисмнинг мазмуни ва функциясини аниқ белгилашга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**IV. Битирув-малакавий (диплом олди) амалиёти** қуйидаги мазмуний таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

1) *битирув-малакавий (диплом) ишлари*ни аниқ режалаштириш;

2) *таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) ва ўқув лабораториялари*ни танлаш ва уларни талабаларнинг битирув-малакавий (диплом) ишларини бажаришга махсус тайёрлаш;

3) таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) ва ўқув лабораторияларида бажариладиган *тадқиқий-синов технологиялари*ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

4) тадқиқий-синов технологиялари амалга ошириш жараёнида талабаларда *касбий маҳорат асослари шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориш*;

5) мазкур жараёнларга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган *битирув-малакавий (диплом) ишлар методикаси* ёки *битирув-малакавий амалиёти методикаси*ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тизимли таҳлил асосида битирув-малакавий (диплом олди) амалиёти бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *битирув-малакавий (диплом олди) амалиётининг самарали ташкил қилиниши уни бити-рув-малакавий (диплом) ишлари, таянч корхоналар (ташкилотлар, муассаса-лар) ва ўқув лабораториялари, тадқиқий-синов технологиялари,*

*бошланғич касбий малакалар шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш, битирув-малакавий (диплом) ишлар методикаси* ёки *битирув-малакавий амалиёти методикаси каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир тарки-бий қисмнинг мазмуни ва функциясини аниқ белгилашга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

Энди ***малакавий амалиёт жараёнининг*** тизимли таҳлили натижаларини қараб чиқамиз.

***2. Малакавий амалиёт жараёни*** қуйидаги таркибий қисмларни (босқичларни) ўз ичига олади:

1. Малакавий амалиёт жараёнини режалаштириш.

2. Малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишга тайёргарлик кўриш.

3. Малакавий амалиёт жараёнини амалга ошириш.

4. Малакавий амалиёт жараёнини назорат қилиш.

5. Малакавий амалиёт методикаси

Биз малакавий амалиёт жараёнининг таркибий қисмлари, яъни унинг ҳар бир босқичини алоҳида тизимли таҳлил қилиб, улар ҳам бир-бири билан боғланган ва ўзаро шартланган ўзига хос таркибий қисмлар мажмуидан иборат эканлигини аниқладик. Хусусан:

**I. Малакавий амалиёт жараёнини режалаштириш** мазкур жараён мазмунининг турларига мувофиқ қуйидаги таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларида *ўқув-тажриба ишларини режалаштириш*;

2) ўқув амалиётида *ўқув-амалий ишларни режалаштириш*;

3) ишлаб чиқариш (технологик) амалиётида *ўқув-ишлаб чиқариш ишларини режалаштириш*;

4) битирув-малакавий (диплом олди) амалиётида *битирув-малакавий (диплом) ишларни режалаштириш*.

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт жараёнини режалаштириш бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *малакавий амалиёт жараёнини режалаштиришнинг самарали ташкил қилиниши уни ўқув-тажриба ишларини режалаштириш, ўқув-амалий ишларни режалаштириш, ўқув-ишлаб чиқариш ишларини режалаштириш, битирув-малакавий (диплом) ишларини режалаштириш каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисм режасини аниқ ишлаб чиқиш ва умумлаштиришга ҳамда ижросининг тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**II.** ***Малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишга тайёргарлик кўриш*** мазкур жараён мазмунининг турларига мувофиқ қуйидаги таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларини амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун *ўқув лабораторияларини жиҳозлаш ва уларни ўқув-тажриба ишларини бажаришга тўлиқ тайёрлаш*;

2) ўқув амалиётини амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун *ўқув устахоналарини жиҳозлаш ва уларни ўқув-амалий ишларни бажаришга тўлиқ тайёрлаш*;

3) ишлаб чиқариш (технологик) амалиётини амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун *таянч корхоналарни (ташкилотлар, муассасаларни) танлаш ва уларни талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришга махсус тайёрлаш*;

4) битирув-малакавий (диплом олди) амалиётини амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун *таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) ва ўқув лабораторияларини танлаш ҳамда уларни талабаларнинг битирув-малакавий (диплом) ишларни бажаришга махсус тайёрлаш*.

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишга тайёргарлик кўриш бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* ву-жудга келади: *малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишга тайёргар-ликнинг самарали ташкил қилиниши уни ўқув лабораторияларини жиҳозлаш ва уни ўқув-тажриба ишларини бажаришга тўлиқ тайёрлаш, ўқув устахона-ларини жиҳозлаш ва уни ўқув-амалий ишларни бажаришга тўлиқ тайёрлаш, таянч корхоналарни (ташкилотлар, муассасаларни) танлаш ва уни талаба-ларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришга махсус тайёрлаш, таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) ва ўқув лабораторияларини танлаш ҳамда уларни талабаларнинг битирув-малакавий (диплом) ишларни бажа-ришга махсус тайёрлаш каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисм бўйича умумий тайёргарлик чора-тадбирларини аниқ ишлаб чиқишга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**III.** ***Малакавий амалиёт жараёнини амалга ошириш*** мазкур жараён мазмунининг турларига мувофиқ қуйидаги таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларини *ўқув-тажриба технологиялари* асо-сида амалга ошириш;

2) ўқув амалиётини *ўқув-амалий технологиялар* асосида амалга оши-риш;

3) ишлаб чиқариш (технологик) амалиётини *ўқув-ишлаб чиқариш технологиялари* асосида амалга ошириш;

4) битирув-малакавий (диплом олди) амалиётини *тадқиқий-синов технологиялари* асосида амалга ошириш.

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт жараёнини амалга ошириш бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишнинг самарали ташқил этилиши уни амалий-лаборатория ишларини ўқув-тажриба технологиялари, ўқув амалиётини ўқув-амалий технологиялар, ишлаб чиқариш (технологик) амалиётини ўқув-ишлаб чиқариш технологиялари ва битирув-малакавий (диплом олди) амалиётини тадқиқий-синов технологиялари асосида амалга ошириш каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисм технологияларини аниқ ишлаб чиқишга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**IV.** ***Малакавий амалиёт жараёнини назорат қилиш*** мазкур жараён мазмунининг турларига мувофиқ қуйидаги таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларида ўқув-тажриба технологияларини амалга оширишда талабаларда шаклланадиган *бошланғич кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориш*;

2) ўқув амалиётида ўқув-амалий технологияларни амалга оширишда талабаларда шаклланадиган *оралиқ кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориш*;

3) ишлаб чиқариш (технологик) амалиётида ўқув-ишлаб чиқариш технологияларини амалга оширишда талабаларда шаклланадиган *тугал кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориш*;

4) битирув-малакавий (диплом олди) амалиётида тадқиқий-синов технологияларини амалга оширишда талабаларда шаклланадиган *бошланғич касбий кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориш*.

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт жараёнини назорат қилиш бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *малакавий амалиёт жараёнини назорат қилишнинг самарали ташкил қилиниши уни амалий-лаборатория ишларида бошланғич кўникмаларни, ўқув амалиётида оралиқ кўникмаларни, ишлаб чиқариш (технологик) амалиётида тугал кўникмаларни ва битирув-малакавий (диплом олди) амалиётида бошланғич касбий кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориш каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисм бўйича жорий, оралиқ ва якуний назорат шаклларини аниқ ишлаб чиқишга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**V.** Малакавий амалиётга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ***малакавий амалиёт методикаси*** мазмуни ва жараёнига мувофиқ қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларига методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган *амалий-лаборатория ишлари методикаси;*

2) ўқув амалиётига методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган *ўқув амалиёти методикаси;*

3) ишлаб чиқариш (технологик) амалиётига методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган *ишлаб чиқариш амалиёти методикаси;*

4) битирув-малакавий (диплом олди) амалиётига методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган *битирув-малакавий (диплом) ишлар методикаси* ёки *битирув-малакавий амалиёти методикаси.*

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт методикаси бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *малакавий амалиёт методикасининг самарали яратилиши (ишлаб чиқилиши) уни амалий-лаборатория ишлари учун амалий-лаборатория ишлари методикаси, ўқув амалиёти учун ўқув амалиёти методикаси, ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти учун ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти методикаси, битирув-малакавий (дип-лом олди) амалиёти учун битирув-малакавий (диплом) ишлар методикаси ёки битирув-малакавий амалиёти методикаси каби таркибий қисмларга ажра-тишга, ҳар бир амалиёт тури методикаси-нинг алоҳида ишлаб чиқилиши ва уларнинг бир бутун қилиб умумлаштири-лишига боғлиқ.*

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларида талабалар малакавий амалиёти мазмуни ва жараёнига уларнинг ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назаридан тизимли ёндашув натижасида ***инновацион методик тузилма*** ва унинг тарки-бий қисмлари вужудга келади. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар малакавий амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш битирувчиларда тегишли касбий компетенцияларни тизимли шакллантиришга имкон беради.

**Педагогика фани ва амалиёти интегациясини** таъминлашда маърифий кластерлар ҳам ўзига хос ўрин тутади. “Маърифий кластер”- профессионал / олий таълим муассасалари ва корхоналарнинг тармоқ ва тармоқлараро белгилар бўйича ягона ташкилий тузилмага бирлашган географик концентацияси бўлиб, у таълим олувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишга имкон беради. Ўзбекистонда маърифий кластерлар энди шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда.

## 4. Педагогика фанини ривожлантиришнинг махсус стратегиялари: интериоризация, экстериоризация, проблематизация ва рефлексия

Педагогика фанлари учун илмий билимларнинг умумий ва махсус стратегиялари хосдир. Илмий жараённинг ахборот концепцияси нуқтаи назаридан **фан** – инсон томонидан ахборот тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун яратилган мураккаб динамик ахорот тизими. Фан қуйидаги қонунлар асосида ишлайди: замонавий фаннинг тезкор ҳаракати (илмий би-лимларнинг ортиши) ва тизимли табиати.

Илм-фан амалиётга бўлган муносабатини ўзгартирмоқда. Технологик билимлар ва инновацион фаолият таҳлил этилмоқда. Умуман олганда, фаннинг мақсади субъект онгида объектив дунёнинг акс этиши сифатида қабул қилинган илмийликнинг классик моделидан билиш воситаларининг ролини ҳисобга оладиган ноклассик моделига, ундан эса постклассик моделга ўтиш жараёни кузатилмоқда. Бу моделда субъект ва билимларнинг амалий йўналганлиги, унинг фойдалилиги ҳисобга олинади.

Педагогика фанини ривожлантиришнинг махсус стратегиясига қуйидагилар киради: интериоризация, экстериоризация, проблематизация и рефлексия.

1. ***Интериоризация стратегияси*** педагогика фанини ривожлантиришнинг маданий-намунавий хусусияти билан боғлиқ. Бу нафақат ички механизм-ларга, балки маданий, ижтимоий, субъектив ва бошқаларга таянишни таклиф этади.

Маданий-намунавий парча илмий фанга ижтимоий буюртманинг узвий сингдирилиши орқали қадриятли намуна, турли нуқтаи назар ва қадриятларнинг бир-бирини тўлдириб мавжуд бўлиши; педагогика фанига бошқа фанлар-нинг сингиши, фанлараро алоқаларнинг долзарблашуви ва маданиятлараро тадқиқотлар ўтказилиши шаклида амалга оширилади. Масалан, "Ўқитувчи-ларнинг инновацияларга муносаби", "Мактабдаги муваффақиятсизликлар сабаблари" ва бошқалар.

2. ***Экстериоризация стратегияси*** илмий педагогик билимларни амалиётга, педагогик фаолиятга жалб қилишни ўз ичига олиб, педагогика фанининг инновацион йўналганлигини, унинг инновацион циклдаги белгиловчи ўрнини дастлаб назарда тутади (4.7-расм).

3. ***Проблематизация (муаммолаштириш) стратегияси***. Диссертациялар таҳлили асосида аниқландики, инновацион оқимларни қуйидаги инно-вацион ғоя - тушунча мазмунини ифодаловчилар белгилайди: тайёрлаш, тай-ёргарлик, касбий таълим, маданият, нуқтаи назар ва бошқалар.




**Шартли белгилар:**

ИИ – илмий изланиш;

ЯЯ –янгилик яратиш

Яа – янгиликни жорий этиш;

Ир – инновация рефлексияси

ИЦ – инновацион цикл

4.7-расм. **Инновацион цикл тузилмаси**

Инновацион оқимларни “тайёрлаш” инновацион ғоя - тушунча мазмуни-ни ифодаловчи билан батафсил кўриб чиқамиз. Инновацион оқимнинг тузил-мавий формуласи 4.8-расмда келтирилган.




4.8-расм. **Инновацион оқимнинг “тайёрлаш” инновацион ғоя - тушунча мазмунини ифодаловчилар билан тузилмавий формуласи**

5. ***Рефлексия стратегияси***. Фанда илмий билишнинг турли хил идеаллари қўлланилади: табиий-илмий, гуманитар, технологик. 4.2-жадвалда уларнинг мазмуний хусусиятлари келтирилган.

4.2-жадвал

**Турли хил идеалларнинг мазмуний хусусиятлари**

| **Табиий-илмий** | **Гуманитар** | **Технологик** |
|---|---|---|
| • Метафизика ва бир-бирига зид ҳукмларни рад этиш<br>• Илмий ишончлилик<br>• Агар p ва q шарт-шароитлари мавжуд бўлса, A объекти билан b, c, d ўзгаришлари содир бўлади.<br>• A объектининг ўзгариши F қонунига бўйсунади. | • Воқеликни ўзи ҳис этишини амалга ошириш<br>• Воқеликни олим ва бошқа одамнинг тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда тушунтириш | • Агар A объектига a, b, c амаллари қўлланилса, у ҳолда E объекти олинади.<br>• C маҳсулотини олиш учун A объекти олиниши ва унга нисбатан a, b, c амаллари бажарилиши керак |

Педагогика ижтимоий-гуманитар фан бўлиб, билимларнинг гуманитар идеалига йўналтирилган. Бу одамни ўрганадиган фанларга хосдир. Бироқ кейинги вақтларда далилларга асосланган педагогикага мурожаат қилиш долзарб бўлиб қолди. Шунингдек, таҳлиллар шуни кўрсатдики, илмий экспертлар жамоаси кўпроқ табиий-илмий билиш идеалига мўлжал олганлар. Айни пайтда, 13.00.01-ихтисослигида билишнинг гуманитар идеали, 13.00.02 ихтисослигида билишнинг технологик идеали устунлик қилади.

**Назорат саволлари**

1. Педагогик (дидактик) концепциялар, парадигмалар ва таълим моделлари ҳақида маълумот беринг.

2. Педагогика фанини ривожлантириш омиллари ва тенденцияларини айтиб беринг.

3. Педагогика фани ва амалиёти интегацияси: педагогик фаолият, талабалар педагогик амалиёти, инновацион маърифий муассасалар ва маърифий кластерлар муаммолари ва ечимларини айтиб беринг.

4. Педагогика фанини ривожлантиришнинг махсус стратегиялари: интериоризация, экстериоризация, проблематизация ва рефлексиясини айтиб беринг.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Жуманова Ф., Авазова С. ва бошқалар Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: “Ишончли ҳамкор”, 2020 й. -582 б.

2. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.

3. Ишмуҳамедов Р, Мирсолиева М, Акрамов А. Раҳбарнинг инновацион фаолияти. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2019, 68 бет.

4. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 60 б.

5. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методисталар, ўқитувчилар. тарбиячи ва мураббийлар учу ўқув қўлланма)-Т.:2013.-279 б

6. Муслимов Н.А., М.Ж.Муталипова, Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Низомий номидаги ТДПУ Ризографи, Тошкент 2014 йил.

7. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

8. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

9. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.–115

10. Коджаспирова, Г.М. Педагогика в схемах и таблицах: Учебное пособие. - М.: Проспект, 2016.

11. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

12. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

13. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Т: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

# IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

## 1-амалий машғулот.
## Мавзу: Шахс камолоти – педагогик муаммо ва умумилмий категория сифатида

**Мулоҳаза учун саволлар:**

1. Шахс камолоти нима?
2. Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи куч нима?
3. Шахс камолотидаги ички ва ташқи зиддиятларга нималар киради?
4. Шахс камолотини қандай омиллар белгилайди?
5. Шахс камолотининг ҳар бир омилини тавсифланг?
6. Тарбия орқали одамни бутунлай ўзгартириш мумкинми?
7. Шахс камолотини ташхислаш мумкинми?
8. Шахс камолотининг ташхиси қандай амалга оширилади?

**Топшириқлар:**

**1-топшириқ. Қуйида келтирилган икки фикр-мулоҳазани изоҳланг ва ўзаро қиёсий таққосланг:**

а) одам - индивид сифатида ...

б) одам - шахс сифатида ...

**2-топшириқ. “Одам”, “индивид”, “индивидуаллик”, “шахс” ва “шахснинг шаклланиши” тушунчаларининг таърифини ёзинг. Жавобни 1-жадвал кўринишида тўлдиринг.**

1-жадвал

| № | Тушунчаларнинг таърифи | Манбалар (адабиётлар) номи |
|---|---|---|
| 1 | Одам - | |
| 2 | Индивид - | |
| 3 | Индивидуаллик (шахсият) - | |
| 4 | Шахс - | |
| 5 | Шахснинг шаклланиши - | |

**3-топшириқ. Турли манбалардан фойдаланиб, “шахс камолоти” тушунчасига берилган таърифларни ёзинг. Жавобни 2-жадвал кўринишида тўлдиринг**.

2-жадвал

| № | Тушунчанинг таърифи | Манбалар (адабиётлар) номи |
|---|---|---|
| 1 | | |
| 2 | | |
| 3 | | |

| | | |
|---|---|---|
| 4 | | |
| 5 | | |

**4-топшириқ. Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи асосий омил-ларни, уларнинг моҳиятини ва аҳамиятини изоҳланг. Жавобни 3-жадвал кўринишида тўлдиринг**.

3-жадвал

| Омиллар: | Мазмун-моҳияти | Ҳаётдаги аҳамияти |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |

**5-топшириқ. Ирсиятнинг моҳияти ва аҳамиятини изоҳланг. Жавоб-ни 4-жадвал кўринишида тўлдиринг**.

4-жадвал

| Ирсият | |
|---|---|
| **Ота-онадан болага ўтадиган сифатлар ва хусусиятлар:** | **Истеъдод нишоналари ва қобилиятларнинг бирбирига босқичли бўйсуниши:** |
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| 3. | 3. |
| 4. | 4. |
| 5. | 5. |

**6-топшириқ. Ирсиятнинг моҳияти ва аҳамиятини изоҳланг. Жавоб-ни 5-жадвал кўринишида тўлдиринг**.

5-жадвал

| Муҳит |
|---|

| **Яқин муҳит ва унинг хусусиятлари:** | **Узоқ муҳит ва унинг хусусиятлари:** |
|---|---|
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| 3. | 3. |

**7-топшириқ. Назарий материаллар матнидан фойдаланиб, шахс ка-молоти ҳақидаги назарияларнинг моҳиятини изоҳланг. Жавобни 6-жад-вал кўринишида тўлдиринг**.

6-жадвал

| **Назариялар номи** | **Уларнинг мазмун-моҳияти** |
|---|---|
| Преформистик назария | |
| Теологик назария | |
| Ўта шахсиятпарастлик назарияси | |
| Биологик назария | |
| Ўз-ўзидан содир бўладиган ривожланиш назарияси | |
| Руҳий таҳлил назарияси | |

**8-топшириқ. Шахс камолоти – шахснинг жисмоний, руҳий ва маъна-вий хусусиятларида миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига диа-лектик ўтиш билан тавсифланадиган мураккаб, узоқ давом этадиган ва зиддиятли жараён эканлигини назарда тутган ҳолда қуйидаги саволларга ёзма равишда асосланган жавоб беринг:**

1. Одам онтогенези (жисмоний-биологик ривожланиш йўли) ва шахс онтогенези (руҳий, маънавий-маданий шаклланиш йўли) нима учун ўзаро уйғунлашган яхлит жараён ҳисобланади?

2. Шахснинг жисмоний-биологик ривожланиш ва руҳий, маънавий-мада-ний шаклланиш қонунлари ва қонуниятлари қайси фанлар томонидан ўргани-лади?

3. Комил инсон ва баркамол авлодни шакллантириш мақсадида шахс ка-молотини бошқариш ҳақидаги назария қайси фанда ишлаб чиқилади?

**9-топшириқ. Қуйидаги даврлаштириш босқичлари қайси ёшни қамраб олиши, унда фаолиятнинг қайси тури етакчи ўрин тутиши ва қандай сифатлар вужудга келишини (Э.Эриксон бўйича) ёзинг. Жавобни 7-жадвал кўринишида тўлдиринг**.

7-жадвал

| **Даврлаштириш босқичлари**: | **Фаолиятнинг етакчи тури** | **Вужудга келадиган сифатлар** |
|---|---|---|
| Гўдаклик | | |
| Илк болалик | | |
| Мактабгача ёш | | |
| Кичик мактаб ёши | | |
| Ўсмирлик | | |
| Ўспиринлик | | |
| Ёшлик | | |

**10-топшириқ. Шахс камолоти қонуниятларини келтиринг ва изоҳ-ланг. Жавобни 8-жадвал кўринишида тўлдиринг**.

8-жадвал

| **Шахс камолоти қонуниятлари:** | |
|---|---|
| **Шахснинг жисмоний камолоти қонуниятлари** | **Шахснинг маънавий камолоти қонуниятлари** |
| 1. | 1. |

| | |
|---|---|
| 2. | 2. |
| 3. | 3. |
| 4. | 4. |
| 5. | 5. |

**11-топшириқ. Қуйидаги хусусиятлардан қайси бири одамни шахс сифатида, қайси бири индивид сифатида тавсифлайди?**

**аниқ бир мақсадга йўналганлик (собитқадамлик); ўжарлик; ўйчанлик; ҳиссиётлилик; тиришқоқлик; барқарорлик; ёқимли овоз; ижтимоий фаоллик; ўткир ақл; ажойиб талаффуз тарзи; ўртача бўй; мусиқийлик; жиззакилик (сержаҳллик); тарбияланганлик; қоронғиликка паст мосла-шиш; меҳнатсеварлик; фазовий ҳатти-ҳаракатларнинг номувофиқлиги; кўк кўз; яхши эшитиш; ғамхўрлик; ҳаракатчанлик.**

**Жавобни 9-жадвал кўринишида тўлдиринг**.

9-жадвал

| Шахсга хос хусусиятлар: | Индивидга хос хусусиятлар: |
|---|---|
| | |

**12-топшириқ. Қуйида келтирилган хусусиятлардан қайси бири асосан ижтимоий омиллар, қайси бири биологик омиллар билан шартланган?**

**обрў (нуфуз); ўжарлик; нутқ; мижоз; дунёқараш; сезги (инстинкт); ирода; эътиқод; билим; истеъдод нишонаси; идеаллар (олий мақсадлар); ҳис-туйғунинг ёш хусусиятлари; фъел-атвор; кўриш хусусиятлари; юзаки (механик) хотира; мантиқий хотира; ҳис-туйғу (эмоция); тафаккур (фикрлаш); диққат; ақл-заковат; тил; мусиқий эшитиш қобилияти; ишга ижодий муносабат; бефарқлик; тажовузкорлик; инсонпарварлик**

**Жавобни 10-жадвал кўринишида тўлдиринг**.

10-жадвал

| Ижтимоий омиллар билан шартланади: | Биологик омиллар билан шартланади: |
|---|---|
| | |

**13-топшириқ. Шахснинг асосий вазифаси - ...**

**14-топшириқ. Шахс камолоти ва уни бошқариш нима учун педагогик умумилмий категория ва муаммо ҳисобланади? Жавобингизни фактлар билан асосланг.**

## Назорат саволлари

1. Шахс камолоти нима?
2. Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи куч нима?
3. Шахс камолотидаги ички ва ташқи зиддиятларга нималар киради?
4. Шахс камолотини қандай омиллар белгилайди?
5. Шахс камолотининг ҳар бир омилини тавсифланг?
6. Тарбия орқали одамни бутунлай ўзгартириш мумкинми?
7. Шахс камолотини ташхислаш мумкинми?
8. Шахс камолотининг ташхиси қандай амалга оширилади

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Жуманова Ф., Авазова С. ва бошқалар Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: "Ишончли ҳамкор", 2020 й. -582 б.
2. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.
3. Ишмуҳамедов Р, Мирсолиева М, Акрамов А. Раҳбарнинг инновацион фаолияти. – Т.: "Фан ва технологиялар", 2019, 68 бет.
4. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 60 б.
5. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методисталар, ўқитувчилар. тарбиячи ва мураббийлар учу ўқув қўлланма)-Т.:2013.-279 б
6. Муслимов Н.А., М.Ж.Муталипова, Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Низомий номидаги ТДПУ Ризографи, Тошкент 2014 йил.
7. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: "Sano-standart", 2015. – 208 б.
8. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: "Sano-standart", 2015. – 120 б.

9. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.–115

10. Коджаспирова, Г.М. Педагогика в схемах и таблицах: Учебное пособие. - М.: Проспект, 2016.

11. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: "Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази" нашриёти, 2019. 312 б.

12. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

13. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Т: "Lesson press", 2020. 112 бет.

## 2-амалий машғулот.
## Мавзу: Маърифат –педагогик категория сифатида
### Мулоҳаза учун саволлар:

1. Маърифат нима?
2. Маърифатга қандай таърифлар берилган?
3. Маърифатнинг мақсади нима?
4. Маърифатнинг мазмуни нималарда ўз аксини топади?
5. Педагогик жараён қандай таркибий қисмларни ўз ичига олади?
6. Маърифий жараёнда таълим қандай ўрин тутади?
7. Маърифий жараёнда тарбия қандай ўрин тутади?
8. Маърифат нима учун педагогик категория ҳисобланади?

### Топшириқлар:

**1-топшириқ: "Маърифат" тушунчасига берилган қуйидаги таъриф-лардан учтасини танлаб олиш асосида ФСМУ жадвалини тўлдиринг. Жа-вобни 1-жадвал кўринишида тўлдиринг.**

1. Маърифат – ижтимоий ҳодиса ва жараён.
2. Маърифат – муайян шахс ва жамият ривожланишининг умумий шакли.
3. Маърифат – жамиятдаги қадрият, ижтимоий онг ва шахс тузилма-ларини ўз ичига қамраб олган алоҳида тизим ва ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси.
4. Маърифат – кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия.
5. Маърифат - таълим, тарбия ва инсон камолоти жараёнларининг узвий бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги.
6. Маърифат – одам ирсияти ва унинг атрофидаги табиий-ижтимоий муҳитнинг шахс камолотига таъсирини тартибга солиб турувчи омил.

7. Маърифат - одамзодни дунёвий қадриятлар, фан-техника ютуқлари билан таништиради ва одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқот муҳити.

8. Маърифат – таълим ва тарбиянинг узвий (ажралмас) яхлит тизими, шунингдек шахс томонидан эгалланадиган билимлар, кўникмалар, малакалар, қадриятли мўлжаллар (йўл-йўриқлар), иш-вазифалар, фаолият тажрибаси ва компетенциялар мажмуи.

9. Маърифат - таълим ва тарбиянинг ўзаро бирлигида кечадиган, шахс камолотини тартибга солиб, уни маданийликка, комилликка элтадиган педагогик жараён.

1-жадвал

| |
